















R 496

ГУЛИСТОН

7-12
1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий—сиёсий, адабий—бадиий журнали

№ 7 (473)
Июль
1989

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Таҳрир ҳайъати:
Сарвар АЗИМОВ,
Баҳодир АМИНОВ,
Хуршид ДАВРОН,
Наримон ИБРОҲИМОВ,
Уктам МИРЗАЕРОВ,
Эргаш МУҲАММАД
(масъул котиб),
Азиз ҚАЮМОВ,
Шомурод СИДДИҚОВ,
Саидмаҳмуд УСМОНОВ,
Оқилжон ҲУСАНОВ,
(бош муҳаррир ўринбосари)

Бош рассом
Т. Саъдулла

Техник муҳаррир
М. Абдуллаев
Корректор М. Набиева

МУҚОВАДА
Биринчи бет:
ЖОНИВОРЛАР — БИЗНИНГ ИНИМИЗ
Олақанот. Чўл эчкиэмари. Қора бузов ўз уясида. Тасқара. Кўлвор илон. Турнахон. Қоплон.
А. Моисеев фотолари

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Редакция телефонлари: бош муҳаррир — 33-35-20; бош муҳаррир ўринбосари — 33-35-90; масъул котиб — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-77.

Адресимиз: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.



Москва. СССР Халқ депутатлари съездида.

ГБ УзССР
Ж


БУ СОНДА:



ЭЛБЕК:

Кунлар ўтмоқдалар тунларни қувиб,
Биламан, лек буни санай олмайман.
Сувлар оқмоқдалар қирғоқни ювиб,
Сезаман, тек унга назар солмайман.

(7-бет)



УЙҒУН:

**Қарама-қаршилик — ҳаёт қонуни,
Унда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бор.
Кўпроқ яхшилик қил қўлингдан келса,
Дунёмиз азалдан яхшиликка зор.**

(6-бет)



АЙДЕР ОСМАН:

Ҳулкар билан Музаффар дастлабки вақтларда жуда яхши яшадилар. Сўнгра нимадир бўлди. Музаффарда ўзгариш сезила бошлади. Бир неча кунгача уйига кеч қайтди. Ора-сира келмайдиган одат чиқарди. Эрталаб барвақт ишга кетадида, уйга эртасига кечқурун келади. Бу ҳол Ҳулкарнинг қалбини қанчалик ларзага солмасин, у буни Музаффарга сездирмади.

(22—25-бетлар)

© «Гулистон», № 7, 1989 й.

ИСТИҚБОЛ

МОСКВАДА СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ БИРИНЧИ СЪЕЗДИ БЎЛИБ ЎТДИ



СССР ОЛИЙ СОВЕТИ РАИСИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, КПСС СИЁСИЙ БЮРОСИ АЪЗОСИ МИХАИЛ СЕРГЕЕВИЧ ГОРБАЧЕВ.

Қайта қуриш ва ошкоралик шабадасини ҳаётимизга олиб кирган коммунистик партия ўз нуқсонларини тан олди, халқни яна инқилобий қайта қуришга илҳомлантирди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда инқилобий жараён кечаётир. Партиямиз томонидан давлатни бошқаришни халққа, яъни халқ депутатларига топшириш йўллари ишлаб чиқилди. Шу йил 26 мартда бошланган СССР халқ депутатларини сайлаш тадбири ҳар қачонги сайловлардан кескин фарқ қилиб, анчагина демократик тарзда ўтди. Тўғри, ҳали ҳам сайловни ўтказиш жараёнида бюрократик аппарат таъсири сезилиб турди. Аммо асосан адолат тантана қилди. Бутун мамлакатимиз бўйича сайланган 2249 халқ депутати ичида халқпарварлар, адолатпарварлар, қайта қуриш тарафдорлари кўп. Уларнинг ҳаммаси ўзларининг чинакам халқ депутатлари биринчи Съезди — ҳуррият қурултойини ўтказиш мақсадида Москвага йиғилдилар.

25 май куни соат 10 да Кремлдаги Съездлар саройида СССР халқ депутатлари съезди иш бошлади.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси В. П. Орлов съездни очар экан, депутатларни мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг Олий органига сайланишлари, совет халқи уларга катта ишонч билдирганлиги билан марказий сайлов комиссияси номидан самимий қутлади.

Нотиқ сайланган 2249 СССР халқ депутатидан съездда 2155 халқ депутати ҳозир бўлганини маълум қилди.

Бу залда, деди сўзини давом эттириб нотиқ, ҳозир ишчилар, колхозчилар, ишлаб чиқариш командирлари, олимлар, маданият арбоблари, ҳарбий хизматчилар, турли касб ва турли авлодларга мансуб кишилар ўтиришибди. Депутатларнинг составн мамлакатимизнинг кўпмиллатли характерини акс эттиради. Улар орасида 65 миллат ва элатнинг намояндалари бор. Ҳозирги депутатлар корпуси умумдавлат аҳамиятига молик бўлган вазифаларни ҳал этиши лозим. Бу вазифаларни Конституциямиз аввало халқ депутатлари съезди зиммасига юклаган давлат ҳокимиятининг олий органи бўлган съезд СССР ихтиёридаги ҳар қандай масалани кўриб чиқиш ҳуқуқига эгадир. У Олий Совет, бошқа ҳамма давлат органлари фаолиятининг бош йўлини белгилаб беради.

СССР Конституциясининг 110-моддасига мувофиқ В. П. Орлов Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқ депутатлари съездининг биринчи мажлисини очиқ деб эълон қилди.

СССР халқ депутатлари съезд президиумини 18 кишидан иборат қилиб сайладилар. Съезд Президиумига СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат А. И. Лукьянов, Марказий сайлов комиссиясининг раиси

ЙЎЛЛАРИ

В. П. Орлов ва ҳар бир иттифоқдош республикадан биттадан вакил сайландилар.

Съездда раислик қилиш СССР халқ депутати М. С. Горбачевга топширилади. Билдирилган ишонч учун съезд президиуми номидан сизларга миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар, дейди у. Кемамизни эзгу мақсад сари муваффақиятли бошқариб бориш учун тўла ҳамкорликда ишлашга ҳаракат қиламиз. Биз съезднинг кун тартиби ва иш тартибини тасдиқлашимиз лозим. СССР халқ депутатларига, съездга шуни маълум қилмоқчиманки, кеча делегацияларнинг вакиллари — 446 киши тўққиз соат мобайнида мажлис ўтказишди. Таклифлар тайёрлаш учун бу масалаларни жуда синчиклаб муҳокама қилдик.

Съезднинг тасдиқлаши учун қуйидаги масалаларни ўз ичига оладиган съезд кун тартиби ва иш тартиби таклиф этилади:

1. Съезднинг мандат комиссиясини сайлаш.
2. СССР Олий Совети Раисини сайлаш.
3. СССР Олий Советини сайлаш.
4. СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосарини сайлаш.
5. СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида. Докладчи — СССР Олий Советининг Раиси.
7. СССР Министрлар Совети Раисини тасдиқлаш.
8. СССР Конституцион назорат комитетини сайлаш.
9. СССР Халқ назорати комитетининг раисини, СССР Олий Судининг Раисини, СССР Бош прокурорини, СССР Бош давлат арбитрини тасдиқлаш.
10. Бошқа масалалар.

Съезд СССР халқ депутатларининг ваколатларини текшириш учун мандат комиссиясини сайлади.

Биринчи мажлисда депутатлар Тбилисида ҳалок бўлганларнинг хотирасини ўринларидан туриб ҳурмат билан эсга олдилар.

СССР Олий Совети Раиси лавозимига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, КПСС Сиёсий Бюроси аъзоси ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев номзоди кўрсатилди. Номзодни КПСС Марказий Комитети номидан СССР халқ депутатлари съездига СССР халқ депутати, ёзувчи Чингиз Айтматов тавсия этди ва номзод тўғрисида нутқ сўзлади. Депутат В. А. Бирюков СССР Олий Совети раислигига Б. Н. Ельцин номзодини тавсия этди. Депутат А. М. Оболенский эса, съездга ариза билан мурожаат этиб, СССР Олий Совети раиси лавозимига ўз номзоди кўрсатилишини сўради.

Кўпгина мунозаралардан сўнг Б. Н. Ельцин сўзга чиқиб, ўз номзодини қайтиб олди.

Яширин овоз бериш натижасига кўра (2.123 депутат ёқлаб, 87 депутат қарши овоз берди) М. С. Горбачев СССР Олий Совети Раиси қилиб сайланди.

СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев «СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида» доклад қилди.

542 депутатдан иборат Олий Совет аъзолари сайланди. Шундан 271 депутат Иттифоқ Советининг, 271 депутат Миллатлар Советининг аъзосидир.

Жумҳуриятимиздан Иттифоқ Советига 14 депутат, Миллатлар Советига 11 депутат аъзо этиб сайланди.

Ҳамюртимиз Рафиқ Нишонович Нишонов СССР Олий Совети аъзолари кўпчилигининг маъқуллаши билан Миллатлар Советининг раиси этиб тасдиқланди.

СССР Олий Совети аъзолари кўпчилигининг маъқуллаши билан Н. И. Рижков СССР Министрлар Совети раиси этиб тасдиқланди.

СССР Олий Совети аъзолари кўпчилигининг маъқуллаши билан Г. В. Колбин СССР Халқ назорати комитетининг раиси, Е. А. Смоленцев СССР Олий судининг Раиси, А. Я. Сухарев СССР Бош прокурори, Ю. Г. Матвеев СССР Бош давлат арбитри этиб тасдиқланди.

СССР халқ депутатлари съезди 9 июнь куни ўз ишини тамомлади.



СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИ РАИСИ РАФИҚ НИШОНОВИЧ НИШОНОВ.





Съезд мажлислари орасидаги танаффус пайтларида. [ТАСС фотохроникаси]

БИРОДАРЛИК ҚОНУНИ

1

Қишин-ёзин елкасидан ола тўни тушмайдиган Ҳисор тоғи бағридаги бу воҳанинг бетакрор табиати қўйнида руҳиятидан шарқона соддалик, самимият барқ уриб турган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш, кўҳна дунё ажойиботлари хусусида мусоҳаба қилишнинг ўзгача хосияти, ҳеч қандай китобда битилмаган ҳикмати бор... Гапимиз мавзуи яна тоғ этагида содир бўлган зилзила асоратларига келиб боғланади.

— Мусибат, мусибат, — дея бош чайқайди нуроний мўйсафид.

— Эй, нимасини гапирайлик, — дейди хўрлиги келиб бошқа қария.

Ҳамсуҳбатлардан бировнинг кечагина ўша томонларда бўлиб қайтганидан, бошқасининг эса, хешу ақраболари ҳолидан хабар олиш учун шошилаётганидан огоҳ бўламиз.

...Айтишларича, қадимда Ҳисор районида Оққўли-боло, Оққўли-поён, яъни Юқориги Оққўл ва Пастки Оққўл бўлиб, у кўллар қачонлардир ер қаърига тамоман сингиб кетган экан. Бу шунчаки ривоят эмас. Кейинчалик ана шу атрофда пайдо бўлган қишлоқларнинг кўллар номи билан атала бошлангани ҳам бу гапнинг ростлигини тасдиқлайди. Тахминларга қараганда, ер қаърига сингиган кўл суви кенг бўшлиқда туриб қолган. Мана, эндиликда эса, кучли ўпирилиш натижасида зилзила ва ер сурилиши содир бўлди... Ҳар ҳолда, кўчадаги гаплар шунақа... Фалсафанинг бордан йўқ бўлмаслик қонуниятларини тан олсак, Ҳисорда юз берган мудҳиш табиий офат замирида қанчалик асосли ҳаёт ҳақиқати ётганлигини кўрамиз.

Шундай кезларда табиий шароитларни ҳисобга олмай, дуч келган жойда сув омборларини қуриш, синоати номаълум бўлган бўз ерларни ўзлаштириб, йирик-йирик турраржой даҳаларини барпо этавериш аҳоли тақдирига таҳдид солмасмикан, деб ўйлаб қоласан киши. Тошкенти азимдай икки миллиондан зиёд аҳолиси бўлган пойтахтнинг шундай биқинида ёғин-сочинли кунларда таҳликали чайқалиб турадиган Чорвоқ ГЭСидан, Туябўғиздаги сунъий денгиздан ҳамшаҳарларимиз кўнгилдагидай муҳофаза қилинганми? Ахир, Пискент районидаги Қировчи қишлоғида содир бўлган сув тошқинини ҳали ҳеч ким унутгани йўқ-ку.

Ўлкамиз харитасида баҳорги қўзиқоринлардай пайдо бўлаётган йирик сув иншоотлари бориб-бориб табиатимизга таҳдид солмасмикан?

Бундан ўн йиллар муқаддам одамлар орасида: «Бухорони қум босармиш», деган миш-миш тарқалганида бу сафсатага ҳеч ким ишонмаганди. Эндиликда Орол денгизининг ҳалокат ёқасига келиб қолиши Оролбўйи шаҳар ва қишлоқларининг, кўҳна Бухоронинг тақдирига хавф солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Оролқумнинг суронли кўчкилари остида қолиб кетаётган Мўйноқдай кўркам шаҳарнинг заволи — табиатнинг қасоси эмасми?!.

Булар ҳам етмаганидек, асрлар синовига дош бериб, бизгача етиб келган Бухородай шаҳри азим атрофларида калтабинлик билан суғориш иншоотларининг барпо этилиши шаҳардаги бебаҳо тарихий-маданий ёдгорликларни шўр бостириб юборди. «Бухорони қутқарайлик!» деб чалинаётган бонгларнинг садоси бамисоли Қизилқумга сингиб кетаяпти.

Қилғиликни қилиб қўямизу бирор кори ҳол бўлса, табиат қаршисида ожизмиз, деб бош чайқашдан нарига ўта олмаймиз. Хатоларимиз эса озмунча эмас. Гуноҳларимизни табиат гарданига юклайверишдан ор қилмай қўйдик. Табиат эса, фарзандлари йўл қўйган хатоларни шафқатсизлик билан инкор этиб келаяпти.

2

Ҳисор Қўрғонига мана шундай, бири-биридан ташвишли, хавотирли ўйлар билан етиб келдим. Қўрғон дарбозасининг шундай сўлиидаги чойхона мижозлар билан гавжум. Қуйида ястаниб ётган қишлоқлар томон қурилиш анжомлари юкланган машиналар тинимсиз ўтиб турибди. Қурувчилар апил-тапил тушлик қилиб ишга шошилишади.

Шу кунларда бу ерда ҳамманинг ташвиши ўзига етарли.

Олдинроқда ола яктагининг барини қайириб, белбоғига қистириб олган нуроний ирғай ҳассасига таяниб чайқала-чайқала одимлаяпти. Дамба-дам қаддини ростлаб манзилига мўлжал олади. Қўлтиғига қисиб олган тугунчасига қараганда, ер ерларга кимнидир йўқлаб келаяпти умидвор бу жон. Излаганларини бағрига босиб, муроди ҳосил бўлсин.

Ҳисор томонларга келиб-кетувчиларнинг саноғи йўқ. Улар бир дам бўлса-да, Оққўли-боло, Оққўли-поён, Биринчи Май, Ҳаёти нав, Қорапичоқ қишлоқлари аҳолисидан кўнгил сўрашга шошиладилар, юз берган табиий офат туфайли каталакдай кўчма уйларга, қирғизи ўтовларга тиқилиб жон сақлаётган қардошларига далда берадилар, ҳалок бўлганларнинг хотирини ёд этиб қайтадилар. Оғир кунда дўст ёнида бўлиш — азалий одатимиз. Халқларимизга хос бўлган инсонийлик, биродарлик қонуни шундай.

Карл Маркс номли хўжалик идорасига яқинлашарканман, чодир-мактаб ёнида фаромуш турган болакай эътиборимни тортди. У чўнтагига қўлини тиққани кўйи дам бир-икки одим юриб қўяди, дам йўлга кўз тикади. Енгинасида туриб қолганимни ҳам сезмади бояқиш. Бу мактаб ҳақида Душанбедаёқ эшитган эдим. Эҳтимол, у шу тобда ёш қалбига зиё бериб толмаган, меҳрибон мураббийси Рустам Саидовнинг бир оғиз ширин сўзини қўмсаётгандир, балки ўн саккизинчи баҳорида умри хазон бўлган кашшофлар етакчиси Гулбаҳор Нуралиевани қисматига ачинаётгандир. Кўнгли вайрон бу муштипар нигоҳга қандай таскин беришни ҳам билмасдим.

Душанбелик таниқли болалар шоири Шоди Саттор Оққўли-боло қишлоғидаги собиқ 127-ўрта мактабнинг тўққизинчи синф ўқувчиси Нарзигул Гулова машъум кўчки пайтида ҳалок бўлган синфдоши, Савринисо Ёқубовани йўқлаб ёзган шеърни ўқиб берганини эсладим. «Қайдасан, Савринисо!» деб номланган шеърнинг мисраларини хаёлан такрорлайман:

«...Як дилу дилдор ҳастем.
Эй, Саври, дар кучои?
Мо интизор ҳастем...»

Қайдасан?! бу дардли йўқлов ҳар сонияда юзлаб нарзигулларнинг қалбида кўчиб турибди шу кезларда.

3

Колхоз идорасига кираверишда уч-тўрт мўйсафид суҳбатлашиб турган экан.

— Хуш омадед, биродарони азиз!

— Ассаломуалайкум, Тошкентдан келдик. Ташрифимдан мақсад — ҳамкасбларимизнинг қардошлар бошига тушган мусибатга ҳамдардлигини айтиб, улардан кўнгил сўрадим.

— Раҳмат, раҳмат! Қўшниларимиздан миннатдормиз, — дейишди улар бараварига.

Биринчи бўлиб хўшлашган киши колхоз раиси, табиий офатни бартараф этиш район штабининг бошлиғи Хайрулла ака Йўлдошев экан. Сардор билан бафуржа суҳбатлашишни келишиб, колхоз аъзоси, 3-ўрта мактабнинг меҳнат дарси устаси Комилжон ака Мирзақулов ҳамроҳлигида офатдан зарар кўрган Оққўли-поёнга йўл олдик.

Оққўлипоёнликлар жойлашган кўчма уйлар оралаб бораяпмиз. Комилжон ака сўзлайди, уҳ тортади. Мен эса, фикри бўлинмаслиги учун савол бермайман. Майли, гапирсин, бир нафас бўлса ҳам кўнглини бўшатиб олсин.

— Саккиз фарзандниг отасиман. Ҳамқишлоқларимизнинг ҳаммалари ҳам серфарзанд. Минг қатла шукурки, омон қолдик. Аммо қишлоғимиз жуда файзли эди-да. Боғдорчилик қилардик. Йил-ўн икки ой дастурхонларимиздан олма, ўрик, узум, анор аримасди, оиламиздан орттириб, бозорга ҳам у-бу нарсалар олиб чиқардик. Шунақа, қутли эди бу қишлоқ. Талофат ризқимизни қийиб қўйди. Хонадонларимиз том баробар кўчки остида қолиб кетди.

— Саломат қолганларингиз — катта бойлик, — дея далда бераман бу ўксик қалбга.

— Шукур, шукур, — Комилжон ака оғир хўрсинади. Билмадим, бу сўзни у шу кунгача неча бор такрорлаётган экан...

Оққўлипоёнликлар 23 январь эрта тонгда кучли гулдурос билан силкинишдан уйғониб кетдилар. Оққўли-боло тарафдан бостириб келаётган залворли кўчки уларни таҳликага солса-да, ўзларини қўлга олабилдилар. Ҳисор Қўрғонига қочиб жон сақладилар.

— Ҳамма даҳшат тонг ёришгач намоён бўлди, — деб эслайди ҳамроҳим бўсағасигача кўчки бостириб келган сўнгги хонадонга етиб келганимизда. — Кўчки худди мана шу ерга келиб ҳолдан тойди.

Биз остонасида турган хонадон Комилжон акага қарашли экан. Деворлари ёрилиб кетган ҳовлидан бир неча қадам нарида ботқоқ босиб қолган уйларнинг пештоқларигина кўринади холос.

...Қишлоқ аҳли тонг ёришганидан сўнг машъум манзарани кўриб ҳушлари учди. Бир неча чақирим наридаги токзорлару боғларнинг бир қисми кучли сурилиш натижасида Оққўлипоёнда пайдо бўлиб қолибди. Биз у ерда бўлганимизда ана шу дарахтлар гўё ҳеч қандай зарар кўрмагандек барқ уриб гуллаб турган эди. Комилжон ака шиферларигина кўриниб турган уй ёнига келиб, ер остидан чиқиб турган ўрик шохларини кўрсатди.

— Мана шу уй ҳам, ёнидаги ўрик ҳам бу ерда йўқ эди. Кўчки суриб келтирган. Ўрикни қаранг, гуллаб ётибди. Энди бу ерлар кимсасиз, ўз номи билан Боғимозорга айланди...

Зилзила оқибатларини тугатиш район штабида 5 мингта хонадон бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолганлигини айтишди. Оққўли-боло билан Шарора қишлоқларида умуман тураржой бинолари белгисиз равишда кўчки комига ғарқ бўлиб кетган. Район бўйича жами 20 та мактаб биноси қаттиқ шикастланган. Ҳозир ўқувчилар 148 та чодир-мактабларда дарс олаяптилар.

Офат ҳамла қилгандан кейинги манзарани тасвирлашнинг иложи йўқ... 22 январь оқшомида ҳали қалбида орзу умидлари барқ уриб турган, эртанги кун режалари билан фикри банд қишлоқ аҳли сўнгги бор ва бир умрга ёстиққа бош қўяётганларини билмас эдилар...

— Бир кечада ўн тўққиз ўқувчимдан жудо бўлиб қолдим!..

Уша машъум тонг ўкраб турган мактаб директори Бобомурод Ҳалимовни юпатадиган жоннинг ўзи йўқ эди.

Шарора қишлоғи ўрнидаги мозорга аждодлар таомилига кўра ялов тикилибди. У ажал панжасидан жон-жаҳди билан халос бўлишга интилган, ҳаётга ташна қалблар сингари шамолда юлқиниб турибди. Кўнгиллар вайрон.

Қайтаётганимизда ҳамроҳларимиздан бири — жабрдийдаларни зарур маҳсулотлар билан таъминлайдиган кўчма дўкон сотувчиси Иззатулла Иноятов машинасининг чамбарагини форомуш айлантирар экан:

— Бу ерлардан ўтишга юрагим чидамай қолди, — деди уф тортиб.

4

— Аҳволимиз шунақа, ука, — деди Хайрулла ака. — Вазият ниҳоятда жиддий. Бошпанасиз қолганлар сони 3 мингтага етди. Кўпчилик қариндош-уруғлариникида, таниш-билишлари бағрида, болалар боғчасида, дала шийпонларида яшамоқда. Кўчма уйларда узоқ яшаб бўлмайди. Аммо қараб турганимиз йўқ. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигини ҳар дақиқа ҳис этиб турибмиз. Аҳоли кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган. Уша куниёқ ўзбекистонлик биродарлар етиб келишди. Ҳаммамиз учун оғир кунда ўртоқ Рафиқ Нишоновнинг зилзила марказида бўлиши бизга катта мадад бағишлади. Колхозимизнинг офатдан талофат кўрган аҳолиси учун ўзбекистонлик қардошларимиз 300 хонадонга уйлар, 624 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 320 ўринли болалар боғчаси, маданий-маиший бинолар, сузиш-соғломлаштириш ҳавзаси, 100 ўринли касалхона, поликлиника, чойхона каби маданият ўчоқлари бўлган «Ўзбекистон» тураржой маркази қурилишини аллақачоноқ бошлаб юборишди. Худди шундай яна бир аҳоли тураржой маркази «Ҳисор» деб аталади. Бу улкан қурилишлар узоғи билан икки йилда бутунлай фойдаланишга топширилиши кўзда тутилаяпти. Ўзбек биродарларимиз зилзиладан офат кўрганларга ёрдам деб 70030-ҳисоб дафтарчасига 200 минг сўмдан зиёд пул ўтказдилар. Ҳозир қурилиш майдонларида иш қизғин.

Зилзиланинг учинчи куниёқ қўшни Сурхондарёдан «Сариосиё совхоз сув иншоотлари қурилиши» трестига қарашли 3-механизмлашган кўчма колонна ҳамда «Ўзбекистон Тўпаланг сув иншоотлари қурилиши» бошқармасига қарашли махсус бригада зарур қурилиш анжомлари, кўчма уйлар билан ёрдамга етиб келиб, иш бошлаб юбордилар.

Қурилиш майдонларида иш қизғин. Кўчма идора томида биродарлик рамзи Ўзбекистон ва Тожикистон жумҳуриятларининг байроқлари ҳилпираб турибди. 3-механизмлашган кўчма колонна бош инженери Абдужаббор Мерганов ишлар билан таништирди:


— Қурувчиларимиз қардошлик анъаналарига содиқ қолиб, уч карра фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаяптилар. Бульдозерчиларимиздан Жума Шарипов, Исомиддин Давлатов, сувоқчи Мурод Йўлдошев, қоришма тайёрлаб бераётган Усмонали Юсупов, Акобир Ражабовларнинг жонкуярлиги таҳсинга лойиқ, — деди у мамнун.


— Йил охиригача «Ўзбекистон» аҳоли тураржой марказининг 25 та 2 хоналик уйлари, чойхона, йўлаклари тартиб берилган ҳолда фойдаланишга топширилади. Бу ерлар яқин кунларда обод бўлади, бизга ишонаверинглар, — деди қурилиш бошлиғи вазифасини бажараётган юртдошимиз Зиёдулла Жамолов.

Ҳа, қардош тожик дўстларимиз кун сайин биродарлик меҳрини сезиб турибдилар. Тез кунларда минглаб ҳисорликларнинг қардошлар оиласида ўз қадларини тиклаб олишларига тилакдошмиз.

Уктам МИРЗАЁРОВ







Ҳисор районидаги Карл Маркс номли колхозда табиат офатидан зарар кўрганлар учун барча маданий-маиший шароитларга эга бўлган «Ўзбекистон» даҳа (посёлка)си қурилиши.

Офатдан зарар кўрганларга биринчи бўлиб ёрдамга шошилган Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё совхоз ва сув иншоотлари қурилиши трестига қарашли 3-МКК ишчилари даҳа қурилишида фаоллик кўрсатишмоқда.

Муаллиф фотолари



КВАЗАРЛАР


Ҳозиргача квазарлар (коинотнинг узоқ буржидаги кучли нурланиш манбаи) — қуёш таркибидаги ғоят олисда бўлган кичкина нуқта, деб тасаввур қилиб келинган. Айрим ҳолларда улар энг қудратли сайёраларга қараганда ҳам неча ўн баробар ортиқ нур чиқариши аниқланган. Қўлланмаларда эса квазарларнинг қувват манбаи аниқ белгиланмаганлиги таъкидланади.

Голланд мунажжими Петер Бартельс бу муаммони ўзича талқин қилади. Унинг таъкидлашича, олимлар деярли чорак асрдан бери квазарлар табиати хусусида чалғиб келмоқдалар. Унинг кузатишлари, тажрибалари ва ҳисоб-китоблари шуни кўрсатадики, бу ғаройиб манбалар шу қадар кучли нур чиқаришининг бирдан бир сабаби — нур тарқатиш ўқининг Ер томонга аниқ йўналганлигидадир. Бошқа жиҳатлардан эса, квазарлар оддий юлдузлардан ҳеч фарқ қилмайдилар, деб таъкидлайди у.

ХИТОЙ ЙЎЛЛАРИНИНГ ҲУКМРОНИ

Пекинликлар «Хитойда XXI асрда ҳам велосипедда юришади» деб ҳазил қилишади. Шуни айтиш керакки, бунда ҳақиқат мужассам. Тўғри, кейинги йилларда авваллари чет элликлардагина ёки ҳукумат раҳбарларидагина учраб турадиган енгил автомашиналар анча кўпайиб қолди. Лекин шунга қарамасдан йўллар ҳукмрони — велосипед бўлиб қолаверди. Хитойда 400 миллион велосипед-машина ҳисобга олинган, деб юришади. Унда ишга ва бозор-ўчарга, меҳмонга ва сайр қилишга боришади. Ўнлаб аравачали велосипедлар ҳамда «модерн» типидагилар Пекин ва Шанхай меҳмонхоналарининг олдида навбатчилик қилишади. Хитойда велосипеднинг қайси бир турини учратмайсиз?! Бу ерда оғир юк ташувчи аравачали велосипед, ота ва бола учун ихчамгина, ҳаттоки никоҳ тўйлари учун «велокареталар»... бор.

Ким билади дейсиз, балки 50 йилдан сўнг Хитой йўлларини автомобиллар тўлдириб юборар. Вақти келиб, машина йўллари учун магистраллар қурилар... Лекин ҳозирча Хитой шаҳар ва қишлоқларини велосипедсиз тасаввур этиш мумкин эмас.



УЙҒУН,
Ўзбекистон халқ шоири

ҚАТРАЛАР

* * *

Ҳақиқий дўст дўстнинг айбини ёпмас,
Айбин хаспўшлаган барака топмас.

* * *

Умр деганлари ўтиб кетади,
Инсондан дунёда, қолар хотира.
Хотира қилинган ишга яраша:
Баъзиси ёрқину, баъзиси хира.

* * *

Хотиралар таққос қилинган маҳал
Ёрқин хотиралар дунёга машъал.

* * *

Ҳаёт дарё каби тўхтамай оқар,
Биз унга қўшилиб оқамиз тинмай.
Умр давом этар ўз йўли билан,
То ажал тошига урилиб синмай.

* * *

Қарама-қаршилик — ҳаёт қонуни,
Унда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бор.
Кўпроқ яхшилик қил қўлингдан келса,
Дунёмиз азалдан яхшиликка зор.

* * *

Бировнинг айбини яширма, ёпма,
Гапнинг тўғрисини, дангалини айт.
Бировни арзимас айб учун дарҳол
Гумдон қилиш учун пойламагин пайт.

* * *

Туғилишдан бошлаб бизнинг умримиз
Ҳаёт дарёсида сузувчи кема.
Кема ҳалокатга учраса агар
Ўзинг сабабкорсан, бошқалар дема.

* * *

Нодоннинг фурсати бекорга кетар.
Доно ҳар минутнинг қадрига етар...

1988 йил, 5 август



ЙЎЛОВЧИГА...

Танлаган йўлингдан четга чиқмагил,
Мақсадингни кўзлаб олға қараб юр!
Мардона енгиб ўт машаққатларни,
Олдинда келажак, олдиндадир нур.

Йўл тўсиб баъзи бир лайчалар ҳурса
Асло парво қилма, йўлингдан қолма!
Доимо ҳамроҳ бўл яхшилар билан,
Ёмонларни асло сафингга олма!

Тўсиқлар учраса тушган йўлингда,
Чекинма, зарб бериб вайрон қилиб ўт.
Йўлтўсар, иғвогар, ҳасадгўйларни
Йўлда лол қолдириб, ҳайрон қилиб ўт.

Танлаган йўлингдан адашма асло,
Азизим, йўлингда учрамасин сад!
Қутлуғ йўл сўнгида, сафар сўнгида
Умидинг чироғи порлар тоабад!...

1989 йил, 22 февраль

ПОЛАПОН...

Онаси ортидан эргашар тинмай,
Полапон чирқиллаб, қанотин қоқиб.
Мен ҳайрон қоламан, ҳайратланаман
Митти полапоннинг ишига боқиб.

Полапон бир нафас тинмас чириллаб,
То она оғзидан олмагунча дон...
Ҳа, ёруғ оламда ҳамма нарсадан
Яшамоқ истаги устундир, инон!..

1989 йил, февраль



КОЛХОЗЧИ ҚИЗГА



Омадинг келмиш, азизим, элда топдинг эътибор.
Ешлигингдан севги уйғотмиш дилингда пахтазор.
Лафзига содиқ одамлар сендан олсин дарсини,
Меҳнатингдан айланур олтинга ерда неки бор.
Толеинг бўлмиш баланд, орзуларинг порлоқ сенинг,
Ҳеч қачон қувноқ дилингга қўнмасин зарра ғубор!
Ихтиёринг, истасанг урфон қўкида бўл қуёш,
Истасанг меҳнатда жавлон ур, ўзингда ихтиёр.
Нурли йўл тушган йўлинг, бу йўл муродга етказар,
Бу мунаввар йўлда сенга яхшилар бўлғуси ёр.
Оқибат қадрингни топдинг элда ҳур меҳнат билан,
Бўлди унвонинг миришкор, бўлди номинг пахтакор.
Йўлларингга гул сочилсин, дейди Уйғун, дунёда,
Кимки меҳнат бирла топса қадрини, бўлмайди хор...

1985 йил, 9 декабрь

АЛАМЛИ ДАМЛАР...

КУНДАЛИКДАН

«Куймагил ҳижрон ўтида, тушма ҳасрат домига,
Севги гулзорида парвоз айлаган парвонасан».
Ғайратий

О, касофат, қабоҳат-ўлим
Орамизга айрилиқ солди.
Сени муздек қабрга қўйдик,
Сафдошларинг йиғлашиб қолди.

Сени мангу тарк этди илҳом,
Бир умрга синди қаламинг.
Аммо ғазалларинг тилда қолур,
Юракларда қолур аламинг...

1976 йил, 10 февраль



ЭЛБЕК

ТАВАЛЛУДИНИНГ

90

ЙИЛЛИГИГА



Рассом М. Жўраев чизган

Ўзбек совет адабиётининг шаклланиши ва равнақига ҳисса қўшганлардан бири Элбекдир. Элбек ўзининг шеър, ҳикоя, масал ва рус адабиётининг буюк намояндалари — И. Крилов, Н. Некрасов, А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов асарларининг таржимони сифатида кенг китобхонларга танилган эди. Шулар билан бир қаторда халқ ижодини тўплаш, тадқиқ этиш, улардан бадиий образлар яратишда илҳомланган истеъдодли қалам соҳиби ҳамдир.

Элбек (асли исми Машриқ Юсупов) — 1898 йилда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ мавзеидаги Хумсон қишлоғида камбағал меҳнаткаш оилада дунёга келди. Унинг ёшлиги сарсон-саргардонликда ўтди. 1911 йилда Тошкентга келиб қарол бўлиб ишлади. Ниҳоят, эски мактабда, 1914 йилда эса Абдулла Авлоний томонидан очилган янги усулдаги мактабда ўқиди. Мактабни битиргач, 8 ойлик ўқитувчилар тайёрлаш курсида таҳсил кўрди. Ўқитувчи бўлиб ишлади. 1921 йилдан Туркистон маориф комиссарлиги қошидаги илмий ҳаётда қатнашди. «Инқилоб», «Маориф ва ўқитувчи», «Билим ўчоғи» журналларининг таҳрир ҳайъатига кирди.

Элбек 1917 йилдан бадиий ижод билан шуғулланди. 1921 йилда эса шоирнинг «Армуғон» масаллар тўплами, 1922 йилда ўзбек ёш шоирлари тўпламида шеърлари чоп этилди. Шеър ёзиш менга эрмак эмас, деган шоир ҳамиша изланиш, ўз устида ишлаш натижасида борган сари ижодий камолот сари интилди. У кейин «қуёш каби порлаб туриш»ни мақсад қилиб олади.

«Бўлажак у буюк идеал томон» деб коммунистик партиявийлик позициясида мустаҳкам туришга қатъий бел боғлайди. Дўстлари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Шокир Сулаймон, Ғайратийлар билан ҳамкорликда одим ташлайди. «Пролетар марши» каби кўтаринки руҳда шеърлар ёзади.

Элбекдаги ижодий ўзгаришларни 30-йилларнинг бошларидаёқ пайқаган Ойбек шундай деган эди: «Марказқўмнинг 23 апрель — тарихий қароридан сўнг ўзбек адабиётида кучли ўсиш — жонланиш бошланди. Адабиётдан четда турган шоирлар ҳам пролетариат учун ўз ижодиётлари билан хизмат қилишга киришдилар. Шоир Элбек ҳам ижодий йўлини ўзгартириш жараёнида турди. Сўнгги чиққан асарлари «Чирчиқ бўйлаб», «Янги бўғун» ва бошқалар буни кўрсатади. Ҳатто Фитрат ҳам қурилишимизга оид шеърлар ёза бошлади». Элбекнинг «Баҳор», (1922), «Сезгилар» (1926), «Меҳнат қуйлари» (1930), «Чирчиқ бўйларида» (1935), «Ғунчалар» (1935), «Шеърлар» тўпламларида ва қатор ҳикояларида бу фикрлар тасдиғини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда колхоз тузумини, социализмнинг ривожланишини акс эттиришда, ишчи-деҳқон турмушида, онгида юз бераётган ўзгаришларни юксак бадиий дид билан тасвирлашда ўз маҳоратини намоён этди. Унинг болаларга атаб ёзган шеър, манзума ва достонлари, ўзбек халқ эртаклари асосида яратган асарлари ёш авлодда ахлоқ-одоб, камтарлик каби фазилатларни тарбиялашга хизмат қилади. Элбекнинг бошланғич мактаб ўқувчиларига мўлжалланган қатор дарслик ва хрестоматиялари 20—30-йилларда мактабларимизда қўлланма ва ўқув қуроллари сифатида хизмат қилди.

Сиддиқ АСҚАРОВ

БУ КУНЛАР

ЭЛБЕК

Фарқсиз туну кунлар
Меҳнат била боғли,
Ҳаттоки, секундлар
Ўлчовли, саноғли.

Тун бағрини йиртар
Кучли — зўр электр.
Иш наъраси тортур
Чўлларда трактор.

Фабрика-заводлар
Вулқон каби гурлар,
Ҳар он неча тонна
Ҳосил берадилар.

Хандон юзу кўзлар
Ўқлар каби сўзлар,
Кўзлар тўла нурлар,
Ўтлар кўринурлар.

Турмуш жони меҳнат,
Меҳнат жони — қувват,
Қувват эса, шаксиз,
Меҳнат қўли, албат.



ТОЗА ГУЛ

Кунлар ўтмоқдалар тунларни қувиб,
Биламан, лек буни санай олмайман.
Сувлар оқмоқдалар киргоқни ювиб,
Сезаман, тек унга назар солмайман.

Чунки назарларим бўш эмас, боғли,
Буни боғловчи жуда ардоғли,
Мен учун у тансиқ, қимматбаҳо гул,
Унинг қаршисида доғ қолар сунбул.

Хаёлим кўзлари шунга термулиб,
Унинг ўсишига нур сочмоқ истар.
Дилим дахи унга ортиқ берилиб,
Мени шул томонга юрмоққа қистар.

Бу йўлда — у барно ишқида достон
Сўйладим, лекин бу унга нисбатан
Кўп тубан эканин аниқ биламан,
Мақташдан ортиқдир у ҳақиқатан.

Кунлар ўтмоқдалар тунларни қувиб,
Сувлар оқмоқдалар киргоқни ювиб.
У барно ишқида сўйладим достон,
Достондан ортиқдир у ҳақиқатан.

ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ОМИЛЛАРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ПЛЕНУМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Инқилоб том маънода турли миллатларга мансуб кишиларга ҳуқуқий тенглик, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий жиҳатдан озодлик ато этди. Бу мутлақ ҳақиқат замирида эса, кишиларнинг миллати, диний қараши ва ёшидан қатъи назар, социализм қурилишининг муштарак мақсадлари ётади. Фақат ана шу умумий мақсад уларнинг бирлашишлари учун асос бўлади. Унинг иқтисодий негизи эса ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги, яғона социалистик принципга асосланган хўжалик юритишдир. Бу борада илмий коммунизм асосчиси К. Маркс шундай деб ёзган эди: «...Халқлар чиндан ҳам бирлашишлари учун уларнинг муштарак манфаатлари бўлиши керак. Уларнинг манфаатлари муштарак бўлиши учун мавжуд (капиталистик) мулкий муносабатлар йўқ қилиниши лозим, чунки мавжуд мулкий муносабатлар бир халқнинг иккинчисини эксплуатация қилишини тақозо этади...»[1]

В. И. Ленин марксизм таълимотининг барча томонларини ҳар тарафлама чуқур ўрганган ва уни янги шароитда ижодий жиҳатдан тўлдирган ҳолда ўзининг дастлабки асарларидаёқ миллий масалани социал адолат принципи нуқтаи назаридан ҳал этишни мақсад қилиб қўйган эди. Унинг 1897 йилда ёзган «Халқ дўстлари кимлар» ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?», 1898 йилда ёзган «Россияда капитализмнинг тараққийси», 1902 йилда ёзган «Россия социал-демократик ишчилар партияси программасининг лойиҳаси», 1903 йилда ёзган «Бизнинг программамизда миллий масала» ва бошқа кўпгина асарлари бунинг яққол исботидир. Шунингдек, В. И. Ленин жаҳондаги биринчи социалистик давлатнинг асосчиси сифатида ҳам миллий масалани ижтимоий адолат омиллари нуқтаи назаридан ҳал қилган эди. СССРнинг биринчи В. И. Ленин иштирокида ишлаб чиқилган 1924 йилги Конституциясида «Иттифоқдош республикаларнинг суверен ҳуқуқлари тўғрисида» махсус боб мавжуд эди. Бироқ, 1936 йилги Конституцияда ва ҳозир амалдаги Асосий Қонунда бундай боб йўқ. Демак, ҳар қандай ижобий фикр юритувчи киши Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг В. И. Ленин бошчилигида инсоният тарихида биринчи бор миллий масала Улуғ Октябрь социалистик инқилоби туфайли ҳал этилганлигини эътироф қилмаслиги мумкин эмас. Айни пайтда улуғ доҳий миллатлараро муносабатлардек нозик ва қалтис масала социалистик жамият тараққиётининг баъзи бир босқичларида маълум чигалликлар келтириб чиқаришини ҳам уқтирган эди. Бу чигалликлар, албатта соф ҳолда юзага келмайди, улар одатда иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва бошқа муаммолар билан чамбарчас боғланган бўлади.

Ана шу чигалликларнинг ечимини тўғри, оқилона ҳал этишнинг бирдан-бир шарти ижтимоий адолат омилларига қатъий, ҳеч оғишмасдан риоя қилишдир. Шу муносабат билан В. И. Ленин қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Турли миллатларнинг манфаатларига жуда катта эътибор берилгандагина ихтилофларга сабаб бўладиган замин йўқолади, ўзаро ишончсизлик йўқолади, ҳар қандай фисқу фасод хавфи йўқолади...»

Афсуски, Сталин шахсига сиғиниш йилларида доҳийнинг ана шу ўгити бутунлай унутилди. Айни пайтда Сталин В. И. Лениннинг вафотидан олдиноқ «автономлаштириш» лойиҳаси билан чиққан эди. Унинг фикрича, Украина, Белоруссия, Закавказье, республикалари Россия федерацияси таркибига автоном областлар сифатида кириши керак эди. У марказлашган давлатни ёқларди, бу эса халқларнинг ҳуқуқларини чекларди. Сталиннинг бу масаладаги қарашини Ленин ўз вақтида қаттиқ қоралаганидан сўнг у ўз фикридан қайтганлигини айтади. Агарда бугунги Совет Иттифоқи республикаларининг тарихий тараққиётига чуқур назар солсак, Сталиннинг ўша пайтда вақтинчалик ўз фикридан қайтганлигини ва кейинчалик амалда ўз билганидан қолмаганини пайқаш қийин эмас. Унинг бу қарашларига қарши тура олиши мумкин бўлган Октябрь инқилобига қадар ҳар қандай мақсад йўлида бирлашган ленинчи большевикларга ўттизинчи йиллардан бошлаб «халқ душманлари» тамғаси босилиб қурбон этилди. Худди шу йиллардан бошлаб миллий қадриятларнинг ҳар қандай кўриниши миллатчилик сифатида баҳоланди. Оқибатда маданиятлар ва тилларнинг нуфузи тушиб кетди. Турғунлик йилларида авж олдирилган «миллатларнинг тезликда қўшилиб кетиши ва яқин йиллар ичида уларнинг битта халққа айланиши учун миллий хусусиятларни йўқотиш жараёнини тезлаштириш» ҳам кутилган самарадан кўра, кўнгилсиз, хунук оқибатларни келтириб чиқарганлигини бугунги кунда кўриб турибмиз. Агарда биз жумҳуриятимиз миқёсида унинг таркибидан келиб чиққан ҳолда бу хатоликларни тузатишга киришар эканмиз, фикримизча, бу борада йўл-йўлакай шошилинч тузатишлардан воз кечиб, вазминлик ва жиддий иш олиб боришимиз лозим.

Бугунги кунда кўп миллатли мамлакатимиз халқлари бир-бирлари тарихини, анъаналарини, маданий бойликларини чуқурроқ ўрганишлари керак. Шунингдек, тил ўрганиш муаммоси ҳам бугунги кунда социалистик кўпмиллатли давлат олдида турган муҳим масалалардан биридир.

Қайта қуриш даврида миллий сиёсатни назарий ва амалий жиҳатдан асослашда XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси сўзиси катта қадам қўйди. Маълумки, конференция мазкур масала юзасидан алоҳида қарор қабул қилди. Унда шундай деб таъкидланади: «Айрим республикалар ва автоном тузилмаларнинг ҳам, шунингдек, миллий группаларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёти эҳтиёжлари етарли равишда ҳисобга олинмади. Миллатлар ва элатлар тараққиёти боришининг ўзи ўртага қўйган бир талай кескин масалалар вақтида ҳал этилмади. Бу эса ижтимоий қаноатланмасликка олиб келиб, баъзан можароли характер тусини олди...» Бундай нохушликларнинг келиб чиқиш сабабларидан бири — турғунлик йилларида, ундан олдинги шахсга сиғиниш даврида қилинган хатоликлардан энг зарарлиси миллий ғурур билан миллий маддоҳликни ажрата олмаслик касалининг пайдо бўлганлигидир.

В. И. Ленин «Миллатлар тўғрисидаги ёки «автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир» мақоласида «эзувчи миллатнинг миллатчилиги билан эзилган миллатнинг миллатчилигини, катта миллатнинг миллатчилиги билан кичик миллатнинг миллатчилигини фарқлаш лозим. Иккинчи хил миллатчиликка нисбатан биз, катта миллат кишилари, деярли ҳамиша тажрибада шунга гувоҳ бўлиб чиқамизки, бениҳоя кўп зўрлик ишлатамиз», деб таъкидлаганди. В. И. Лениннинг бу таърифи ҳам ижтимоий фан вакиллари томонидан чуқур таҳлил қилинмади. Умуман, улуғ доҳийнинг миллий масалаларнинг барча мураккаб томонлари ҳақида сўз юритган кўплаб асарларини қайта-қайта ўқишимиз, халқларимизнинг қадр-қимматини ҳурмат қилишни ўрганишимиз зарур. Зеро совет халқларини бирлаштириб турган ягона куч ҳам ўша дўстлик, биродарлик эканлигини унутмайлик.

Ўртоқ М. С. Горбачев бу борада мушоҳада қилиб: «Агар бизнинг мамлакатимизда миллий масала принцип жиҳатдан ҳал қилинмаганда эди, ҳозир ижтимоий, маданий, иқтисодий, мудофаа жиҳатларидан гавдаланиб турган Совет Иттифоқи бўлмас эди. Агар амалда республикалар бараварлаштирилмаганида эди, қардошлик ва ҳамкорлик, ҳурмат ва ўзаро ёрдамга асосланган жамият вужудга келмаганида эди, бизнинг давлатимиз сақланиб қололмаган бўлар эди. Бироқ, буларнинг ҳаммаси миллий жараёнлар муаммосиз кечаётганлигини англатмайди», — деб ёзади ўзининг «Қайта қуриш ва янгича фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун» китобида (139-бет).

Дарҳақиқат, бу борадаги зиддият ҳар қандай диалектик жараёнда бўладиганидек, демократиялаш, ошкоралик шароитида бошқа ҳар қандай масалалардан кўра марказий муаммолардан бири сифатида майдонга чиқмоқда. Хўш, буюк ва улуғ кўпмиллатли давлатимизда миллатлараро муносабатларда нега энди баъзи бир нохуш воқеалар, ҳаттоки миллий тўқнашиш, қон тўкишлар содир бўлмоқда? Бу воқеаларнинг илдизи қаерда? Фикримизча, бу воқеаларнинг асосий сабабчиси миллатлараро муносабатларни ривожлантиришга узоқ йиллар нотўғри партиявий раҳбарлик қилингани бўлса, иккинчи илдизи 30-йиллардаёқ томир ота бошлаган шахсга сиғиниш давридир.

Миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ муаммолар ўткирлашган ҳозирги пайтда уларни ленинча миллий сиёсат масалаларига доир назарий мерос нуқтаи назаридан чуқур таҳлил этмасликнинг иложи йўқ. Фикримизча, бугунги кундаги миллатлараро муносабатларни таҳлил қилишни ленинча қоидадан, яъни турли-туман регионларнинг, жумҳуриятларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий шароити даражаси Улуғ Октябрь социалистик инқилобига қадар ва ундан кейинги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишдан бошлаш керак. Маълумки, В. И. Лениннинг деярли 200 та асари (адабий асарлари, мақолалари, брошюралари, телеграммалари)да Туркистонда миллий масалани ҳал қилишга доир бевосита ёки билвосита фикр-мулоҳазалари бор. Бу борада В. И. Ленин асарларини ўқиган ҳар бир виждонли киши бир нарсага иқрор бўладики, энг аввало, туб аҳолининг тилини, тарихини, маданиятини, урф-одатларини, анъаналарини билиш ижтимоий адолат кўринишларидан биригина бўлибгина қолмай, шу билан бирга одамлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга, нотинчи муҳитга кўникишга имкон яратади. В. И. Лениннинг фикрича, маҳаллий аҳоли тилини эгаллаш миллатлараро муносабатларнинг юксак даражадаги маданияти белгисидир. Ушбу масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, биз тарихдан кўп марталаб сабоқ олишимиз зарур бўлиб қолмоқда. Халқларимизнинг дўстлиги синалган биринчи синов Улуғ Ватан уруши бўлди. Совет халқи ана шу синовдан шараф ва ғалаба билан ўтди. Ана шу урушда республикамизнинг йигит-қизлари нафақат жанг майдонида мардонавор жасорат кўрсатишди. Улар мамлакат ичкарисида ҳам фидойилик намуналарини кўрсатдилар. Совет Ўзбекистонида яшаётган оилалар жанг бораётган жойлардан жўнатилган 1 миллиондан ортиқ кишини боғрига олганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Бироқ, бундай мисоллар миллатлараро муносабатларда ҳеч қандай муаммо йўқ деган маънони билдирмайди. Социализм тараққиёти қанчалик жадаллаштирилса, бошқа ҳар қандай ижтимоий муносабатлар сингари миллатлараро муносабатлар ҳам ҳар доим чуқур таҳлил этишни, жиддий ўзгаришлар қилишни талаб этади. Ана шундай ечимини кутаётган муаммолардан бири миллатлараро муносабатларда социал адолат принципини қарор топтиришдир. Шу борада барча республикаларда бўлганидек, бизнинг жумҳуриятимиз жамоатчилигининг ҳам миллий ўзбек тилини ўрганишнинг аҳволи билан боғлиқ бўлган масаладан ташвишланаётганини тўғри тушуниш керак. Негаки, иттифоқчилар ичида Ўзбекистон энг кўп миллатли жумҳурият ҳисобланади. Бугунги кунда ўлкамизда 120 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқдалар. Йиғма маълумотларга қараганда, жами аҳолининг 68,7 фоизини ўзбеклар ташкил этадиган жумҳуриятда 1 миллион 670 мингга яқин рус, 298 минг қорақалпоқ, 649 минг татар, 620 минг қозоқ, 596 минг тожик, 163 минг корейс, 142 минг қирғиз, 114 минг украин, 100 минг яҳудий, 92 минг туркман, 381 минг бошқа миллатларнинг фарзандлари истиқомат қилишади. Бу миллатларнинг аксарият вакиллари ўзбек тилини яхши билмайдилар ёки бу тилда чала-чулпа сўзлашадилар. Маълумотларга қараганда, корейсларнинг 3,06, арманларнинг 2,71, украинларнинг 3,27, русларнинг 5,86, яҳудийларнинг 4,81 фоизигина ўзбек тилида эркин гаплаша олади.

Демак, республикамизда рус тили билан бир қаторда ўзбек тили ҳам кўп ҳолларда миллатлараро фикр алмашиш, мулоқотда бўлиш воситаси вазифасини ўтамоқда. Юқоридаги рақамларга таяниб, фикримизча, ҳозир ижтимоий онгда ҳам турмушнинг ўзида содир бўлаётганига ўхшаш бурилишлар кечмоқда. Айтиш мумкинки, қайта қуришга қаратилган инқилобий ўзгартишларни одамларнинг ижтимоий онгини, руҳиятини, тафаккурини тубдан ўзгартирмай туриб, амалга ошириб бўлмайди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетида (1989 йил, 6 январь) фан ва маданият арбоблари билан учрашувида: «... жамиятнинг маънавий турмуши бизда ҳеч қачон нафақат зиёлиларнинг, балки бутун халқнинг ҳам шу қадар фаоллиги, манфаатдорлиги, амалий иштироки, шаклларнинг хилма-хиллиги билан фарқ қилмаган эди», деб таъкидлади. Дарҳақиқат, шундай бир пайтда миллатлараро муносабатлардаги муаммоларни ленинча принциплар асосида ҳал қилиш биринчи даражали ишдир. Бу масаланинг мураккаблиги шундан иборатки, қайта қуриш даврида бошқа кўпгина муаммоларга нисбатан бу жараён кўпинча зиддиятлар билан ўтмоқда. Бу жараённинг ниҳоятда зиддиятлилиги ижтимоий онгдаги ўзгариш билан боғлиқдир. Мана шунинг учун бўлса керак, ҳатто энг ўқимишли кишилар ҳам миллий хусусиятни миллатчиликдан баъзан фарқ қила олмасликлари, интернационал хусусият билан миллий хусусиятнинг диалектикасини тушунмасликлари ошкор бўлиб қолди. Баъзи ҳолларда эса, турғунлик йилларида бирон-бир миллат маданият, тил, анъаналарини ривожлантириш зарурлиги ниқоби остида ўз миллатини «ўта устун миллат» деган ёмон кайфият ҳам пайдо бўлди. М. С. Горбачев ана шундай кайфият ва қарашларнинг келажакда бўлмаслиги учун мазкур учрашувда «биз ҳатто энг кичик халқ ҳам йўқ бўлиб кетишига, ҳатто энг кичик миллат ўз тилидан маҳрум бўлишига йўл қўя олмаймиз, хоҳ катта, хоҳ кичик халқларнинг маданиятига, анъаналарига, тарихига нисбатан нигилизмга йўл қўя олмаймиз», деб таъкидлади. Бунинг учун эса ҳуқуқий база яратилмоғи зарур, негаки, йиллар ўтган сайин жамиятимизга турли хил ёшдаги авлодлар кириб келмоқда. Албатта уларнинг ҳаммаси ҳам бирданига интернационалист бўлиб туғилмайди. Айни пайтда миллатчи бўлиб ҳам туғилмайди. Лекин улар иқтисодий, социал ва маънавий жараёнларда бўлаётган ўзгаришни ўзига хос қабул қиладилар. Ўз миллатининг ютуқлари, вужудга келган салбий ҳодисаларнинг илдизини ахтарадилар. Худди шу пайтда у ижтимоий адолат принципларига таяниши уни марксча-ленинча нуқтаи назардан ҳал этиши мавжуд барча ечимларни тўғри ҳал қилишининг гарови бўлади.


Тўра НОРБОЕВ,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент

[1] К. Маркс. Польша тўғрисида (1847) 4-том, 371-бет.



— Москвада, СССР Халқ депутатлари съездида биз ҳақимизда ҳам қизғин, ҳақконий гаплар бўлди...
А. Майоров фотоэтюди

ҲАМЗАНИНГ ДЎСТИ



Менинг отам Бўронбой Тожибоев (1891—1954) буюк шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан Қўқон шаҳридаги Тароқчилик маҳалласида ён қўшни сифатида бирга ўсган. Ҳозир у ерда Ҳамзанинг уй-музейи жойлашган. Отам адиб билан деярли тенгқурлиги сабабли жуда қалин дўст бўлишган. Маълумки, Ҳамза 1911 йилнинг ёзида Қўқоннинг Ҳожибек гузарида (ҳозирги Свердлов кўчаси) мактаб очган. Отам ҳамда амаким бўлмиш Мирзаолим Тожиев ҳам маълум муддат устоз Ҳамза қўлида ўқиган. Ҳамза отамни доим илм олишга даъват этади. Кейинчалик ўзи тузган ҳаваскорлар тўгарагига найчи сифатида қабул қилиб, саҳна асарларидаги ролларда ҳам қатнаштирган. Ҳамза чет элларда сафарларда бўлганида ҳам, ўлкамизнинг турли жойларида ишлаб юрган пайтларида ҳам отам билан хат орқали мунтазам алоқада бўлар эди. (Ҳамзанинг отам билан ёзишмалари республика газета ва журналларида кўп марта чоп этилди).

Масалан, 1922 йилнинг апрелида Ҳамза Хўжайли шаҳридан отамга йўллаган мактубида: «Энг яқин жўрам Бўронбой! Ҳар палла соғ ўлғайсиз. Сиз менинг тангримга, отим ёзилган ўртоғимдирсиз. Жоним чиқсада, тупроқ ичинда қолғон сўнгакларимда сизни отингиз қолажакдир», деб ёзади самимият ва садоқат билан.

Ҳамзанинг хонадонимизда кўп йиллар давомида сақланган дастхатларини, отам томонидан 1915 йилда тузилган — шоирнинг 112 ғазалидан иборат «Ошуғу ул маълумоти турк» тўпламини ҳамда отамнинг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзиб қолдирган иккита хотира дафтарини 1979 йилда Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейига топширганман.

Отам Бўронбой Тожибоев асли тунукасоз уста бўлиб, кўп йиллар давомида Қўқондаги иккинчи пахта тозалаш заводида ишлаган. Мазкур заводда Ҳамза ҳам 1908 йилда ҳисобчи бўлиб ишлаган эди. Тақдир тақозоси билан бир неча йиллар мен ҳам ана шу заводда тунукасоз уста бўлиб ишладим.

Отам шеър ёзишда ҳам Ҳамзага эргашиб, «Бўроний» тахаллуси билан мисралар битарди. Ана шу шеърлардан бирида отам Ҳамзага бўлган миннатдорчилигини қуйидагича билдиради:

Илм кўчасига кириб, кўруб Ҳамза муаллимни,
Ушал зотни этагини маҳкам тутган Бўронийман.
Ниҳоний шафқати бирла икки олам чароғини,
Туганмас илму давлатни қўлга олган Бўронийман.

Ҳамзанинг энг қадрдон дўсти бўлган отам Бўронбойнинг руҳи поки олдида ўзимни қарздор деб билганим ҳамда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга садоқатим туфайли кўп йиллардан бери Азов денгизи пароходчилигига қарашли «Ҳамза» номли теплоход экипажи билан, шунингдек шоирнинг ўғли Аббос Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида ҳалок бўлган Брянск областидаги Карачев район Речица қишлоғи саккиз йиллик мактаб пионерлари билан мунтазам равишда дўстона мактублар ёзишиб тураман.

Баҳром БЎРОНОВ

Қўқон

МАТОНАТ



Май ойида деҳқонлар ҳеч қачон бунчалик бесаранжом бўлмаган эдилар. Буни етмиш-саксон ёшни қоралаб қолган кексалар ҳам таъкидлашмоқда. Лекин начора. Табиат бу йил деҳқонни яна бир қийин синовга рўбарў қилди...

Аслида 30 апрель тонгданоқ ҳавонинг айнигани деҳқоннинг кўнглига ғулғула солди. Эндигина икки қулоқ бўлган ғўза ниҳоллари, аллақачон майсалаган сабзавот ва полиз экинлари устига қор туша бошлади. Бу совуқ қор учқунлари гўё деҳқон даласига эмас, қалбига ёғаётгандек эди. Бир кечадаёқ деҳқоннинг уч ойлик меҳнати кунпаякун бўлди. Ўша кунлари қовжираган ғўза ниҳоллари, совуқ урган мевазорлар, сабзавот, полиз пайкалларини кўриб деҳқоннинг кўзига ёш қалқди. Ҳа, бу алам, аччиқ алам ёшлари эди. Бу ҳосилга — элнинг ризқ-рўзига замин яратгунча у озмунча тер тўкканмиди, лой аралаш қор кечиб ҳазилакам меҳнат қилганмиди?

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бир кунлик табиий офат жумҳуриятимизга 600 миллион сўмликдан ортиқ зиён етказди. Бемаврид совуқ туфайли биргина пойтахт вилоятида 83 минг 424 гектар майдонга чигит қайта экилди. Бу жами майдоннинг 60 фоизига тўғри келади. Чиноз, Янгийўл, Ғалаба районларида ғўза ниҳоллари деярли бутунлай нобуд бўлди. 6,5 минг гектардаги сабзавот экинларини совуқ уриб кетди. Айниқса, Тошкент, Калинин, Оржоникидзе районлари далаларидаги экинлар қаттиқ шикастланди. Умуман вилоят бўйича 3100 гектар помидор, 487 гектар бодринг, 721 гектар пиёз, 787 гектар карам, 582 гектар ош лавлаги, 272 гектар сабзи қор остида қолиб кетди. Маккажўхори экинлари, токзорлар ва боғларга етган зарар ҳам ниҳоятда катта. Вилоят тасарруфидаги данакли мева боғларнинг аксарияти бу йил умуман ҳосил бермайдиган ҳолга келиб қолди.

Чорвачиликда ҳам бир қатор қийинчиликлар юзага келди. Биргина Келес массивининг ўзида 3 минг бош қўй-қўзи нобуд бўлди. Пиллачиликдаги аҳвол айниқса мураккаб. Жойларда 50—60 фоиз тут баргини совуқ урди. Тошкент, Бўстонлиқ, Паркент районларида юз фоиз тутзорлар зарарланди. Пилла қурти етиштириш хавф остида қолди.

Табиий офат туфайли юзага келган бундай нохуш рақамларни яна санаш мумкин. Лекин биз заҳматкаш дала меҳнаткашларининг, чорвадорларимизнинг, боғбон ва соҳибкорларимизнинг унга қарши мардонавор курашаётганликларини ҳикоя қилмоқчимиз.

* * *

Бўкада район партия комитетининг биринчи котиби Хайрулла Пирнапасов билан суҳбатимиз қисқа, лўнда бўлди.

— Районимиз областдаги йирик пахтакор районлардан бири, — деб гап бошлади Х. Пирнапасов.— Бу йил 58,5 минг тонна пахта топширишни режалаганмиз. Қолаверса, хўжаликларимиз ялпи даромаднинг 95—96 фоизини пахтачиликдан оладилар. Шундай экан, совуқ келтирган зиённи ортиқча таърифлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Умуман, ҳозиргача 23,1 минг гектар ердаги пахтанинг 10 минг гектардан ортиғини қайтадан экиб чиқишга тўғри келди. 8 минг гектар майдоннинг тўлиқ униб чиқмаган жойларига қайта чигит қадалди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жами 3,5 миллион сўмдан ортиқ зарар кўрилди. Унинг ярми картошка, сабзавот ва полиз экинлари ҳиссасига тўғри келади.

— Лекин бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман, — сўзида давом этди райком секретари. — Одамларимиз мана шундай оғир шароитда ҳам саросимага тушмадилар. Район марказида 1 Май намойиши тезлик билан ўтказилгач, барча ўз иш жойига, қадрдон даласига йўл олди. Районда ташкил этилган фавқулодда штаб аъзоларининг ҳар бирига аниқ топшириқ берилди. Таъминотчилар биринчи галда хўжаликларга сифатли уруғлик етказиб бериш билан машғул бўлдилар. Мавжуд техника қувватидан тўлиқ фойдаланиш таъминланди. Хуллас, районимиздаги ҳар бир тармоқ ходими офат асоратларини бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшди.

Дарҳақиқат, ўша кезларда Бўка пахта тозалаш заводида иш кеча-ю кундуз давом этди. Қайта экишда зарур бўлган 700 тонна уруғлик чигитни тезроқ тайёрлаш учун бутун коллектив ҳаракат қилди. Бўкалик деҳқонларга Ангрен шаҳри корхона ва ташкилотлари, Чирчиқ ва Олмалиқ кимёгарлари ҳам катта ёрдам бердилар. Шу тариқа район деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб қайта экишни якунладилар. Бу борада айниқса «Октябрь 40 йиллиги» колхози деҳқонларининг матонати таҳсинга лойиқ бўлди.

Колхоз идорасида бўлганимизда, ҳамма далада, раис 7-бригадага кетган, деб айтишди. Ана шу бригадага йўл олдик. Ҳамроҳим — район партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари Собир Қодиров хўжалик деҳқонларининг матонати ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Ўзиям экишни тугатгунча раис ухламади, чоғи, — дейди у. — Қачон қараманг уни далада учратдик. Ҳув ана, яна далада. Нималарнидир ҳисоб-китоб қилиб юрибди, — дея тахминан 20 гектар келадиган пайкалга ишора қилди.

Асқар Зоидов пайкал оралаб экилган чигитнинг ҳолатини кўздан кечирарди. Дала четида сўрашдик. Уйқусизликданми, унинг қовоқлари солинқираган, назаримда юзлари янаям қорайиб кетгандек эди.

— Ачинмай бўладими. 1150 гектар майдондаги чигитнинг 95 фоизидан тўлиқ кўчат олган эдик. Деҳқонларимиз бу йил ҳам ўтган йилгидек йиллик план ва мажбуриятларни ортиғи билан бажаришни режалаган эдилар, — дейди А. Зоидов. — Совуқ касридан ҳамма майдондаги ниҳол нобуд бўлди. Бу ҳам майли-я, энг ёмони колхозимизда бу йил барча экин майдонлари ижарачиларга бўлиб берилган эди. Улар колхоз правлениеси билан аллақачон шартномани имзолаб, ишни бошлаб юборгандилар. Бу шартномаларни қайтадан кўриб чиқишга тўғри келади. Ҳозир правление аъзолари ҳам, коммунистлар ҳам асосий диққат-эътиборни одамларнинг руҳини кўтаришга қаратаяптилар. Фақат уларга билдирилган ишонч, берилган мустақиллик туфайлигина уч кундаёқ қайта экишни якунладик, десам янглишмаган бўламан.

Салкам ўттиз йилдан буён колхозда бригадага етакчилик қилиб келаётган, бу йил эса 82 гектар ерни 35 аъзоси билан ижарага олган Гунаш ака Жаъфаров билан суҳбатлашамиз.



Бу далаларда қалб қўримиз билан ҳосил ундирган эдик.
А. Зуфаров суратлари

— Аслида деҳқон учун бирон йил ҳам қулай келмагану, бу йилгиси ошиб тушди, — дейди пахтакор.— Ҳай, майли, буни ҳам енгамиз. Оҳу ноладан фойда йўқ. Қайта экилган ерларни текшириб чиқдим. Олди майдонларда чигит униб чиқибди. Демак, ишловни зўр берсак, ҳали ҳам эртаги, сифатли ҳосил етиштирамиз. Уша гап гап. Мақсадимиз йил бошида келишилгандек гектаридан 27 центнердан ошириб ҳосил олиш.

Биз шу куни хўжаликнинг Эргаш Бозорбоев, Саиджаббор Сулаймонов, Нариман Камолов, Эрмакбой Ўрозқулов сингари миришкор деҳқонлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳам бўлдик. Бу коллективларнинг аъзолари ҳам йиллик планни албатта ортиғи билан бажариш ниятида тер тўкишмоқда. Худди шундай гапларни совуқдан жуда катта зиён кўрган Тимирязев номли, «Ленин йўли», «Коммунизм», Жамбул номли колхозларнинг пахтакорлари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Аллақачон ишловни бошлаб юборган бу хўжаликлар миришкорларининг сўзи қатъий. Улар офат асоратларини енгиб, планни бажарамиз, эл олдида юзимизни ёруғ қиламиз, дейишмоқда. Сафар давомида уларнинг матонатига, иродасига қойил қолдик.

* * *

Паркент райони далалари, боғ ва токзорлари тоғолди қисмида жойлашганлиги учунми, совуқдан айниқса, катта зиён кўрди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, кечагина яшнаб, ҳосилини кўз-кўз қилиб турган 4371 гектар майдондаги токзорнинг 2940 гектарида бironта ҳам соғлом навда қолмаса-я. Бу токзорларнинг 3196 гектаридан ўтган йили мўл, шакарга тўла кишмишу тоифи ва бошқа узум ҳосили олинган эди. Мевазорлардаги аҳвол бундан ҳам ачинарли. 1491 гектар майдондаги боғнинг 936 гектарини юз фоиз совуқ олди. Бу рақамларни ёзиш қанчалик оғир бўлаётганлигини тасаввур қилиш қийин. Ахир район хўжаликларининг ўзи ҳозирнинг ўзида нақд 30 миллион сўмдан ортиқ зарар кўриб турибди.

— Бу фақат дастлабки ҳисоб-китобларнинг натижаси, — дейди район агросаноат бирлашмаси раиси Аълам Турсунов. — Агар табиий офат туфайли шахсий хонадонлар, томорқаларда йўқотилган узум ва мева ҳосилини ҳам ҳисобга олсак-чи?! Ахир ҳар бир хонадон ўртача 1—1,5 тоннадан узум етиштириб берар эди. Ҳа, очиғини айтганда совуқ фақат деҳқонни, соҳибкорни эмас, шаҳарлик ишчи-хизматчиларни ҳам чўмичда қоқди. Агар деҳқон даромаддан айрилган бўлса, шаҳарлик меҳнаткашлар сара узум, олмаю анор, нокдан айрилишди.

Бу гапларда жон бор. Совуқ айниқса райондаги юқори қисмда жойлашган Энгельс номли, Калинин номли, «Ленинобод» «Навбаҳор», «Коммунизм», «Паркент» совхозларига катта зиён етказди. Биз бу хўжаликларнинг боғларида бironта ҳам совуқдан зарарланмаган дарахтни ёки токни кўрмадик. Боғбонларнинг, соҳибкорларнинг аҳволига ачиниб кетасан киши. Аммо ана шундай оғир вазиятда ҳам улар ўз иродаларини, матонатларини ишга солиб, ишга киришиб кетишди. Ҳозир фурсатни бой бермай токларнинг совуқдан шикастланган қисмини олиб ташлашмоқда. Бу бежиз эмас. Табиий офат натижасида талофатга учраган новдалар вақтида олиб ташланмаса, янги униб чиқадиган куртакларнинг ривожланишига халақит беради, касалланишига сабаб бўлиши мумкин.

— Қолаверса, биз энди келгуси йил ҳосилини ўйлаб иш кўришимиз керак, — дейди А. Турсунов.— Чунки шу кунлардан бошлаб совуқдан зарарланган токзорларга ишловни кучайтирмасангиз, улар умуман ҳосилдан қолиши мумкин. Шунинг учун барча хўжаликларда техникаларни ишга солиб юбордик. Барча агротехника тадбирлари маромида ўтказилмоқда. Бундан ташқари совуқдан зарарланган 305 гектар ердаги пиёз, 10 гектар помидор, 28 гектар ердаги полиз экинларининг ўрнига ҳам қайтадан экаяпмиз.

Бир сўз билан айтганда, Паркент районида табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун бўлган кураш совуқ бўлган куннинг эртасигаёқ бошлаб юборилди. Қатор совхозларда белгиланган пландан ташқари помидор, карам кўчатлари етиштириш учун иссиқхоналарга уруғ сепилди. Чунки бугун район агросаноат бирлашмаси хўжаликлар билан биргаликда шахсий хонадонларни ҳам ўйлаб иш кўраяпти. Уларнинг томорқаларига етадиган миқдорда сабзавот экинларининг кўчатларини етказиб беришга ҳаракат қилмоқда. Ижарачилар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилмоқда.

Область пиллакорлари бу йил давлатга 2 минг тонна «кумуш тола» етказиб бериш мажбуриятини олган эдилар. Биз Паркентда область пиллачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош агрономи Абдураҳим Азизовни учратиб қолдик.

— Мен табиий офат юз берган кундан буён барча районларда бўлдим. Пиллакорларимизнинг аҳволи ҳаммадан ҳам мураккаб, — дейди агроном. — Айрим хўжаликларда ипак қурти уруғлигини қайтариб олишга тўғри келаяпти. Лекин ана шундай вазиятда одамларнинг ўзлари ташаббус кўрсатиб чиқмоқдалар. Мана шундай мураккаб йилда ҳам 4—5 қутидан ипак қурти парвариш қилаётган хонадонларни кўплаб учратаяпмиз. Уларнинг матонатларига таҳсин айтиш керак.

Ҳа, мутахассис ҳақ. Лекин ўша кунларда тақдирга тан бериб ўтирганлар ҳам топилди. Айримлар шошма-шошарлик билан иш кўрдилар. Бугун орадан вақт ўтгач ана шу нуқсонлар ўзини кўрсатиб қўяяпти. Аммо кўпчилик вазиятдан чиқиш учун изланди, имкониятларни ишга солди. Мен пахта далаларида, сабзавот пайкалларида мана шу оғир дамларда одамлар билан суҳбатлашиб, шунга ишонч ҳосил қилдимки, янгича ишлаш, деҳқонга билдирилган ишонч унинг ерга соҳиблик туйғусини кучайтирганлиги, мустақилликни, масъулиятни ҳис этишга ўргатганлиги сезилиб турибди. Бугунги кунда деҳқон, чорвадор ва боғбон табиий офатга қарши матонат билан курашмоқда. У албатта енгиб чиқади, хирмонлар баракали бўлади.

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ!

Ҳамидулла ЕҚУБОВ

СОЙГА ПОЙГА



Биз ўйнадик пойга,
— Чу!— деб миниб тойга.
Ким олдин етар,
Ҳу пастдаги сойга.

— Ҳа, чу!— деган сари,
Ҳеч жилмадик нари.
Билсак бизнинг дулдул
Ерда ётган хари.



ЧУЧУК ЧОЙ

Бизга келган шакарни
Бировлар талаб кетди.
Мудира,
Ошпаз...
Қоп-қоп
Қорнига қалаб кетди.
Боқчатойлар лабини
Чучук чой ялаб кетди.

ПАШША

Хуш кўрганим
Ширинлик.
Кўзим тушса
Қўнаман.
Хулқим безбет,
Хиралик,
Тарсаки еб
Ўламан.



НИМЧА



Чевар бувимиз,
Кўзин нуримиз:
— Кел, тайёр, қизчам,
Сенга боб нимчам.
Кийдим...
Бежирим,
Қувонди дилим.
Арчагул экан,
Анча гул экан.
Лойиқ бел, елкам,
— Буюрсин, эркам,
Эпчил, ишчан бўл,
Кўҳлик қизчам бўл.
Қутлар бувимиз
Кўзин нуримиз.

ОРОЛИМ

Гулсиз қолдинг,
Оролим,
Нурсиз қолдинг
Оролим,
Меҳрим билан
тўлдирай
Сувсиз қолдинг,
Оролим!
Олимларга
боқизай,
Дарёларни
оқизай,
Қуримайсан
денгизим,
Ер юзин ҳам
чақирай.



МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ

Азим СУЮН

Тақдир раиятга юз бурди! Ҳақиқат, адолатнинг боғланган кўзлари очилди! Лойқаланган фикрлар сунбула сувларидай тиний бошлади. Деҳқон назарини илғайман — кўнглида умид уйғониши, чўпон нигоҳига диққат қиламан — руҳ янгиланиши, элимиз сарварлари қалбида покланиш куртаклари, зиёлиларимиз юрагида қайта қуриш ёғдуси... Беихтиёр кўксингда туйғулар жунбушга келади, халқим, уйғонишинг, юз очишинг муборак бўлсин, тафаккурингни, онгу тушунчангни қайта қуришинг муборак бўлсин, покланишинг қутлуғ бўлсин, дегинг келади.

Албатта, покланиш ҳаммомга тушиб чиқиш эмас. Маънавий покланиш! Эътиқодсиз инсон ҳеч қачон маънавий баркамол бўлолмайди. Халқни юксак ишончдан, эътиқоддан айирмаслик ҳар қандай жамият ривожи ва унинг мустаҳкамланиши учун муҳим омилдир.

1961 йилнинг 12 апрели. Бутун инсониятни ҳайратга солиб Ю. А. Гагарин самога парвоз қилди. Ўшанда 6 синфда ўқир эдим. Барча синф ўқувчилари, ўқитувчилар жисмоний тарбия майдонига йиғилдик. Мактабимиз директори Нормурод Қозоқов зўр ҳаяжон билан нутқ сўзлади. У сўзининг сўнггида: «Сиз бахтли авлодсиз, ютуқларимиз шу даражага етдики, 80-йилда коммунизмда яшайсиз. Ур-ра!» деди. «Ур-ра!» дедик.

Бирдан... «коммунизмда яшаш давримиз»га келиб ҳамма нарса бошқача бўлиб чиқди. Бугун халқимиз, қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни билиши керак. Айниқса, Ўрта Осиё халқлари кўп мураккаб жараёнларни бошларидан кечирган. Гап шундаки, улар Улуғ Октябрь инқилоби туфайли феодализмдан социализмга «сакраб» ўтганлар. Бу «сакраш» жараёнига В. И. Ленин ўз вақтида диққат-эътиборини қаратган эди. Аммо доҳийнинг Ўрта Осиё халқлари учун ғоятда муҳим бўлган бу фикрлари кейинчалик мутлақо унутилди. «Сакраб» ўтганимизни унутиш эса Ўзбекистонга қимматга тушди. Нега шундай бўлди?

Биз йиллар давомида ҳар қандай муаммоларни «яшин тезлиги»да ҳал этиб келдик. Кичик ғалабани кўзлаб, катта ғалабаларни бой бердик. Француз классик шоири Гильвик айтганидек: «...муз салтанатида атиргул ўстирмоқ зарур»лигини унутдик. Бутун бир мамлакат буйруқбардорлик билан бошқарилди. Халқ талаби инобатга олинмади. Томорқасига ҳам пахта экқан ўзбек деҳқонининг аҳволи танглашди: хилма-хил касалликлар, тўйиб озиқланмаслик, камқонлик... тинка-мадори қуриган одамлар эшигидаги сигирининг туғишини пойлашдан, ўша бузоқчани боқиб беш-тўрт сўм харж пули қилишдан ўзга чорани ўйлаб топа олмади. Чорвадорнинг боши эса «камомад»дан чиқмади. Озодликка чиққан ўзбек аёли оқ пахтанинг қора меҳнатчисига айланди. Меҳнаткашнинг хўжайини шунчалар кўпки, ўйлаб ёқа ушлайсан. Қайсидир журналда сурат босилди: бир деҳқон мук тушиб далада ишлаяпти... Унинг қаршисида агроном, раис, партия ташкилотининг котиби, райком вакили, бошқарма бошлиғи, обком котиби... яна қандайдир тафтиш аъзолари... қўлларини белларига тираганича кузатиб туришибди. Деҳқон ишлаяпти...

Хуллас, оддий меҳнаткаш яшаш учун йўллар ахтарди. Қорин қайғуси кишини не кўйларга солмайди, дейсиз. Бугун қанчалаб бегуноҳ деҳқонлар, чўпонлар сўроқ бериб юришибди. Қайта қуриш даврида оқ оққа, қора қорага ажралиши керак. Ахир улар битта-иккита эмас, қолаверса, уларнинг бола-чақалари ҳам битта-иккита эмас. Муҳит кейинги 20—25 йил ичида янада оғирлашди. Деҳқон болалари чопиқда, яганада, теримда... чўпон болалари ўтарларда... болалар тирикчилик учун бозорларда... Уларнинг ўқишида, билим олишларида тайин бўлмади, чаласавод бўлиб қолишди. «Катта»ларнинг болалари эса ҳатто республикаларни тебрата бошлади! Халқнинг эътиқоди сўнди, ҳеч нарсага ишонмай қўйди. Балки динга ишониш, «латта-путта»ларга кўр-кўрона сиғиниш, қандайдир «муқаддас жой»ларга зир қатнашлар кучайишига шу сабабдир. Гўёки, улар оғирини енгил қиладигандай, гўёки улар имконият йўлларини очадигандай... қайта қуриш даврида юксак эътиқод пойдеворларини мустаҳкамлаш билан меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри ташкил қилиш зарурат бўлиб қолади. Менимча инсонни ўз ўтмиши эътиқодга ўргатади. Бир ҳаётий мисол келтирмоқчиман. Шу йил Хотира куни отамнинг қабрига ёдгорлик ўрнатдик. Қабртошга отамнинг шажараси, яъни 14 бобомнинг номини ёздирдим. Йиғилиб келишган бутун қишлоқдошларим уни кўришиб, хитоб қилиша кетди:

— Аширмат бизнинг ҳам бобомиз-ку?..

— Норбой бизнинг ҳам бобомиз...

— Оллоёр «фалончи»ларнинг ҳам бобоси...

— Епирай, тубимиз битта экан...

— Ҳаммамиз бир отадан тарқалган эканмиз-да...

— Бегонадай юрибмиз-а?..

— Азимбой, барака топ, бутун бир қишлоқни бирлаштирдинг!

Тарих — халқни бирлаштирувчи куч! Ҳар бир халқ ўз тарихини билиши, ҳурмат қилиши, эъзозлаши керак. Ўз тарихини назар-писанд қилмаганнинг келажаги йўқдир. Ўзбекистон тарихининг ҳали ўқилмаган саҳифалари жуда кўп. Ва ёки саҳифалари ёлғон, чала ўқитилиб келинмоқда. Бизнинг тарихимиздек бой тарих камдан-кам халқларга насиб қилган. Ва у мураккаб, оғир кечган. Шу пайтгача бу ҳақда мукаммал тарих китоби чоп этилмаган. Ўрганилганлари эса уларнинг чалакам-чатти қирралари холос... Қадим замонлардан Улуғ Октябрь инқилобигача бўлган тарихимиз бир жилд, етмиш йиллик тарихимиз эса уч жилдга жойлаштирилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Буюк инқилобнинг бизга берган энг буюк хизмати шундаки, у туркий элатларни, жумладан, ўзбек элатини халқ сифатида намоён этди. Биз халқимизни бир бутун ҳолда кўрдик, танидик. Илк тарихдан маълумки, ҳозирги Ўрта Осиё, заминида ёки Амударё ва Сирдарё оралиқларида, уларга яқин бўлган жойларда жуда кўплаб туркий қабилалар яшаганлар. Саклар, массагетлар, сўғдийлар, уйшунлар, тоҳарлар, қанглилар, оқ хуннлар, ўғузлар, ўзбеклар, тухсилар, чиғиллар, қарлуқлар, яғмолар, арғинлар, жалойирлар, барлослар, қавчинлар, арлотлар, сулдузлар, нукузлар. XV аср охирида Дашти Қипчоқдан келган кўчманчи ўзбеклар — бугунги ўзбек халқининг аждодларидир. Шуни айтиш керакки, бу уруғ, қабилаларнинг кўпчилиги Моваройуннаҳрга ҳар хил даврларда Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистондан келишган. Маҳаллий туркий қабила ва уруғлар билан чатишиб кетганлар. Бу чатишишлар ҳосиласи ўлароқ туркий қабилалардан қарлуқлар, чиғиллар, яғмолар барпо этган қорахонийлар давлати даврида, яъни X—XII асрларда ўзбек элати тўлиқ шаклланди, эски ўзбек тилига асос-бўлган қарлуқ-чиғил лаҳжаси ёзма адабиёт тили даражасига кўтарилди ва у ўзбек элатининг умумий тили бўлиб қолди. Бу даврнинг «Қутадғу билик», «Девону луғотит турк» каби ёдгорликлари улуғ қобусномалардир. Бу қобусномаларни бугун ҳатто кутубхоналардан топиш амри маҳол. Умуман, олганда бизнинг халқимизда ўз тарихига қизиқиш, уни чуқур билиш, тушунишга ҳаракат ғоят суст. Рус муаррихи Н. С. Ликошин: «...шундай катта тарихга эга бўлган бу маҳаллий халқда фахр туйғуси жуда кучсиз», деб ёзганда минг баробар ҳақ эди. Ким билади дейсиз, ана шу беғурурлик, эътиқодсизлик VIII асрда араб имлосига йўл очиб бергандир, асрлар ўтиб лотин имлосига ўтилди ва ҳоказо.

Оиламиз билан тарихни жуда яхши кўрамиз. Халқимиз тарихини, тўғрисини айтсам, кўпроқ кенг билимли рус, хориж олимлари асарларини ўқиш орқали ўзлаштирганман. Бартольд, Якубовский, Бертельс, Вяткин, Греков, Крачковский, Гумилев, Саблукова, Березин, Барнштам, Вельяминов-Зернов, Леонов, Массон, Розенфельд, Салье, Толстов, Лунин, Петришевский, Гуревич, Строева, Баженов, Струве, Семенов, Кондратьев, Пугаченкова ва бошқа кўплаб туркий халқлар тарихининг у ёки бу қирраларини теран ўрганган билимдонларнинг нашрларини халқимиз унутишга ҳаққи йўқ! Бундан ташқари Н. С. Ликошин, Н. П. Остроумов, Д. Н. Логофет, А. Г. Туманский, М. И. Шрейдер, рассом В. В. Верешчагин, генераллар К. П. Кауфман, М. Г. Черняев каби ҳар хил қарашдаги сиёсий арбоб, тарихчи, саёҳатчи, хотирачиларнинг «ёзма иш»ларини билиш ҳам халқимизнинг яқин тарихини билишда катта аҳамиятга эга. Кавказ халқлари тарихида рус тарихчилари, олимлари, саёҳатчилари А. С. Пушкин сингари шоирларнинг хотираларини эсланг... Озарбойжон ССР ФА академиги Зиё Мусаевич Буниётов ҳам буюк илмий ишлар қилди.

Ўзбек тарихчилари ҳам кўп иш қилдилар, Аммо бу «кўп» ҳам кам. Яҳё Ғуломов, Иброҳим Мўминов, Бўрибой Аҳмедов, Ҳамид Зиёев каби кенг қамровли олимларимиз хизматларини жуда қадрлайман. Абдураззоқ Самарқандий, Наршахий, Зайниддин Восифий, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчи олимларимизнинг айрим асарлари, «Абдулланома»нинг икки жилди, «Васиқалар тўплами», «Шайбонийнома», «Ирқ битиг» ва бошқа бир қанча адабий, тарихий ёдгорликларни халқимиз бугунги кунда севиб ўқимоқда. Аммо ағдарилмаганлари қанча?.. Улар араб, рус тилида ҳаракатсиз ётибди.

Утган йиллар ичида «Узбекистон тарихи» бир неча бор ҳар хил ҳажмда нашр этилди. «Самарқанд тарихи» (II жилд), «Хоразм тарихи» (I жилд), «Бухоро тарихи» (I жилд) ўзбек, рус тилларида чоп этилди. Бу албатта — хайрли иш. Лекин шуни айтиш керак-



Дўстлик рақси.

Н. Шарипов фотоси

ХАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

ТАБИБ

Грузиянинг Они шаҳарчасида яшайдиган аҳоли орасида Григорий Бурдиладзедан кўп хат оладиган одам бўлмаса керак. Ҳатто адреслар миқёсидан мамлакатимиз жуғрофиясини ўрганиш мумкин. Хатларнинг муаллифлари — унинг собиқ ёки бўлажак даволанувчиларидирлар. Тбилиси Табобат институтининг битирувчиси Бурдиладзе гиёҳлар билан даволайди. У бир қанча муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномаларига ҳам эга.

Яқин-яқингача у Уцери дам олиш шифохонасида даволовчи врач бўлиб ишларди. Эндиликда унинг ҳузурига мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан, Грузиянинг турли бурчакларидан ошқозон-ичак касалига дучор бўлганлар ва буйрагида тоши бор кишилар келишади. Г. Бурдиладзе диққат билан уларни текширганидан сўнг дори-дармонлардан ташқари ўзининг қайнатмаларини тавсия этади. Турли хил гиёҳлардан тайёрланган шифобахш дамлама ҳам беради.

— Буларни қаердан тераcиз деб сўрарсиз,— дейди у баъзан.— Они чор атрофларида ажойиб ўрмонлар бор. Онам (у гиёҳ билан даволаш сирларини билади) менга қайси ўсимликни, йилнинг қай вақтида териш кераклигини ўргатган. Шарқ табобати шифобахш ўсимликлардан фойдаланишда ғоятда юксак ўринда туради. Абу Али ибн Сино «Ал-қонуни» дунёда машҳур.

Григорий Александрович яқинда ишга туширилган «Оналар ва болалар» дам олиш шифохонасига директор этиб тайинланди. Иши жуда кўп, онилик табиб кимки ёрдам сўраб мурожаат қилса, рад этмайди, доривор дамламаларни тайёрлашга зўрға улгуради. У бир дамламанинг қандай тайёрланиши кераклигини сидқидилдан айтди.

— Дала ялпизи, жамбил, валериана (доривор гиёҳ ўсимлигининг илдизлари), бўзноч (ўтсимон ўсимлик) ва мойчечакларни бир хил оғирликда оласиз. Дамлама қилиб ҳар куни эрталаб бир пиёладан ичасиз. Кайфиятингиз кўтарилиб, иш қобилиятингиз кучаяди.

ки, бу «Тарих»лар ҳали мукаммал эмас. Жуда кўп сохталиклар мавжуд. Чалкашликлар қалашиб ётибди. Бир нашр фактлари иккинчи нашр фактларига тўғри келмайди. Менимча, ўзбек халқи тарихи туркий халқлар тарихидан узилиб олинмаган ҳолда тартибга солиниши керак. У жуда қадимдан бошланади. Бор манбалар ўрганилиб чиқилса ҳам... кўп нарса ойдинлашади. Мендан учрашувларда: «Бобур ким бўлган, у ўзбек эмасми?» деб сўрашади. «Бу қанақаси?» десам: «Бобур Шайбонийхонни «ўзбак» деб сўкади-ку?» дейишади. Тўғри. Бу саволга тарихчиларимиз аниқ-тиниқ қилиб ўзбек тарихига жавоб ёзиши керак-ку! Мен буюк рус тарихчиси Василий Осипович Ключевскийдек ўзбеклар тарихини изчил ўрганиб, ўзбек халқининг мукаммал тарихини яратувчи бир зотнинг пайдо бўлишини фақат орзу қиламан.

Бизнинг мактабларда ўрганилаётган «Ўзбекистон тарихи» ғоят қашшоқ, ғариб. Елғони кўп. Грузин халқи ўз тарихи ҳақида «ёлғон» нашр чиқиб қолгудек бўлса, унинг бирортасини ҳам қолдирмай топиб гулханга ташлар экан. Ўқувчиларимиз ўнинчи синфни битиради-ю, кимнинг боласи эканлигини англамай институтларга йўл олишади. Маҳмуд Замахшарийнинг «Асос ул — Балоға», «Муқаддамат ул адаб», Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат», Сулаймон Боқирғонийнинг «Биби Марям китоби», «Охир замон китоби», ўғуз қаҳрамонлик достони «Қўрқут Ота китоби», «Ўғузнома», Херман Вамбери таъриф-тавсифини келтирган Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи турк», «Шажараи тарокима» каби асарлари тарихий жиҳатдан ҳам жуда қимматлидир. Кейинги йилларда инглиз тарихчиси М. Бойснинг «Оташпарастлар» тўплами, «Қадимги шарқ адабиёти» матнлари, «Узбекистон тарихи манбалари» (Б. В. Лунин тўплаган) матнлари, Фасих Хавофийнинг «Мужмали Фасихий», «XV—XVI аср Самарқанд ҳужжатлари», «Таворихи гузида Нусратнома» каби тўпламлар рус тилида нашр этилди, улар ўзбек китобхонларига ҳам етказилса, севилиб, талашиб-тортишиб ўқилишига шубҳам йўқ. Шу фикримни алоҳида таъкидлайманки, Бартольд, Бертельс, Толстов, Вяткин, Семёнов каби рус тарихчиларининг Ўрта Осиё тарихи, илми, адабиётга оид асарларини албатта ўзбек тилида чоп этиш зарур. Улар тарихимиздаги асл манбаларни чуқур ўрганишиб чиқишган ва қарашлари ҳам халқимиз манфаатларига мос тушади...

Қайта қуриш барча халқлар олдига жуда кўп масалаларни қайта кўриб чиқишга, дейлик, дарахтнинг фақат шох-шабадаларигагина назар ташлашга эмас, илдизларига ҳам синчиклаб қарашга олиб келди. Кишилик жамияти ўзи шундай яралган. У ҳамиша янгиланиб, бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиб, ўзгариб туриш асосига қурилган.

Мактабларимиз аҳволини тубдан яхшиламас эканмиз, маърифатчилик ғояларини ҳар бир юракка сингдирмас эканмиз, бошимиз нодонликдан, жаҳолатдан чиқмай қолаверади! Бунинг йўли борми? Бор! Аммо ҳамма йўллар иқтисодий шарт-шароитларга бориб тақалаверади!.. Биз тарихимиздан узилиб қолган халқмиз. Буни бугун ҳамма билади. Ҳаётнинг пасту баландини тушунганимиз сари бу масала юзага чиқиб қолаяпти. У чуқурлашиб бораверади. Тил билгувчилар кексаяяпти, ўринбосарлар йўқ, қўлёзмалар эса ўқилмай сарғаяяпти... Ҳай, бу узоқ тарих... Аммо бугунги она тилимиз қай аҳволда, саводимиз жойидами? Қўлимиз нималарга етди? Қайси юлдузни узиб олдик? Аввало, шуни айтишим керакки, бугунги ўзбек тили сезиларли даражада қашшоқлашди, оҳорсизланди, таъбир жоиз бўлса «сўлим»лигини йўқотди. Назаримда, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Миртемир тилларининг салмоғи камайгандек... Тил масаласи билан кадрлар масаласи чамбарчас боғлиқ, деб биламан. Нега миллий кадрлар етишмаяпти? Етишмаяпти эмас, жуда кўп. Лекин уларнинг кўпчилиги «тил» билмаслигидан, яъни рус тилини пухта эгаллаб ололмаганидан юқорилаб кетолмаяпти. Маълум нуқталарга бориб, таққа тўхтаб қолишмоқда. Ваҳоланки, миллий кадрлар масаласи, уларнинг халққа раҳбарлик қилишлари — ғоят муҳим. Миллий кадрларнинг жойларда туриши муҳим. Улар — халқнинг келажаги. Бир юнон файласуфи қайси халқнинг ўз йўлбошчилари, даҳолари бўлмас экан, ўша халқ ер юзидан супирилиб, йўқ бўлиб кетишга маҳкум, деб ёзган.

Бизнинг раҳбарларимиз фақат «ўриндиқ»ларинигина ўйламасдан, халқимиз тақдирини ўйлашлари лозим бўлган вақт келди. Улар халқнинг бугунига масъул, келажагига жавобгардирлар. Виждон, имон кўкрак қафасини ёриб чиқиши лозим бўлган замон етди!

Жамият ўсувчан. Табиатнинг ўзи сингари ҳамма ғоялар, услублар ўзгарувчан. Янги кунлар келади, янги авлодлар етишиб чиқади, янги ғоялар пайдо бўлади. Уларни яратишда халқимизнинг ҳам ўз ўрни бўлиши шарт.

Буғунги тараққиёт шунга олиб келадики, ҳеч бир халқ бошқа халқлар устидан ҳукмронлик қилишдек имтиёзлар берилмаслигини дунё халқлари биргаликда ҳал этишлари зарур! Ҳар бир халқ эркин, озод, тинчтотув яшашлари ҳаётий заруриятдир.

САВДОДАГИ ҒАВҒОЛАР

ЁХУД БАЪЗИ СОТУВЧИЛАРНИНГ ҚЎПОЛЛИГИ

Мамлакатимизда қизғин баҳс ва мунозарали, баъзан зиддиятли кечаётган қайта қуриш жараёнининг марказида ҳазрати инсон тақдири турипти. Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёж талаби ана шундай аҳволни муқаррар қилиб қўйди. Бугунги кунда «Ҳамма нарса инсон учун, унинг фаровонлиги учун» деган бизни узоқ вақт чалғитиб келган шиорни амалда қўллаш имкониятига эга бўлдик. Аммо иш ниҳоятда оғир кечмоқда. Айниқса, кишиларнинг турмуши билан боғлиқ бўлган ижтимоий соҳада тубдан бурилишлар бўлмаётир. Масалан, кундалик эҳтиёжимизни қондиришимиз лозим бўлган савдо хизмати соҳасида лоқайдлик, виждонсизлик ва қўполликнинг туп қўйиб, илдиз отиб кетганлиги эзгу мақсадларни амалга оширишга монелик қилаяпти. Улар: «Сот. Имонингни сот! Димоғингни сот! Қўполликни ҳам сот! Виждонингни ҳам сот! Шунда бой бўласан» қабилида иш тутаётирлар.

Афсуски, бу соҳада пулдан, тарозидан уриб қолиш, молларни яшириб қўйиш, сотувчиларнинг чайқовчилар билан тил бириктириши ҳоллари ҳамда хизмат маданиятининг етишмаслиги харидорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаяпти.

Ишчи В. Норбоев редакциямизга йўллаган хатида қуйидагиларни ёзади: «... саккиз соат станок ёнида тик туриб, ҳорғин кайфиятда уйимизга йўл оламиз. Йўл-йўлакай рўзғор эҳтиёжи учун у-бу харид қилиш ниятида магазинларга кирамиз. Сотувчилар (уларнинг кўпчилиги хомсемиз эркаклар) харидорлар билан шундай қўпол муомалада бўлишадики, бир нарса сўрашга ҳам ҳайиқасан киши. Энг ёмони, бояги чарчоғимиз устига кайфиятимиз ҳам бузилиб, уйимизга дилимиз хуфтон бўлиб қайтамиз... Хўш, нима учун ўз хизмат вазифасига кирган ишни миннат қилиши керак улар? Ахир унга шу иши учун маош тўланади-ку».

Ҳақиқатан ҳам кўпгина савдо расталари ортида ўтирган бойваччалар хоҳласалар харидор сўроғига жавоб берадилар, хоҳламасалар йўқ. Энг ачинарлиси уларнинг аксарияти ёшлар. Эндигина савдо-билим даргоҳларидан келганлар. Улар муомала санъатидан мутлақо йироқ. Оддийгина «бор» сўзини ҳам шунчалик дағал ва қўпол, малол келиб ифода этадиларки, асабларинг қақшаб кетади.

Балки бу соҳада хорижликлар тажрибасини кенгроқ қўллаш керакдир. Масалан, Японияда сотувчилар йилига бир марта хушмуомалалик курсида малака ошириб келишар экан. Ёки кўпгина Европа мамлакатларида истараси иссиқ, сермулозамат ва ниҳоятда хушмуомала кишиларнигина (кўпроқ аёлларни) савдо соҳасига ишга олишар экан.


Афсуски, бизда ундай эмас. Аммасининг холаси, холасининг боласи, тоғасининг жияни, поччасининг қайниси ва ҳоказолар сулола, сулола бўлиб элга «хизмат» қилишаяпти. Билмадик, савдо ходимлари тайёрлайдиган ўқув юртларида одоб, этика фанидан қандай сабоқ беришар экан. Ҳар ҳолда тили ширин сўзга айланадиганларни учратганимизча йўқ. Мўмай пуллардан димоғларига қурт тушиб, бу қурт уларнинг тилларидаги шакарини сўриб олган бўлса ҳам ажабмас! Халққа хизмат қилиш учун эмас, балки ўз шахсий манфаати учун савдо дўконларига танда қўйган юлғичларнинг қинғирликлари натижасида кейинги пайтда савдо тармоқларида сунъий тақчилликлар юзага келди. Магазинларнинг пештахталарида қуртлаган конфет, балиқ консервалари ва тош қотган печеньелардан бошқа ҳеч вақо йўқ. Ун, гўшт, қанд, сариёғ, совун ва бошқа кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотларни харид қилиш борган сайин қийинлашиб бормоқда.

Халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган қайта қуриш ишлари савдода жуда секин бормоқда. Аҳолининг талаб-эҳтиёжлари чуқурроқ ўрганилмаяпти. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва Ўзбекбирлашув савдо шахобчаларини халқ истеъмоли моллари билан таъминлашдаги узилишларни бартараф этиш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланмаяптилар. Бор маҳсулотлар ҳам бу соҳадаги ялаб тўймаганлар дастидан очиқ савдога тўлиқ чиқарилмаётир. Зарур эҳтиёж молларнинг маълум қисми пештахталар ўрнига чайқов бозорларида пайдо бўлмоқда ёки таниш-билишчилик йўли билан хуфиёна пулланмоқда. Натижада узундан-узоқ навбат кутишлар ҳосил бўлаётир. Ур-тўполонда навбатга туришлар кўпинча безорилик кўринишидаги жанжалларни келтириб чиқармоқда. Яқинда Марказий Универмагда кир ювиш талқони учун навбатда турганлар ўртасида келишмовчилик чиқиб, бу машмаша сал кам миллатлараро жанжалга айланиб кетишига бир баҳя қолди. Ёки «Феруза» магазинида колбаса олиш учун навбатда турганлар жанжаллашиб бир-бирларига тан жароҳати етказганлигини қандай баҳолаш керак? Бир пайтлар одамлар чет элдан келтирилган ноёб истеъмол молларига шундай навбат кутиб вақтларини ўтказишар эди. Наҳотки, эндиликда озиқ-овқат маҳсулотларига шу тариқа вақт кетказсалар, асабларини бузсалар. Ахир емиш талашаётган инсонларни бу аҳволда қандай қилиб қайта қуришнинг истиқболига ишонтириб бўлади. Бу жамиятга хиёнат қилиш эмасми? Ижтимоий соҳада юзага келган мураккаб жараённи яна кескинлаштиришда савдо соҳасидаги қўли қинғир кишиларнинг «ҳиссаси» ҳам бор.

Масалан, шу йилнинг тўрт ойида Тошкент шаҳрида 219 марта савдо қонунига зид жиноий ҳаракатлар қилинганлиги аниқланган. Бу ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан 19, 4 фоиз кўп демакдир. Шунингдек, бу соҳадаги ўғриликлар натижасида давлатга 221 минг 71 сўмлик моддий зарар етказилди.

Айниқса, Тошкент шаҳридаги Фрунзе, Чилонзор, Ҳамза ва Собир Раҳимов районларидаги магазинларда савдо қонунини бузиш ҳоллари кўп содир қилинган. Масалан, Ҳамза районидаги 1-магазин сотувчиси Людмила Татера, 11-магазин сотувчиси Қобил Абдураҳмонов, 14-магазин сотувчиси Зокир Олимов, Чилонзордаги 13-магазин сотувчиси Ҳ. Каримовалар ҳам ўзгалар ҳақидан қўрқмайдиганлар хилидан экан. Улар етарли касб маълумотига эга бўлишса-да, нуқул ўз фойдасига адашадилар. Бу сотувчилар байрам кунлари ҳам чўнтакларини ўйлаб турганларида ОБХСС ходимлари хаёлларини қочириб юборди.

Юлғичлар харидор тақчил мол излаб қийналиб ўзларига бош эгиб келишларини, ялиниб-ёлвориб илтимос қилишларини ва «хизмат ҳақи» беришларини жуда-жуда яхши биладилар. Шунинг учун ҳам иложи борича тақчил молни очиқ савдога чиқармасликка ҳаракат қиладилар. Ҳатто байрам кунлари одамларнинг кайфиятини янада хушнуд этиш учун савдо тармоқларига юборилган камёб молларни





Суратларда: очиқ савдога чиқарилмай яшириб қўйилган моллар.

ҳам бирор нимали бўлиб қолиш ниятида яширишга ҳаракат қиладилар. Аммо меҳнаткашларнинг ўтган халқаро бирдамлик куни — 1 майда Тошкент шаҳридаги магазинларда ОБХСС ходимлари томонидан ўтказилган текшириш уларнинг ниятини пучга чиқарди. Шу куни «Ташгалантерийторг»га қарашли 69-магазинда (директори Б. А. Шайхов) 2474 сўмлик «Орфей» дезодоранти, аёллар пайпоқли лозими, хотин-қизларнинг ички кийими ва рўмолларини, «Тошкент» фирмасининг 17-магазинида (директори А. Н. Иброҳимов) 1241 сўмлик камёб маҳсулотларни, Ҳамза районидаги «Орбита-Сервис» магазинининг тармоқ мудири А. А. Турғунов 16970 сўмлик молни, Чилонзор районидаги «Ташобувьторг»га қарашли 24-магазин тармоқ мудири И. Носиров 709 сўмлик аёллар пойафзалини, Ленин районидаги «Таштоплесстройторг»га қарашли 10-магазин мудири Ҳ. Абдуллаев 8100 сўмлик чет элдан келтирилган молларни очиқ савдога чиқармасдан яшириб қўйганликлари аниқланди. Айниқса, шу куни ОБХСС ходимлари томонидан сирлари фош қилинган «Болалар дунёси» фирмасига қарашли 3-«Школьник» (директори М. М. Тошпўлатов) магазинида яшириб қўйилган моллар ҳаммасидан ошиб тушди. Ҳамюртларимиз болапарвар халқ, фарзанди учун ҳеч нарсани аяшмайди. Магазинда йўқ бўлгандан кейин чайқовдан юқори нархда ҳам олишга мажбур бўлади. Буни яхши билган савдодаги иккиюзламачилар 5611 сўмлик чет элда тайёрланган 23 хил болалар кийимларини очиқ савдога чиқариш ўрнига ўта айёрлик билан магазин биносидаги туйнукларга, ертўлага ва совутиш қурилмаларининг ичига яшириб қўйишганлиги аниқланди. Бундай виждонсиз ва нопок кишиларнинг дастидан аввало меҳнаткаш халқ кўпроқ жабр чекаётир.

Социалистик мулкни талон-тарож қилишда энг ёмон иллат бўлиб илдиз отган ташмачилик ҳам савдо ходимлари билан боғлиқ бўлиб қолаётир. Ташмачи ишлайдиган корхонасидан ўғирлаб чиққан ғалтак ипни, матони, сигаретни, конфетни ёки электр жиҳозларини ўзи сотмайди. Қўрқади. Улар нопок мақсадларини амалга оширишда савдо ходимларининг «беминнат» «хизмати»дан фойдаланадилар. Текин фойда илинжидаги сотувчилар кўр-кўрона жиноий ишга қўл урадилар. Киров районидаги 48-магазин сотувчиси ташмачилар билан тил бириктириб ҳамёнини қаппайтираётган экан. Текинга салом бермайдиган бу одам 434 қути ўғирланган «Космос» сигаретасини 50 тийиндан сотиб олиб 70 тийиндан сотаётганда қўлга тушди. Шу райондаги 39-магазиндан ҳам 680 қути ўғирлаб келтирилган сигареталар топилди.

Хўш нима учун савдо соҳасида қинғирликлар ҳаддан ошиб, жиноятлар йилдан-йилга кўпайиб бораётир? Аввало ўзимиз ҳам айбдормиз. Дастлаб ҳотамтойлик қилиб қайтимни сотувчига инъом қилиб қолдирдик. Савдодаги машмашаларни кўра-била туриб, «дунёни сув босса ўрдакка не ғам» қабилида иш тутдик. Чақалардан сўмлар, сўмлардан минглар жамғарган баъзи сотувчилар ўзини шу даражага етказган харидорни энди менсимай қўйди. «Одами»га қараб муомила қиладиган бўлди. Сотувчининг устидан шикоят қиладиган бўлсангиз, магазин директорини ҳам, мудирини ҳам тополмайсиз. «Шикоят дафтар»ларининг ҳам кейинги пайтда таъсирчанлиги йўқолди. Ахир ҳали бирор сотувчи «Шикоят дафтар»идаги танқидий ёзувлар учун ишдан четлашиши у ёқда турсин ҳайфсан ҳам олган эмас. Шунинг учун бўлса керак «Шикоят дафтари»ни сўрасангиз қўш қўллаб тутқазишади.

Маълумки, катта ва мураккаб бўлган иқтисодий механизмда савдо соҳаси алоҳида роль ўйнайди. Лекин ҳозир давом этаётган қайта қуриш шарофати билан кўп соҳаларда мураккаб жараёнлар кечиб, ижобий силжишлар бўлаётган бир пайтда савдодаги чекинишларни қандай баҳолаш мумкин? Балки бу аҳвол кейинги пайтда назоратнинг бир мунча сусайиб кетганлиги оқибатидир. Социалистик мулкни ўғирлаш ва чайқовчиликка қарши кураш бўлимлари, масалан, ОБХСС соҳасига ҳам эътибор зарур. Бу соҳа ходимларининг иш ўрнини қисқартириш ҳам савдодаги нохуш ҳолатларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Масалан, Тошкент шаҳрида ҳар бир ОБХСС ходими ўртача 250та объектни назорат қилишига тўғри келади. Афсуски, бу амалда бажариб бўлмайдиган ишдир. Тўғри, савдо муассасаларида назоратни амалга оширишда партия, совет, хўжалик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жамоат ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатаётирлар. Аммо уларнинг вазифалари ниҳоятда чегараланганлиги учун таъсир доираси кам бўлаётир.

Ўтган йили Бутуниттифоқ Марказий Касаба союзи Совети президиумининг қарори билан ишчи назорати ташкил этилди. Меҳнат коллективларига ошхоналар, магазинлар, омборларни ўз назоратларига олиш, тартиб ўрнатиш имкони туғилди. Лекин кейинги вақтда ишчи назоратчилари ишларини бирмунча бўшаштириб юбордилар. Сабаб, аввало уларни қилган ҳатти-ҳаракатларининг натижаси қониқтирмади. Улар қанча вақтларини сарфлаб магазинлардан ва омборлардан очиқ савдога чиқарилмай яшириб қўйилган молларни топишди. Акт тузишиб, актни керакли идораларга топширишди. Кейин-чи? Кейин нари борса айбдорга битта ҳайфсан бериш билан иш ёпилади. Иккинчи томондан эса корхоналарнинг хўжалик ҳисобига ўтиши муносабати билан ишчиларнинг иш вақти қатъий белгилаб қўйилган. Энди улар ишдан ортиб текширишга бориши қийин.

Қилмиш-қидирмиш, дейдилар, ўзгалар ҳисобига мўмай даромад орттираётганлар вақти келиб жазоланишлари тайин. Аммо улар ўшангача минглаб харидорларнинг асабларини қақшатиб, ҳалол топган пулларига кўз олайтираверадилар. Улар мамлакатимизда саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган вақтинчалик танқисликдан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиб қолаётирлар. Бу ҳол жамиятимизда юзага келган мураккаб вазиятни чуқурлаштиради холос. Шунинг учун давлат ва жамоат мулкига кўз олайтирувчиларга, олибсотарларга, қаллоб савдо ходимларига қарши кескин кураш олиб бориш вақти етди. Мамлакатимиз бўйлаб эсаётган покланиш шабадаси савдо соҳаси устини қоплаган зарарли чангларни ҳам учириб кетади, деб умид қиламиз.

Руслан МАДРАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг БХСС бўлим бошлиғи,

Абдураззоқ КАРИМОВ,
«Гулистон» журналининг махсус мухбири









Ўзбекистон ССР халқ артисти, бастакор Ҳаким Нишонов ҳаваскор қизлар даврасида.

ТАРОНА

Тошкент вилояти, Оржоникидзе район «Қизил Ўзбекистон» колхозининг «Дўстлик тароналари» ҳаваскорлик труппасини жумҳуриятимиз санъат мухлисларидан кўра кўпроқ қардош ўлкаларда яхши билишади. Ўзининг 30 йиллик баҳорини байрам қилаётган бу жўшқин тароналар, рақслар чашмасининг таржимаи ҳоли шундан гувоҳлик беради.

Ҳаваскорлик труппаси ўзига хос андозани ўзбек рақсининг маликаси Мукаррама Турғунбоеванинг қалб олами — «Баҳор»дан олганди. Унинг бадиий раҳбари Ҳаким Нишонов табиатнинг мафтункор гўшаси Дўрмон бағрида бадиий ҳаваскорлик труппаси тузар экан, ўзининг истеъдоди, фикр-ўйлари мусиқа, қўшиқ ва рақслари труппа тимсолида намоён бўлишини орзу қиларди. Негаки, унинг ўзи бу ерга ишга таклиф этилганда, анча-мунча танилган ижрочилардан бири эди. 1936 йилдан Андижондаги болалар театрида актёр, кейинчалик филармонияда созанда, Муқимий театрида дирижёр, Тўқимачилар санъат саройида ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг бадиий раҳбари, филармонияда ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари вазифаларида етук санъаткорлар билан ёнмаён ишлаб, бой тажриба орттирган, Консерваториянинг бастакорлик факультетини ҳам тамомлаганди.

«Қизил Ўзбекистон» колхози ўша кезларда пахтачиликда анча машҳур хўжаликлардан саналарди. Хўжаликка фидойи ишлари билан халқнинг меҳрини қозонган ажойиб инсон — Абдужамил Матқобулов етакчилик қиларди. Ҳайрли ишлар амалга оширилиб, колхозчиларнинг турмуши маданийлашиб бораётганди. Фақат санъат ҳақида гап кетганда хўжалик раҳбарлари тилларини тишлаб қолишарди. Шундай бир пайтда Ҳаким Нишонов уларга ёрдамга келди. Йиғилишларнинг бирида колхоз бадиий ҳаваскорлик труппаси тузмоқчи эканликлари, санъатга иштиёқманд колхозчилар келиб ёзилиши мумкинлиги эълон қилинди. Колхозчилар, уларнинг фарзандлари бирин-кетин труппага ёзила бошладилар. Шулардан бири Маҳмуджон Тошбоев эди. Ҳаким Нишонов унга чанг чалишни ўргатди.

1961 йили ҳаваскорлик санъатини қишлоқда ривожлантиришдаги меҳнати, кўргазмали колхоз труппаси сифатида қишлоқ меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатишдаги фаолияти учун уларга жумҳуриятимизда биринчи бўлиб «Ҳаваскорлик халқ ашула ва рақс ансамбли» фахрий унвони берилди.

1963 йилда олтмиш икки нафар — ўзбек, рус, қозоқ каби турли миллат вакилларидан уюшган труппа колхоз клубидан Ватанимиз юраги — Москвага йўл олди. «Гулла-яшна, ҳур республикам» театрлаштирилган концерт программаси доҳиймиз В. И. Ленининг излари қолган, овози янграган муқаддас даргоҳ — Кремль саройида намойиш қилинди. Бу қутлуғ сафардан қайтгач, ЎзКП МКнинг йўлланмаси билан Наманган, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилояти пахтакорлари ҳузурида бўлиб, 230 дан ортиқ томоша кўрсатди.

1969 йилда Эстония ССРнинг ашула байрами тантаналарида, 1971 ва 1977 йилларда Болгария халқ жумҳуриятининг Хасково — Украина дўстлик учрашувлари тантаналарида қатнашиб, ўзбек куй ва қўшиқлари билан бир қаторда ҳиндча, тожикча, қирғизча рақсларни ҳам маҳорат билан ижро этдилар.

Труппа коллективи СССРнинг 50 йиллиги, Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ фестивалларининг, 1983 йилда Тошкент вилоят Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвонларига сазовор бўлдилар.

Ансамбль аъзоси Баҳодир Пўлатов тор ясайди. Ўзи ясаган торда миллий куйларимизни маромига етказиб ижро этади. Ҳонандалар: район маданият уйининг методисти Жўрабек Рўзиев, колхоз ишчиси Норинбой Мусаевлар у чалган куйларга жўр бўладилар. Колхоз боғчасида тарбиячи Лазокат Рўзиметова «Ер келади»ни айтганда, куйига ҳамоҳанг томошабинлар қарсаги янграйди. «Тановар»га рақсга тушганда, томирларингизда сим-сим ҳаяжон оқаётганини сезиб турасиз. Раққоса Дилрабо Сотиболдиева, созандалар Иброҳим Юсупов, Тўлқин Эргашев, Ҳайрулла Турсунов ижро этадиган куйлар, ашулачилар хори ижро этадиган «Фарғона рубоийси», «Соқиномаи савти чоргоҳ», «Абдураҳмонбеги» каби мақом йўли билан айтиладиган классик қўшиқлар, «Андижон самоси», «Дил куйласин» каби ашулалар ана шундай сержавқ, таъсирчандир.

Яқинда ҳаваскорлик труппасининг бадиий раҳбари Ҳ. Нишоновга бу хизматлари учун «Ўзбекистон халқ артисти» унвони берилди. Биз уни бу юксак мукофот билан қутлаб, бадиий ҳаваскорлик труппасига янада юксак парвоз тилаймиз.


Саодат ЙЎЛДОШЕВА

БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ. АБУ АЛИ ИБН СИНО.






НОМОЗ СУЛТОНОВ. АЛИШЕР НАВОИЙ



Эрали ва Шерали.



Гўрўғли.


ТЕМУР САЪДУЛЛА ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Широқ.





Бердақ.



Қорақалпоғистон АССР халқ шоири Ибройим Юсупов.
В. Катанов фотоси

Сангартоғ ўрмончилик хўжалигининг ходими Муродилло Маъмуров. Г. Еқубов фотоси



ҚАБР БОШИДАГИ ЎЙЛАР

Бек оғалар, қулоқ солинг,
Менингдек бўлмасин ҳолинг,
Ўлиб кетсам, ўйга олинг,
Не бўларимни билмадим.

БЕРДАҲ

Анъанага кўра, ҳар йили ўтказилаётган Хотира куни — 30 мартда акамнинг бошига бориб, унинг қабрини тозалаб, ҳурматини бажо келтириш оиламиз учун одат бўлиб қолган.

Бу йил ҳам бурчимизни бажо келтириш учун йўлга чиқдик. Шокамондан ўтаверишда тош йўл тугаб, қадимий бўз йўл бошланади. Бурунлари ота-боболаримиз арпа, буғдой, тилими тилни тиладиган ширин-шарбат қовунлар экиб келган анғизлар чангиб ётар эди. Бу ерлардан кимлар юрмаган дейсиз... Бердаҳ, Кунхўжа, Ҳожониёз сингари улуғ донишмандларимиз неча-неча марта хаёллар қанотида пиёдами ёки отлиқ ўтган чиқар.

Узоқдан Қорақум қабристони кўринади. Ўша тенгсизлик замонида мозор ҳам иккига бўлинган. Мулла, эшон, бойлар қумнинг тоза ерига, бечора камбағаллар мурдаси қабристоннинг кўримсиз, чекка-чеккаларига қўйилган. Эндиликда уларнинг бўлинган ерлари, яъни чегаралари йўқолиб кетган. Бироқ, Бердаҳ, Ҳожониёз, Кунхўжа қабрларини — булар бир четда қолсин деб четлаштирганларини эсламоқ ниҳоятда ачинарлидир.

Уч қабр, улуғ донишмандлар руҳини бағрига босиб ётган уч тепалик азалий сукут қўйнида.

Ортимда бола қолмади,
Уфқдан кўзим толмади,
Не кунга қайғу солмади,
Не бўларимни билмадим.

Ушбу таъсирчан мисраларни бобомиз Бердаҳ бизлар учун ёзиб қолдирмадими экан? Ахир элимиздаги улуғларни сийлаш, уларни ҳурмат қилиш лозим, деган сўзлар қуруқ қоғозларда қолиб кетган кўп қарорларнинг биридай бўлиб унутилдими экан? Биз сўзлаётган Қорақум қабристони аслида ота-боболаримизнинг дастлабки ўрнашган жойлари бўлиб, сувсизликдан кейинчалик бўз ерга айланиб кетган. Бу ер Шокамондан йигирма чақирим масофа олисда. Бунда туғилганлар элини қадрлаб, ҳаттоки сувсизликдан кейинги очарчиликда топилган бурда нонларини ҳам бўлишиб еганлар.

Сув келмайин сўлди экин,
Чирқирашиб қушлар бетин,
Буталарга қурганда ин,
Дарё қуриб қолди бу йил.

Банданг эдик, шубҳасиз, ҳақ,
Биз шўрликка берсанг-чи бахт,
Қолар бўлди қаёқда халқ,
Яланғочларга паноҳ бер.

(Бердаҳ)

Мана шундай халқ учун жонини аямай, уларнинг келажак замонларда адолат қуёши нурларига чулғанишини орзу этиб ёзган зукко шоирларимиз — Бердаҳ, Кунхўжа ва Ҳожониёз қабрларини эъзозлаб, уларнинг устларига ёдгорлик тоши ёки белгилар қўйиб, ҳар доимо руҳи покларини шод этиб, хотирлаб, шу билан бирга ўз ота-оналаримиз қабрларини ҳам зиёрат қилиб турсак, албатта, ёшларимиз тарбияси учун ниҳоятда ибратли бўлар эди. Лекин раҳбарларимизнинг эътиборсизлиги туфайли мазкур йигирма чақиримлик масофага тош ётқизиб асфальтлаш иши жуда кейинга сурилиб келинаяпти. Хотира кунида фақатгина Шоршода ва Азбар бобо қабристонларига бориб, транспортнинг йўқлигидан, йўлнинг ноқулайлигидан кўпчилик ўз ота-боболарининг қайси жойга кўмилганлигини ҳам унутиб юбораёзганлар.

Ёшлар Бердаҳ, Кунхўжа, Ҳожониёз асарларини мактабларда ўрганишади, суйиб ўқишади, уларнинг ҳаёти билан қизиқишади. Бироқ уларнинг қандай турмуш кечирганлиги ва қаерга дафн этилганлигини айтолмаймиз. Бунинг сабаби, уларнинг кўмилган қабристонлари, ота-боболаримизнинг яшаган ерлари ҳатто мактаб муаллимларининг аксариятига маълум эмас. Уларнинг кўпчилигининг йўллари Шокамон қабристони томон тушмагани аниқ.

Зеро, шоир Бердаҳга жойларда ёдгорликлар ўрнатилди, унинг асарлари бутун элимизга тарқатиб келинаётир, қардош жумҳуриятларимизнинг шоир ҳамда ёзувчилари томонидан ҳар йили турли миллат тилларига таржима этилаётир. Ҳозирги даврда ёшларимизни ўтмиш маданий меросимизга меҳр-муҳаббат билан қарашга, ватанпарвар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берилаётгани ҳам бежиз эмас. Шу нуқтаи назардан амалга оширилган тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти улкандир. Шунинг учун ҳам ота-боболаримизнинг ўтмиш тарихини бизгача етказиб берган Бердаҳ, Кунхўжа, Ҳожониёз асарлари мактаб дарсликларига киритилган. Аммо нима учун уларнинг қўшиқларию асарларидан ташқари маълумотларга эга эмасмиз, яшаган ерлари, дафн этилган жойлари тўғрисида ёшларимиз ҳеч нарса билмайди? Агар билсалар, балки ҳозирги ёшларимиз ҳам бошқа халқларнинг машҳур сиймолари сингари ўзларининг донишманд шоирларини ардоқлар, қабрларини бориб зиёрат қилармидилар. Афсуски, билганлари тақдирда ҳам бу ерга автобуслар қатнамайди, йўллар ўта даражада қониқарсиз.

Модомики, русларнинг Пушкини, украинларнинг Шевченкоси, грузинларнинг Руставелиси, ўзбекларнинг Навоийси, қозоқларнинг Абайи, туркманларнинг Махтумқулиси ўз халқларини қандай ардоқлаган бўлсалар, Бердаҳ, Кунхўжа, Ҳожониёз ҳам қорақалпоқлар учун худди шундай ардоқлидир. Ахир уларнинг ўз туғилган элу юртларини жону дил билан севганликлари, халқи бахт-саодати йўлида бутун умр бўйи кураш олиб борганликлари бизга қолдирган асарларидан кўриниб турибди:

Бўлинган эл қорақалпоқ бўлди,
Қирилса ҳам урпоқ бўлди,
Бердимурод Бердаҳ бўлди,
Дардин ҳеч ким билган эмас.

Шоирнинг дардига қулоқ соладиган, иззат-икромини ўрнига қўйиб, қабрини тартибга келтирадиган киши ҳали-ҳануз ўзини кўрсатмаяпти. Елғон бўлмасин, раҳбарлар Бердаҳдек улуғ шоиримиз қабрини темир панжара билан ўраб қўйди. Бироқ жумҳуриятимизда темир бўёқлари анқонинг уруғи бўлганлигидан ўша панжара ҳам бўялмасдан келинаяпти. Ҳатто ўтган Хотира кунида ҳам бу ердан ҳеч ким хабар олмади. Буниси ҳам ҳолва экан. Бердаҳнинг оёқ томонига кўмилган Кунхўжанинг қабри бутунлай йўқолиб кетиш арафасида. Мана шу ерга яқин қишлоқ аҳллари мазкур аҳволни билиб туриб, қабристонни сақлаш ҳаракатларини кўрмаяпти. Қабристоннинг аҳволи маъмурий бошлиқларни қизиқтираётгани ҳам йўқ. Биз бугунги кунда ўз ота-боболаримиз қадрига етмасак, ардоқлай олмасак, келажак авлодларимиз бизни кечирармикан, улар бизга қандай жавоб қайтаришар эканлар? Йўқ, бизнинг бу ишимизни келажак авлодлар кечирмайди, асло кечирмайди.

1985 йили Болтиқбўйи ўлкаларига сафарга бориб, у ерларда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ҳамюртларим қабрларини зиёрат қилган эдим. Ўша юртларда озодлик йўлида қурбон бўлган жангчилар орасида ҳамюртларим қабрини кўриб, қалбимда чексиз миннатдорчилик туйғуси аланга олди. Ахир улар азамат жангчиларимиз қабрларини шундай гулларга буркаб, озода қилиб қўйишган эдики, кўрганда беихтиёр меҳр ёшлари пайдо бўлди. Улар ўзлари билмаган жангчилар қабрини ёт тушса ялагудек тозалаб қўйганларида нима учун бизлар ўз ота-боболаримиз қабрларини бир йилда бир марта тартибга келтириб қўйишга ҳолимиз келмайди.

Агар Шокамон қабристонига олиб борадиган йигирма чақирим йўлга тош ётқизилса, вақти-вақти билан ўқувчи ёшларни экскурсияга олиб чиқиб, Бердаҳ, Кунхўжа, Ҳожониёз яшаб ўтган жойлар билан таништириб, уларнинг қабрлари зиёрат қилинса, уларнинг хотираси ва келажак авлод олдидаги бурчимизни қисман бажарган бўлар эдик. Менинг эса, Қорақум қабристонидаги қаровсиз ётган буюк шоирларимиз қабрини кўриб, дилим изтиробга тўлади. Бу аччиқ ҳодисани хаёлимдан қувиб чиқара олмаяпман. Лекин шу чоққача уларнинг қабрларига бефарқ қараб келаётган маҳаллий раҳбарларга ҳам инсоф кириб қолар, йўқса «юқори»нинг турткиси билан бўлса-да, шоирларимиз қадр-қимматлари тикланар, деган умиддаман.

Дарҳақиқат, шоир Бердаҳнинг ўзи ҳам келажакка умид нигоҳини қадаб, бир шеърида шундай деган эди:

Қадримни холиқ билар,
Холиқ билмаса, балиқ билар,
Мангу ўлмас сўзимни кўрар,
Ҳам қадрлар қўлига ушлаб.

Арзойим АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон Педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг катта илмий ходими

Нукус

ТЎЙДАГИ ТОМОШАЛАР

Халқимизнинг орзу-истаклари, қувончлари ўз мужассамини топган қадимий анъаналаридан бири тўй маросимидир. Шу нарса характерлики, у республикамизнинг ҳар тарафида турлича нишонланса ҳам, мазмун ва моҳияти билан халқимизнинг маънавий камолоти даражасини ифода этади. Тўйларда ота мерос анъаналарни қўллаш эса даврага файз, хуш кайфият бағишлайди. Шу жиҳати билан бундай маросимлар қандайдир ихчам халқ байрамларига ҳам ўхшаб кетади. Ҳақиқатан ҳам тўй у ёки бу жамоанинг тантанали байрамидир. Унда ёр-дўстларга, яқин-йироқдан келган меҳмонларга алоҳида иззат-икром кўрсатилади. «Тўйга борсанг, тўйиб бор», дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, тўйхонага қорин тўйдириш учун эмас, балки, дийдорлашиш, мезбоннинг қувончига шерик бўлиш, қолаверса, маънавий озиқланиш учун борилади.

Тўю томошаларимизда азалдан моҳияти чуқур, халқ донишмандлиги ўз ифодасини топган, сайқалланган, жозибали расм-русумларни қўллаш одат тусига кирган. Шуниси қувончлики, шарқ халқлари тўй маросимларида ўз истакларини, таассуротларини, ҳис-ҳаяжонларини бир оғиз бўлса-да, бадиий ифода этишга уста. Айрим жойларда кўпкари, кураш, аския каби тадбирларга мойиллик кучли бўлса, бошқа жойларда латиф сўзамоллик тўй-тамошаларимизга кўрк бағишлайди.

Халқ ижодиётида ёр-ёр, лапар, ўлан, «Келин салом», «Алик салом», «Хуш келибсиз», «Гул базми» каби айтишувлар, лирик қўшиқлар, «Ололмайсиз, ҳей-ҳей» каби ҳазил тортишувлар кенг тарқалганки, бу тўйларимизнинг бадиий ва маънавий даражасини, миллий хусусиятини белгилаб туради.

Лекин кейинги пайтларда тўйларда бу анъаналарга путур етиб, катта тарбиявий эстетик аҳамиятига эга бўлган, тантана иштирокчиларининг маънавий оламини бойитадиган, қувноқ кайфият бағишлайдиган бадиий қисмлар сусайиб кетмоқда. Уларнинг ўрнини ҳавойи қўшиқлар, қулоқни қоматга келтирувчи музика оҳанглари, мазмунсиз, бачкана айтишувлар эгалламоқда. Энг ачинарлиси, гўзал анъаналарнинг билиб-билмай, бузиб талқин этилишидир.

Маълумки, қадимдан йигит-қизлар ўз севги-муҳаббатларини, кимгадир мойилликларини ўзаро айтишувларда нозик лутфлар воситасида изҳор этганлар. Нозик қочирим, шодон руҳ, ўйноқи топқирлик — зукколик рамзидир. Айтишувлар республикамизнинг баъзи жойларида «Гул базми» деб аталади.

Яқинда Норин районида бўлиб ўтган бир тўйда «Гул базми» ижросига гувоҳ бўлдик. Дастлаб бу ҳақда эшитиб, ўзбек халқининг қадимий гул ўйин одатлари қайта жонланиб, оммавий тусга кира бошлаганидан хурсанд эдик. Аммо иштирок этганимиз — «Гул базми» умидларимизни чиппакка чиқаришгина қолмай, ҳатто дилимизни ҳам ранжитди.

Давра дастурхонининг бир тарафида йигитлар, бир томонида ял-ял товланишиб қизлар ўтиришибди. Давра соҳиби «Гул базми» ўйинини бошлашга даъват этгач, йигитлардан бири қўлида гулдаста билан ўртага чиқиб, уни қизлардан бирига тутди. Ўйин шарти бўйича ўша қиз бир муддат ўйинга тушгандан сўнг, микрофон қаршисига келиб икки қатор «ажойиб» шеър ўқиди. Кейин қўлидаги гулни йигитлардан бирига олиб бориб берди. Йигит ҳам юқоридаги қолатни такрорлади. Хуллас шу жараён йигит ва қизлар томонидан бир неча марта ижро этилди.

Албатта гул тақдим этиб, тавозе билан даврага таклиф этиш маданиятлилик белгиси, лекин ёшлар ўқиган «шеър»ларни эшитиб ўтирган андишали кишилар ори келиб бошларини кўтаролмадилар. Аслида давра тарк этилса ҳам бўларди. Аммо мезбоннинг ҳурмати учун чидашга тўғри келди.

«Гул базми» иштирокчиларининг «ижодидан» намуна келтирамиз:

Йигит: Гул бердингиз тўйхонада,
Сизни кутаман маккапояда.
Қиз: Гулингиз ўн тийинлик,
Ўзингиз бир тийинлик.

Қолганлари ҳам шу — бадиятдан йироқ, тумтароқ, бир-бирини камситувчи, поймапой, олди-қочди қабилидаги бачкана тизмалардан иборат. Бошқа жойларда ўтадиган «Никоҳ тўй»лари ҳам бундан қолишмайди. Ешларимизнинг жамоат орасида ўзларини тутабилмасликларига, бесуяк тилга бу тариқа зўр беришларига бош сабаб дидсизликларидир. Биз фольклор-этнографик кузатишларимиз даврида Карл Маркс номли колхозда истиқомат қилувчи Садихон ая деган онахон билан учрашиб, унинг «ёр-ёр» айтишуви тўғрисидаги фикрини билмоқчи бўлдик: — «Ёр-ёр», «Хуш келибсиз», «Келин салом», «Алик салом»лар тўй маъракаларида куйланганда ҳолат мазмунга мос тушадиган бўлиши керак, — деб сўз бошлади Садихон ая, — куёв навкарлари келинникига борганида келин томон қадимдан одат тусига кирган «Хуш келибсиз» қўшиғини айтишлари лозим. Келинни тушириб кетиш пайтида бўсағада мана бундай «ёр-ёр»лар айтилади:

Қизни олиб янгалари
Туратурсин, ёр-ёр.
Оқ сут берган оналари
Рози бўлсин, ёр-ёр.

Пок хаёл оғушида келинлик либосига ўранган келинчак тантанали никоҳ карвонининг куй садолари остида куёвнинг хонадонига ташриф бажо этганида, катта гулхан ёқилиб, унинг атрофига қиз-жувонлар, йигитлар тўпланишиб тароват билан шўх оҳангларда қуйидаги ёр-ёр айтилади:

Дока кўйлак енгига
Тут қоқайлик, ёр-ёр.
Келин келган кечаси
Ўт ёқайлик, ёр-ёр.

Келин билан куёв ёр-ёрнинг дилхуш оҳанглари остида гулхан атрофида уч маротаба айлантирилади. Қўшиқ яна авж пардаларга кўтарилади:

Тут ёғочга ип солиб,
Учган синглим, ёр-ёр.
Ҳовлингизга гул бўлиб,
Тушган синглим, ёр-ёр.

Келин билан куёвга тилак билдирилади:

Оқ ўтовлар қурилсин
Айвонингга, ёр-ёр.
Ўғил-қизинг ўйнасин
Тўрт ёнингда, ёр-ёр...

Шунингдек, куёв хонадонида келиннинг дугоналари «Келин салом», куёв томон эса, «Алик салом» қўшиқларини айтадилар. Бу келиннинг янги хонадонга кириб келиш холатини янада гўзалроқ, жозибалироқ бўлишини таъминлайди...

Аянинг фикрида жон бор. Ҳамма жойда ҳам ёр-ёрларнинг айтилиши услубига риоя қилинса, яхши бўларди. Фольклоршунос олим Малик Муродов қайд қилганидек, наманганлик онахонлар қадим-қадимлардан буён айтиб келаётган алла-ю ёр-ёрлар, лирик қўшиқлар, тўртликлар, ҳазил-мутойиба лапарларда ўзгача майинлик, шарқона нафосат, оҳанг яққол сезилиб туради.

«Тўйда сўз бер бахшига, харидор бўл яхшига», деганларидек, тўйларимизнинг мазмунли ўтиши ҳар жиҳатдан давра бошқарувчисига боғлиқ.

Никоҳ тўйларида сусайиб бораётган миллий анъаналарнинг хусусиятларини замонга мослаб жонлантириш, унинг тарбиявий-эстетик ҳолатини яхшилаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак. Маълумки, кейинги йилларда қишлоқ турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида колхоз правлениеси раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари лавозими жорий этилган. Аммо бу лавозимдаги масъул ўртоқлар тасарруфидаги колхоз ёки совхозларда тўйларни маданий ташкил этиш ҳақида ўйлаб ҳам кўришаётгани йўқ. Бизнингча, улар жойларда турмуш маданиятини юксалтириш жамоатчилик советини тузиб, уларга бош бўлишлари керак. Бу совет аъзолари тўйларни қандай ўтказиш, ундаги ахлоқ-одоб масалаларини ўрганиб чиқиб, муҳокама этишлари, миллий хусусиятларга бой тарбиявий аҳамияти кучли анъаналарни тантанавор турмушимизда қарор топишини таъминлашга эришишлари лозим.

Шунингдек, район маданий-маориф ишлар бўлими, район маданият уйи ходимлари, санъаткорлари томонидан омманинг руҳига мос, куй ва қўшиқлар туркумини танласалар мақсадга мувофиқ бўларди. Шу нарса маълумки, жойларда ҳаваскорлик тўгаракларини тузиш учун барча имкониятлар муҳайё. Колхозларда барча қулайликларга эга замонавий ҳашаматли клублар бор. Лекин ҳаваскорлик тўгаракларини тузиш кўпинча қоғозларда қолиб кетаётир, истеъдодли ёшларимиз истаса-истамаса тўйхоналар саҳнасидан ташқарига чиқа олмаяптилар. Уларнинг бошини бир жойга қовуштириб ансамбллар тузиш учун эса ҳеч ким бош қотираётгани йўқ.

Шунингдек, тўйларда халқ сўз санъатининг қизиқчилик, тақлидчилик турларидан хабардор кишилар томонидан ажойиб, турли-туман аския, латифалар айтилса-ю дилларни хушнуд этса. «Санъатнинг, — деб ёзади М. И. Калинин, — энг юксак тури, энг талантлиси, энг суюклиси, шубҳасиз халқ санъатидир». Шундай экан, тўйларда хизмат қиладиган санъаткорларимиз ижро этилаётган куй ва қўшиқларнинг, анъанавий айтишувларнинг миллий руҳини сақлаб қолишга, бутун қирралари билан намойиш этишга масъулдирлар. Чунки, халқ ижодиёти — халқ мулкидир, уни поймол этиш эса, анъаналаримизга ҳурматсизликдан ўзга нарса эмас.


Муҳаммад АҲМЕДОВ,
Сойибназар ДАВЛАТОВ

Наманган

РЕДАКЦИЯДАН

Ҳақиқатан ҳам халқимиз ўзининг бой анъаналарига эга. Уларни ардоқлаб ўрганиш, излаб топиш — ҳар биримизнинг бурчимиздир. Сизлардан халқ орасида севиб куйланиб келинган, айни пайтда унутилиб қолаёзган мавсум қўшиқлари, аллалар, меҳнат қўшиқлари, яллалар ҳақида ва уларнинг ижролари, айтишувлар маданияти борасида эшитган ва билган фикр-мулоҳазаларингизни редакциямизга ёзиб юборишларингизни сўраймиз. «Унутилган қўшиқлар» рубрикаси остида худди шундай унутилган анъаналаримизга қайта руҳ бағишловчи хат-хабарларни бериб борамиз.

Мактубларингизни кутамиз.



Омон МУХТОРОВ

УЙҒОНИШ

Ухлар эмиш
Кимдир беш соат.
Кимдир етти.
Кимдир тўққиз, ўн...
Ўзига хос ҳар кимда одат,
Мен қарайман бу нарсага жўн.

Гап ундамас...
Шамолдек, боғда
Дарахт кузда баъзан йиғлайди.
Кимдир шундай
мискин бир чоқда —
Хиёбонда юриб,
Ухлайди.

Кексаларнинг дийдасида нам,
Гоҳ гўдаклар бағрин тиғлайди.
Кўрсанг,
улар ёнида беғам
Айланганча,
Биров ухлайди.

Фалокатлар туғар замонлар,
Ўз-ўзига дунё сиғмайди.
Титраса ҳам еру осмонлар,
Йўл устида кимлар
Ухлайди.

Ўйлайверсанг,
Оғрийди юрак,
Ҳис этасан,
дунёда уйқу —
Фақат эмас отмоқлик хуррак,
Ғафлат юки,
Деганлари шу.

Биз ухлаймиз сезмасдан аксар,
Уйғонмоқни
Қилмасдан хаёл.
Ҳаётдаги
буюк шиддатлар —
Бизга худди келгандек малол.

Уйғоқликдан,
Менинг ҳам, дўстлар,
Умримда кўп
ухлаган пайтим.
Бўла бошлаб кунлар хокистар,
Мен бу йўлдан
Қандайдир қайтдим.

Мен уйғонмоқ истайман энди,
Қоришганда
Ўнг билан тушлар.
Ерни қўйиб,
Сизга талпиндим —
Осмонларга
интилган қушлар!..

* * *

Атрофга қор тушган бир оқшом.
Кўнгилга кўчгудек бу оқлик.
Бўлса-да фараҳли — тин, ором,
Қандай бахт дунёда уйғоқлик!

Қандай бахт борлиқни беозор —
Худди ёр бағрингга олмоқлик.
Ҳис этиб ўзингни худди қор,
Дунёда қор бўлиб қолмоқлик!..

* * *

Икки сатр қолди шоирдан —
Дунёдан у ўтганда, чала:
«Очилгандек қопқалар бирдан,
Кўз ўнгимда жонланди дала...»

У нималар ёзмоқчи эди
Навбатдаги сатрларида?
Чўмилганча — кезмоқчимиди,
Она ернинг атирларида?

Болалигин эслаб, мабодо
Далани у қучмоқчимиди?
Е аксинча, кенг бир ҳавода
Қушлар каби учмоқчимиди?!

Не бўлмасин, кўплаб шоирлар
Эттирай деб бу шеърни давом —
Айландилар ўтлоқлар, қирлар,
Изладилар минг турли калом.

Аммо ҳеч ким қалбдаги сирдан
Воқиф бўлмай, шеър қолди чала:
«Очилгандек қопқалар бирдан,
Кўз ўнгимда жонланди дала...»



Саргузашт

Мен Мажнун, деб содда бир
йигит,
Ўз умрида излаб саргузашт —
Шаҳар қолиб, ихтиёр этди
Икки-уч кун кезмоқликни дашт.

Нималар бор, умуман, даштда?
Бу — уй эмас девор-дармиён!
Бўри учрар, дерлар, одатда,
Балки тулки, оҳу, шер, қуён!

Бирин отиб, биридан қочиш
Керак бўлар чиққанда даштга.
Кейин... зарур хуржинни очиш —
Очиққанда, қолганда ташна.

Демак, қурол! Демак, нону сув!
Бирга олди йигит барини.
Шундай қилиб, унутмади у —
Бутун сафар жабдуқларини!

Йўл юрганда мўл юриб, ана,
Йигит кўрди охири даштни:
Чумолилар вазмин суринар
Қум устида. Суриниш гаштли.

Аммо ҳозир гап унда эмас!
Кириб келиб йигит, кўнгли тўқ —
Қарасаки, атроф хору хас,
Қумурсқадан бўлак кимса йўқ.

Ҳа, дарвоқе, шаҳардан кўпроқ
Одамлар бор; шу — қуёнми, шер?
Одат экан уларни демоқ —
Гоҳо овчи, гоҳ браконьер!

Йигит бўлиб ҳафсаласи пир,
Қочиб қолди. Қолаверди дашт.
Энди Мажнун бўлмоқлик оғир.
Мана, буни дерлар саргузашт...



КЎНДАЛАНГ САВОЛЛАР

Уруғларин таний оладими,
Дўстларини таний оладими,
Дилбарини таний оладими —
Ўз-ўзини танимаган одам?!

Турган шаҳрин таний оладими,
Кўчасини таний оладими,
Уй-жойини таний оладими —
Ўз-ўзини танимаган одам?!

Одамларни таний оладими,
Ватанини таний оладими,
Таний оладими ўз халқини —
Ўз-ўзини танимаган одам?!



Тасвир

Мени
Яна судраб кетар қишлоққа
хаёл,
Болаликда бўлгандек:
Бугун —
Остонада ўтирибди
кекса бир аёл,
Тиззасида қўллари тугун.

У — бир дарахт.
Ердан кўчган
илдизлар худди
Ғадир-будир унинг қўллари.
Ҳорғин юзи,
кўзларида осмон сукути,
Дарахтдаги армон гуллари.

У сўзламас...
Юрагида
бутун каломи:
Оқиб ўтган
шарқироқ сувлар.
Еру кўкдан умидланиб,
йиллар давоми —
Кўкдан ерга
тушган оғулар.

Жанг-жадалда
Шаҳид бўлган
фарзандлар доғи.
Юзлашай, деб оппоқ саҳарга —
Тикланган дам,
Ёқмагандек
туққан тупроғи —
Фарзандларки,
Кетган шаҳарга.

Қишлоқларда
Аёллардан
яралган гулхан,
Бир умрлик
пахта дардлари.
Гўё булар етмагандек,
Ҳар куни йўлдан
Чиқиб турган
ҳаёт гардлари...

Остонада
Ҳамон ўша
кекса бир аёл,
Тиззасида қўллари тугун.
Уни ўйлаб,
зирқирайди қандайдир
хаёл —
Болаликда бўлгандек,
Бугун...

Мен билмадим...

(Романс)

Сўзламасдан менга нелар сўзладинг, моҳим,
Кўз ўнгимда шағирлади шошиб дарёлар.
Юлдуз бўлиб кўкка кўчди гўё нигоҳим,
Юрагимда қумга тўлган буюк саҳролар.

Мен билмадим, мен билмадим, билмадим, моҳим,
Қандай мумкин, сўзламасдан, минг хил садолар.
Англат менга, суянганим, дардим, паноҳим,
Мендан агар ўтган бўлса недир хатолар.

Мен билмадим, мен билмадим, билмадим, моҳим,
Қайда қолди сен таратган рангин зиёлар.
Кўкка бундай ўрлар бўлса аёлнинг оҳи,
Ўт олмасми дунёда бор гўзал дунёлар?!

Мен билмадим, мен билмадим, билмадим, моҳим...

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

ҚУШ ҚАНОТИ БИЛАН

Наманганликлар Қарши чўлига отланган кезлар эди. Кечқурун совхоз идорасига юмуш билан кирган Абулқосим «Зангори экран»да шу жараённи кўриб қолди. Наманган темир йўл вокзали. Бу ерда одамлар ҳар қачонгидан гавжум. Чўлга кетаётганларни қариндошлари, маҳаллий партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари кузатишмоқда. Кўпчилигининг қўлида ялтироқ қоғозларга ўралган кўчатлар. Мухбир уларнинг олдига навбат билан келиб сўрарди:

— Қарши чўлига боришдан мақсадингиз нима?

— Чўлни обод қилишдек хайрли ишга бош қўшиш. У ерда фақат пахта эмас, Наманган олмасидан боғ-роғлар ҳам яратмоқчимиз. Шу ниятда ўзимиз билан бирга кўчатлар ҳам олиб кетаяпмиз.

Наманганликларнинг бу ватанпарварлик ҳаракати Абулқосимни орттирдим. Бунинг устига техниканинг ҳам тилини тушунаман. Мабодо, Қарши чўлига борсак ҳам бу жиҳатлардан қийналмайман. Бунинг устига акам Ҳакимнинг деҳқончиликда кўзи пишган. Механизацияга кўнгил қўйган укаларим, жиянларим бор. Лекин пенсия ёшига етиб қолган ота-онам Қарши чўлига кўчишга рози бўлишармикан?.. Эҳтимол, чўлга аввал енгилроқ кўчиб, акам ёки укам билан борармиз. Ҳар ҳолда бу ҳақда уйдагилар билан обдон маслаҳатлашишимиз лозим...»

У уйга келгач, ота-онасига шу хусусда дабдурустдан гап очмади. Пайт пойлади. Укаси Бозор билан гапни бир жойга қўйди. Ҳамма даладан қайтгач, дастурхон атрофига тўпланишди.

— Ака, Намангандан кўп кишилар Қарши чўлини ўзлаштиришга кетишаётган экан. Боя телевизорда кўрсатишди. Тағин денг, ҳаммаларининг қўлларида бир тупдан кўчат, — дея Бозор чой устида акаси Абулқосимга юзланди.

— Ҳа, шундай. Идорада эдим, телевизорда кўрдик. Хайрли ҳаракат бошлашипти азаматлар.

Абулқосим шундай дея укасининг фикрини тўлдирган бўлдию, бу гапга отасининг муносабатини билгиси келиб, кўз қири билан падари бузрукворига қараб қўйди.

Орага бир зум сукунат чўкди.

— Қарши чўллари биз экин-тикин қилаётган Бешқўтон ерларидек шўр бўлмаса керак, роса етилган бўз ерлар дейишади. — Абулқосим атайин гап мавзуини давом эттирди.

— Ҳа, шундай. Гапингизга қараганда, ўғлим, ўша чўлга сизнинг ҳам юрагингиз ураяпти шекилли,— деди Қулмат ака ўғли Абулқосимга зимдан тикилиб.

— Ростини айтсам, Қарши чўлига боргим келаяпти. Ахир, Қашқадарё — ўзимизнинг туғилиб ўсган юртимиз... Деққонободликмиз. Бу ёғи сизларнинг розичиликларингизга боғлиқ, — деди Абулқосим ота-онасига бирма-бир қараб.

Чўлга бориш-бормаслик хусусида оила аъзолари бирмунча вақт фикр-мулоҳаза юритишди. Улар: «Аввал, у ерга бир-икки киши бўлиб бориб, Қарши чўлидаги шарт-шароитларни билиб келсин, кейин яна маслаҳатлашиб кўрамиз», деган фикрга келишди.

Саксон бешинчи йилнинг бошлари эди. Абулқосим Қулназаров жияни Нурали Назаров билан Нишон районига шароит билан танишиш учун келишди. Улар тўғри ўша пайтда «Ленинобод» номли 32-совхозга раҳбарлик қилаётган, асли сурхондарёлик Ҳусан Тўрақулов ҳузурига боришди. У билан обдон гаплашдилар. Директор уларга хўжаликнинг имкониятларини гапириб берди, ер-сув шароитлари билан таништирди.

— Мана айланиб кўрдингизлар, — дея салмоқлаб гап бошлади директор. — Сув масаласи яхши. Ульянов номидаги канал сувга тўлиб совхознинг ёнидан оқиб турибди. Сизлар учун уч-тўрт уй ҳам тайёр. Кўчиб келсаларингиз, биргалашиб ишласак. Боримиз ҳам, йўғимиз ҳам сизлар билан.

— Менга қолса, дарров келсак дейман. Лекин ота-онанинг розилигига ҳам қарайлик-да, — деди Абулқосим директор билан хайрлашар экан.

У йўлда келатуриб жиянига бир сирни айтиб қолди: «Сирасини гапирсам, Ҳусан ака кузда районимизга келганда Қарши чўлига, бизнинг совхозга бормайсизларми? Сув ва ер шароити яхши. Фақат одам кучи етишмаяпти», деб менинг қўйнимга қўл солган эди. Ушанда мен: «Уйлашиб кўрамиз», деб у кишини умидвор қилиб қўйгандим. Тортинмай у кишининг олдига боришимизнинг боиси ҳам шунда... Энди уйдагиларни кўндириш ҳаракатида бўлайлик. Сен ҳам менинг гапимни қувватлайсан-да.

Тоға-жиян қатъий ният билан уйга келишди. Бу оқшом яна оилада маслаҳат бошланди:

— Чўлга боришларингга мен рози, — деди фарзандининг раъйини қайтармай Қулмат ака. — Эҳтимол, тоға-жиян олдинроқ кўчиб ўтарсизлар. Кейинроқ эса бизлар ҳам борармиз. Тағин, онангдан ҳам сўра. Бир юртдан иккинчи юртга кўчганда оғирлик биздан ҳам кўра хотинларга кўпроқ тушади. Кўрпа-тўшакни йиғиштириш, идиш-товоқни жойлаш ташвишлари бор-да.

— Йўқ, бўлинмаймиз. Борсак, ҳаммамиз кўчимиз билан бирваракайига борамиз, — дея гапга жиддий аралашди Хадича опа. — Ярмимиз у ёқда, ярмимиз бу ёқда, овора бўлиб юрамизми! Чўлнинг иссиғини ҳам, совуғини ҳам баравар тортамиз... Қуш қаноти билан дейдилар, ахир. Абулқосимларни ёлғизлатиб қўймаймиз...

Онанинг гапи ҳаммага маъқул тушди. Ўша йилнинг эрта баҳорида Қулназаровлар оиласи Гагарин районидаги «Комсомолобод» совхозидан Қашқадарё областининг Нишон районидаги «Ленинобод» совхозига кўчиб келдилар. Уларни хўжалик марказидаги тайёр уйларга тартибли жойлаштириш, ер ажратиб бериш, оилаларига томорқа тақсимлаш ишлари билан бевосита совхоз директори Ҳусан Тўрақулов ва хўжаликнинг бошқа фаоллари шуғулландилар. Чунки отабола, тоға-жиян Қулназаровлар хўжалик учун катта куч эди. Қулмат ака ҳам ўйлатиб қўйди. У уйгача йўл-йўлакай шу хусусда мулоҳаза юритиб келди: «Улар узоқ юртдан Қарши чўлига келишаяпти. Ахир, биз ҳам ака-ука, тоға-жиян дегандай анчагина кишимиз. Туғилган жойимиз асли Қашқадарёнинг Деҳқонобод райони бўлса. Нега энди ўзимизнинг областга, аниқроғи, Қарши чўлига кўчиб бормас эканмиз. Ҳозирги яшаётган жойимиз — Гагарин районидаги Бешқўтон чўлига ҳам ота юртимиздан кўчиб келганимизга йигирма йилдан ошиб қолди. Ўшанда мен етти яшар гўдак эдим. Ҳали-ҳали эсимда. Ота-онам ёш болалари билан Бешқўтон чўлида ҳазилакам қийинчиликларни кўрганлари йўқ. Дастлаб тақир, ер юзини оппоқ шўр босган чўлда ертўла кавлаб, унда яшашди. Борабора одамлар ҳам, янги совхоз ҳам ўз қаддини тиклади. Асфальт йўллар ётқизилди, уйлар қурилди. Шу уйлардан бири бизнинг оиламизга ҳам берилди. Отам бир неча йил пахтачилик бригадири, кейин эса совхознинг 5-бўлими бухгалтери бўлиб ишлади. Онам ҳам отам билан тенгма-тенг пахта даласида тер тўкди. Улар топган-тутганларини бизларнинг оғзимизга тутдилар. Шу тариқа ўсавердик. Мен аввал райондаги қишлоқ хўжалик техникумида ўқидим. Шундан сўнг пахтачилик бригадасида механизаторлик қилдим. Саксонинчи йилнинг кузида Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг сиртқи бўлимига ўқишга кирдим. Мана, институтни тамомлаганимга ҳам икки йилча бўлиб қолди. Ҳозир пахтачилик бўйича бўлим агрономиман. Пахтачилик бўйича анча-мунча тажриба орттирганман. Ҳозир ҳам ўйлатиб қўйди. У уйгача йўл-йўлакай шу хусусда мулоҳаза юритиб келди: «Улар узоқ юртдан Қарши чўлига келишаяпти. Ахир, биз ҳам ака-ука, тоға-жиян дегандай анчагина кишимиз. Туғилган жойимиз асли Қашқадарёнинг Деҳқонобод райони бўлса. Нега энди ўзимизнинг областга, аниқроғи, Қарши чўлига кўчиб бормас эканмиз. Ҳозирги яшаётган жойимиз — Гагарин районидаги Бешқўтон чўлига ҳам ота юртимиздан кўчиб келганимизга йигирма йилдан ошиб қолди. Ўшанда мен етти яшар гўдак эдим. Ҳали-ҳали эсимда. Ота-онам ёш болалари билан Бешқўтон чўлида ҳазилакам қийинчиликларни кўрганлари йўқ. Дастлаб тақир, ер юзини оппоқ шўр босган чўлда ертўла кавлаб, унда яшашди. Борабора одамлар ҳам, янги совхоз ҳам ўз қаддини тиклади. Асфальт йўллар ётқизилди, уйлар қурилди. Шу уйлардан бири бизнинг оиламизга ҳам берилди. Отам бир неча йил пахтачилик бригадири, кейин эса совхознинг 5-бўлими бухгалтери бўлиб ишлади. Онам ҳам отам билан тенгма-тенг пахта даласида тер тўкди. Улар топган-тутганларини бизларнинг оғзимизга тутдилар. Шу тариқа ўсавердик. Мен аввал райондаги қишлоқ хўжалик техникумида ўқидим. Шундан сўнг пахтачилик бригадасида механизаторлик қилдим. Саксонинчи йилнинг кузида Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг сиртқи бўлимига ўқишга кирдим. Мана, институтни тамомлаганимга ҳам икки йилча бўлиб қолди. Ҳозир пахтачилик бўйича бўлим агрономиман. Пахтачилик бўйича анча-мунча тажриба орттирганман. Бунинг устига техниканинг ҳам тилини тушунаман. Мабодо, Қарши чўлига борсак ҳам бу жиҳатлардан қийналмайман. Бунинг устига акам Ҳакимнинг деҳқончиликда кўзи пишган. Механизацияга кўнгил қўйган укаларим, жиянларим бор. Лекин пенсия ёшига етиб қолган ота-онам Қарши чўлига кўчишга рози бўлишармикан?.. Эҳтимол, чўлга аввал енгилроқ кўчиб, акам ёки укам билан борармиз. Ҳар ҳолда бу ҳақда уйдагилар билан обдон маслаҳатлашишимиз лозим...»

У уйга келгач, ота-онасига шу хусусда дабдурустдан гап очмади. Пайт пойлади. Укаси Бозор билан гапни бир жойга қўйди. Ҳамма даладан қайтгач, дастурхон атрофига тўпланишди.

— Ака, Намангандан кўп кишилар Қарши чўлини ўзлаштиришга кетишаётган экан. Боя телевизорда кўрсатишди. Тағин денг, ҳаммаларининг қўлларида бир тупдан кўчат, — дея Бозор чой устида акаси Абулқосимга юзланди.

— Ҳа, шундай. Идорада эдим, телевизорда кўрдик. Хайрли ҳаракат бошлашипти азаматлар.

Абулқосим шундай дея укасининг фикрини тўлдирган бўлдию, бу гапга отасининг муносабатини билгиси келиб, кўз қири билан падари бузрукворига қараб қўйди.

Орага бир зум сукунат чўкди.

— Қарши чўллари биз экин-тикин қилаётган Бешқўтон ерларидек шўр бўлмаса керак, роса етилган бўз ерлар дейишади. — Абулқосим атайин гап мавзуини давом эттирди.

— Ҳа, шундай. Гапингизга қараганда, ўғлим, ўша чўлга сизнинг ҳам юрагингиз ураяпти шекилли,— деди Қулмат ака ўғли Абулқосимга зимдан тикилиб.

— Ростини айтсам, Қарши чўлига боргим келаяпти. Ахир, Қашқадарё — ўзимизнинг туғилиб ўсган юртимиз... Деққонободликмиз. Бу ёғи сизларнинг розичиликларингизга боғлиқ, — деди Абулқосим ота-онасига бирма-бир қараб.

Чўлга бориш-бормаслик хусусида оила аъзолари бирмунча вақт фикр-мулоҳаза юритишди. Улар: «Аввал, у ерга бир-икки киши бўлиб бориб, Қарши чўлидаги шарт-шароитларни билиб келсин, кейин яна маслаҳатлашиб кўрамиз», деган фикрга келишди.

Саксон бешинчи йилнинг бошлари эди. Абулқосим Қулназаров жияни Нурали Назаров билан Нишон районига шароит билан танишиш учун келишди. Улар тўғри ўша пайтда «Ленинобод» номли 32-совхозга раҳбарлик қилаётган, асли сурхондарёлик Ҳусан Тўрақулов ҳузурига боришди. У билан обдон гаплашдилар. Директор уларга хўжаликнинг имкониятларини гапириб берди, ер-сув шароитлари билан таништирди.

— Мана айланиб кўрдингизлар, — дея салмоқлаб гап бошлади директор. — Сув масаласи яхши. Ульянов номидаги канал сувга тўлиб совхознинг ёнидан оқиб турибди. Сизлар учун уч-тўрт уй ҳам тайёр. Кўчиб келсаларингиз, биргалашиб ишласак. Боримиз ҳам, йўғимиз ҳам сизлар билан.

— Менга қолса, дарров келсак дейман. Лекин ота-онанинг розилигига ҳам қарайлик-да, — деди Абулқосим директор билан хайрлашар экан.

У йўлда келатуриб жиянига бир сирни айтиб қолди: «Сирасини гапирсам, Ҳусан ака кузда районимизга келганда Қарши чўлига, бизнинг совхозга бормайсизларми? Сув ва ер шароити яхши. Фақат одам кучи етишмаяпти», деб менинг қўйнимга қўл солган эди. Ушанда мен: «Уйлашиб кўрамиз», деб у кишини умидвор қилиб қўйгандим. Тортинмай у кишининг олдига боришимизнинг боиси ҳам шунда... Энди уйдагиларни кўндириш ҳаракатида бўлайлик. Сен ҳам менинг гапимни қувватлайсан-да.


Тоға-жиян қатъий ният билан уйга келишди. Бу оқшом яна оилада маслаҳат бошланди:

— Чўлга боришларингга мен рози, — деди фарзандининг раъйини қайтармай Қулмат ака. — Эҳтимол, тоға-жиян олдинроқ кўчиб ўтарсизлар. Кейинроқ эса бизлар ҳам борармиз. Тағин, онангдан ҳам сўра. Бир юртдан иккинчи юртга кўчганда оғирлик биздан ҳам кўра хотинларга кўпроқ тушади. Кўрпа-тўшакни йиғиштириш, идиш-товоқни жойлаш ташвишлари бор-да.

— Йўқ, бўлинмаймиз. Борсак, ҳаммамиз кўчимиз билан бирваракайига борамиз, — дея гапга жиддий аралашди Хадича опа. — Ярмимиз у ёқда, ярмимиз бу ёқда, овора бўлиб юрамизми! Чўлнинг иссиғини ҳам, совуғини ҳам баравар тортамиз... Қуш қаноти билан дейдилар, ахир. Абулқосимларни ёлғизлатиб қўймаймиз...

Онанинг гапи ҳаммага маъқул тушди. Ўша йилнинг эрта баҳорида Қулназаровлар оиласи Гагарин районидаги «Комсомолобод» совхозидан Қашқадарё областининг Нишон районидаги «Ленинобод» совхозига кўчиб келдилар. Уларни хўжалик марказидаги тайёр уйларга тартибли жойлаштириш, ер ажратиб бериш, оилаларига томорқа тақсимлаш ишлари билан бевосита совхоз директори Ҳусан Тўрақулов ва хўжаликнинг бошқа фаоллари шуғулландилар. Чунки отабола, тоға-жиян Қулназаровлар хўжалик учун катта куч эди. Қулмат ака Қулназаровларнинг хонадонларидан ташкил топган бўлимга пахта экиш учун дастлаб 200 гектар ер ажратиб берилди. Касби агроном бўлган Абулқосим бўлим бошлиғи, укаси Бозор механизатор, акаси Ҳаким ва жияни Нурали бригада бошлиқлари этиб тайинландилар. Улар вояга етиб қолган укалари ва сингилларини ҳам пахтачиликка жалб этдилар. Ҳаммалари бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилишди. Совхоз маъмурияти, айниқса, бу ерга илгари кўчиб келганларнинг олдида уялиб қолмаслик учун астойдил тер тўкишди. Кузга келиб, ғалвир сувдан кўтарилганда ҳосил чўғи ёмон бўлмади: ҳар гектар ердан 18 центнердан пахта олинди.

Абулқосим Қулназаров ишчанлиги, ташкилотчилиги билан совхоз жамоатчилиги ўртасида тез кўзга ташланди. Шу боисдан бўлса ке-



ракнинг тўққиз нафар фарзандининг ҳам қўли меҳнатга келиб қолган эди. Айниқса, уларнинг орасида эгат оралаб кўзи пишган механизатор йигитлар бор эди-да...

Қулназаровларнинг хонадонларидан ташкил топган бўлимга пахта экиш учун дастлаб 200 гектар ер ажратиб берилди. Касби агроном бўлган Абулқосим бўлим бошлиғи, укаси Бозор механизатор, акаси Ҳаким ва жияни Нурали бригада бошлиқлари этиб тайинландилар. Улар вояга етиб қолган укалари ва сингилларини ҳам пахтачиликка жалб этдилар. Ҳаммалари бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилишди. Совхоз маъмурияти, айниқса, бу ерга илгари кўчиб келганларнинг олдида уялиб қолмаслик учун астойдил тер тўкишди. Кузга келиб, ғалвир сувдан кўтарилганда ҳосил чўғи ёмон бўлмади: ҳар гектар ердан 18 центнердан пахта олинди.

Абулқосим Қулназаров ишчанлиги, ташкилотчилиги билан совхоз жамоатчилиги ўртасида тез кўзга ташланди. Шу боисдан бўлса келакан шу хусусда мулоҳаза юритиб келди: «Улар узоқ юртдан Қарши чўлига келишаяпти. Ахир, биз ҳам ака-ука, тоға-жиян дегандай анчагина кишимиз. Туғилган жойимиз асли Қашқадарёнинг Деҳқонобод райони бўлса. Нега энди ўзимизнинг областга, аниқроғи, Қарши чўлига кўчиб бормас эканмиз. Ҳозирги яшаётган жойимиз — Гагарин районидаги Бешқўтон чўлига ҳам ота юртимиздан кўчиб келганимизга йигирма йилдан ошиб қолди. Ўшанда мен етти яшар гўдак эдим. Ҳали-ҳали эсимда. Ота-онам ёш болалари билан Бешқўтон чўлида ҳазилакам қийинчиликларни кўрганлари йўқ. Дастлаб тақир, ер юзини оппоқ шўр босган чўлда ертўла кавлаб, унда яшашди. Борабора одамлар ҳам, янги совхоз ҳам ўз қаддини тиклади. Асфальт йўллар ётқизилди, уйлар қурилди. Шу уйлардан бири бизнинг оиламизга ҳам берилди. Отам бир неча йил пахтачилик бригадири, кейин эса совхознинг 5-бўлими бухгалтери бўлиб ишлади. Онам ҳам отам билан тенгма-тенг пахта даласида тер тўкди. Улар топган-тутганларини бизларнинг оғзимизга тутдилар. Шу тариқа ўсавердик. Мен аввал райондаги қишлоқ хўжалик техникумида ўқидим. Шундан сўнг пахтачилик бригадасида механизаторлик қилдим. Саксонинчи йилнинг кузида Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг сиртқи бўлимига ўқишга кирдим. Мана, институтни тамомлаганимга ҳам икки йилча бўлиб қолди. Ҳозир пахтачилик бўйича бўлим агрономиман. Пахтачилик бўйича анча-мунча тажриба

лардан келган баъзи бировлар эса: «Аҳмоқ бўлмасак, шу чўлга келармидик...» деб ўз кўчларини орқалаб қолдилар.

Совхозда, унинг атрофидаги хўжаликларда яшаётганлар оғзида: «Ленинобод»ни обод қилган деҳқонободликлар-да. Улар кўчиб келишиб совхозни совхоз қилишди», деган нақлга ўхшаш гап пайдо бўлган.

У ердаги халқнинг Қулназаровларнинг баракали, айни вақтда матонатли меҳнатларини эътироф этишлари бежиз эмас. Ака-ука, тоға-жиян ҳамкорликда ишлашиб, айни вақтда бошқа жойлардан кўчиб келганларга ҳам ишбошилик қилиб, хўжаликка қут-барака киритмоқдалар. Улар фақат пахтачиликни йўлга қўйишдан ташқари, совхоз марказини обод қилишга, чўлда боғ-роғлар бунёд этишга ҳам эътибор бермоқдалар. Кўп узоққа бормай, совхознинг кейинги бир йиллик фаолиятига эътибор беринг. Хўжаликда 2800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 18 центнердан ҳосил кўтарилди. Умумий даромад 4 миллион сўмни, соф даромад эса 700 минг сўмни ташкил этди. Терим мавсумида муттасил ишлаган 49 та терим машинасида ялпи ҳосилнинг 80 фоизи йиғиштириб олинди. Нурали Назаров, Нормин Холиқов, Панжи Муродов сингари оилавий пудратчи звеноларда ҳосилдорлик гектар ҳисобига 30 центнергача кўтарилди. Совхоз ишчилари йил якунида асосий иш ҳақининг ҳар сўми ҳисобига бир сўмдан устама ҳақ олдилар. Илғор оилавий коллективларда ойлик иш ҳақи 300—360 сўмни ташкил этди. Бозор Қулназаров, Расул Хўжаев, Раим Абдуллаев, Тожи Жумаев каби малакали механизаторларнинг иш ҳақлари эса бундан ҳам юқори бўлди. Хўжаликда ўтган йили янгидан бир гектар ерга кўчатлар ўтқазилиб, жами боғ майдони 60 гектарга етказилди. Шундан ўн беш гектар боғ мана икки-уч йилдирки, ҳосил бермоқда. Совхозда тураржой, боғча, мактаб ва маиший эҳтиёжлар бўйича хизмат кўрсатадиган муассасаларнинг иши ҳам нисбатан дуруст йўлга қўйилган. Фурқат номли ўрта мактабда ота-оналарнинг саккиз юз нафардан ортиқ фарзандлари таълим олмоқда, кичкинтойлар эса марказий болалар боғчасида тарбияланмоқдалар. Хўжалик марказидаги шинамгина стадионда бу йил илк бор наврўз байрами халқ сайили сифатида кенг нишонланди.

Айтмоқчи, ёш раҳбар Абулқосим Қулназаров фаолиятида ҳам яна яхши томонга ўзгариш юз берди. Ёш йигит мана икки йилдирки, совхозга директорлик қилмоқда. Абулқосим суҳбат давомида атиги беш юз хонадонга эга бўлган, аҳолиси жиҳатидан ихчам хўжаликнинг ўзига хос истиқболлари ҳақида гапириб берди.

— Ҳозир саксонга яқин хонадон нобоп баракларда яшамоқда, — деди у кун тартибидаги муаммоларга тўхталиб. — Шунинг учун биринчи навбатда, шу оилалар учун уй қурилишини тезлаштирмоқдамиз. Акс ҳолда бу одамларни қўлдан чиқариб қўйишимиз мумкин. Ахир, уй-жой шароити йўқлигидан чўлга эзгу ният билан келган наманганликлар ва бошқа жойлардан келганларнинг кўпчилиги юкларини орқалаб қайтиб кетдилар-да. Ҳадеб яшаш шароитидан қийналаверсалар, ўз жойларига қайтиб кетиб қолишлари мумкин-да улар. Яна тўрт юз ўринли мактаб биноси қурилишини режалаштирганмиз. Ободончилик бўйича қилинадиган муҳим ишларимиздан бири — тўқсонинчи йилдан бошлаб совхоз марказини газлаштиришдир. Бу иш бош лойиҳага киритилган, албатта амалга оширилади. Хўжалик территориясида қишлоқ Совети ташкил этиш, ҳеч бўлмаганда, дастлаб ўн беш ўринли касалхона қуриш талаб этилади. Бу масалаларга тегишли район ва область ташкилотлари эътибор беришлари лозим.

Энди ўттиз икки ёшга борган ёш директор кўп билан кенгашиб иш юритмоқда. У совхозга Шаҳрисабз, Қамаши районларидан, Андижон областидан, Тожикистоннинг Регар районларидан кўчиб келиб, совхозда ишлаётган кишиларни ҳам катта бир оилага уюштириб, улар ҳақида ҳам жонкуярлик билан ғамхўрлик қилмоқда. Баъзи оилаларнинг шахсий тартибда уй қурилишлари учун ҳам шароит яратиш ҳаракатида.

Шу ўринда хўжалик эришаётган салмоқли ютуқларда қамашилик Тошмурод Раҳимов, Расул Хўжанов, Шодиёр Ҳазратов, шаҳрисабзлик Хайрулла Бердиев, регарлик Раим Абдуллаев сингари иродали, сергайрат деҳқонларнинг ҳам муносиб улушлари борлигини мамнуният билан эътироф этамиз. Ахир, ёзда тез-тез бўладиган қумли тўфонга, эллик-эллик бешдаражали жазирама иссиққа бардош бериб, ҳосил ундириш осонми!

Биз Тошкентга қайтгач, орадан ҳеч вақт ўтар-ўтмас юз берган обҳаво фалокати ленинободлик пахтакорлар учун ҳам катта ташвиш туғдирди. Энди униб чиққан ғўзаларнинг катта қисмини совуқ уриб кетди, ҳали униб улгурмаган чигитлар эса музлаб, чириб қолди. Хўжаликда қарийб уч минг гектар майдоннинг кўп қисмига чигитни қайта экишга тўғри келди. Бунинг учун аввал уруғ ахтарилди. Махсус юк машиналари ишончли кишилар билан чигит келтириш учун Қорақалпоғистоннинг Кегайли районига, Сурхондарёга ўхшаш узоқ жойларга жўнатилди. Каттакатта экин пайкаллари бузиб текисланди. Хуллас, май ойи давомида совхоз деҳқонлари тунни ҳам далада — иш бошида ўтказдилар.

Биз яқинда телефон орқали совхоз директори билан боғландик. Ундан аҳволни суриштирдик.

— Ҳар қалай, аҳволни бирмунча ўнглаб олдик. Кечки ғўзаларимиз анчагина майдонни ташкил этади. Шунинг учун бутун эътиборимиз ғўза парваришига қаратилган. Ўсимликларни бир текис етилтириш ҳаракатидамиз. Куз яхши келса, ҳосил мўлжалимизга боради, — деди Абулқосим Қулназаров.

Ҳа, деҳқон ишининг бароридан келиши кўп жиҳатдан табиат тарзига ҳам боғлиқ. Абулқосим Қулназаров баъзи бир хўжаликларнинг довдир раҳбарларига ўхшаб: «Ҳар қандай шароитда ҳамма ишни дўндирамиз...» деб лоф урадиганлардан эмас. У гарчи ёш бўлса ҳам етти ўлчаб бир кесадиган мулоҳазали раҳбарлардан.

Шомурод СИДДИҚОВ



Очилиб, сочилиб, жонон ўйнасин. **Н. Шарипов фотоси**



Айдер ОСМАН,
крим татар ёзувчиси

ҲИЖРОН

ҚИССА

Ҳулкар ўз муҳаббатидан бахтиёр эди. Шу даражада бахтиёр эдики, бахт тўлқинлари орасида унга атрофдаги одамлар бечораҳол бўлиб туюларди. Чунки у бечоралар бундай бахтдан, инсоннинг бутун вужудини қамраб олган, унинг кечмишини, бугунини ва келажагини ягона бир туйғуга жамлаш кучига эга бўлган мана бунақа бахтдан маҳрумлар-да. Ҳулкарнинг бахтиёрлигини унинг ўзидан бўлак ҳеч ким билмайди ва буни ҳеч кимга тушунтириб беролмайди. Тушунтириб беришни истамайди ҳам. Барибир ҳеч ким тушунмайди. Мабодо бундан бир қанча ойлар аввал унинг ўзига ҳам шу ҳақда гапирсалар, у ҳам тушунмас эди. Энди эса, ҳар бир нарса унга ўзгача туюлади...

Ҳулкарнинг қалбида жуда олижаноб орзулар бор. У одамларни фақат эзгу ҳислар билан ўйлайди. Қўлидан келса, ҳар бир кишига яхшилик ҳадя этар эди. Бундай бахтдан маҳрум бўлганлари учун бошқаларга раҳми келади. Ҳулкар ҳатто бу борада эри Музаффарга ҳам раҳми келади. Музаффар уни бахтиёр этгани ҳолда ўзи унингдек бахтли бўлолмади. Ўзи шу мўъжизавий бахт ҳалқасининг ташқарисида қолди. Назарида, Музаффар унга бахт бағишлаш учун ўзини қурбон этгандек, борлиғини сонсиз азобларга маҳкум этгандек туюлади. Лекин бу нарса Ҳулкарнинг бахтини камайтира олмайди. Унинг ишончи комилки, Музаффари ҳам эртадир-кечдир бу бахт ҳалқасининг ичкарисига кириб келади, унинг ёнига абадий қайтади. Музаффарнинг ҳозирги изтироблари — вақтинчалик гап. Бу кунлар ўтиб кетади ва улар рангли нурлардан ясалган бахт ҳалқаси ичкарисида абадий бирга бўладилар. Ҳозир энг муҳими, Музаффарга бу қийинчиликларнинг вақтинчалигини, тишни тишга қўйиб чидамоқ ва биргаликда бахтли бўлиш учун чарчамай курашмоқ лозимлигини англатиш зарур. Ҳулкар буни англатади. Музаффар уйга келган кунлари уни қувонч билан кутиб олади, ювинтиради, едириб-ичиради ҳамда вақт ўтказмай унга бу ҳолнинг вақтинчалигини, бунинг учун куйинавермаслик кераклигини, эртами-кечми бирга бўлажакларини мамнун ва нозли оҳангда тушунтиради.

— Сен билмайсан,— дейди у Музаффарга оппоқ чойшабга ўралган кўрпа остига кириб ётганидан сўнг,— бекорга ич-этингни еб бораяпсан... Бу ишинг яхшимас, жоним, ҳали ҳаммаси ўтиб кетади. Ўрта ичида куйиб-ёнганинг қолади. Ана кўрасан-да. Бироз вақт ўтсин, Ҳулкар тўғри айтган экан, дейсан. Ҳамма нарса аввалгисидек бўлиб кетади. Сен ҳеч хавотирланма. У хотин сени вақтинча ўзига боғлаб олди. Нима қилсин, бечора, бунда унинг ҳам гуноҳи йўқ, у ҳам бахтли бўлишни хоҳлайди. Аммо... ўзининг бахтсиз эканини, бахтиқора эканини тушунмайди. Бироз вақт ўтиб тушунади-ю, кўзи мошдек очилади ва англашилмовчиликларнинг ҳаммасини батафсил англаб, ўкинишга тушади. Ипидан игнасигача тушунади. Ипидан...

Ҳулкар Музаффарнинг ухлаб қолганини сезиб, сўзлашдан тўхтайди. Эрининг ёқимтой ва қадрли юзига меҳр билан тикилиб қолди. Музаффарнинг қопқора ва жингалаксимон сочларини силаб-сийпагиси келди. Аммо унинг уйғониб қолишини сезиб, ўзини тутди. Музаффарнинг кўрпа остидан кўриниб турган кенг кўкраги оҳиста кўтарилиб-тушиб турарди. Ҳулкар ҳавас билан тикилганича ўрнидан турди. У чиндан ҳам бахтиёр эди. Бахт тўлқинлари ҳамиша шундай кечади. Музаффарнинг нафаси вужудига урилаётганини, оҳисталик билан бутун танига сингиб бораётганини ҳис этди. Сўнгра товуш чиқармасдан одимлаганича ошхонага кирди. Гўёки бахт тўлқинлари шу ерга ҳам биргаликда кирди. У Музаффар учун нонушта тайёрлашга киришди. Эрталаб вақти бўлмайди. Ҳозир эса, бутун кеча унинг ихтиёрида. Ҳулкар олдинроқ тайёрлаб қўйган нарсаларини музхонадан олиб, қозонга солди, товага, духовкага қўйди. Кўп ўтмай ошхона ичкариси хушбўй таом ҳидига тўлди. Қозон биқирлаб қайнарди, товадаги гўшт тотли ҳид чиқариб қовуриларди, духовкадаги товуқ тобора қизғиш тус олиб борарди.

Ҳулкар ўзининг бутун кучини Музаффарни ҳимоя қилиш учун курашга бағишлади. Унинг назарида Музаффар ёш, содда-гўл эди. Уни алдадилар. У янглишди. Бу янглишишни тузатиш учун унга Ҳулкардан бўлак ҳеч ким ёрдам беролмайди. Ҳеч ким. Улар ўз бахтлари учун ўзлари курашмоқлари керак. Ҳулкар буни тушунади ва курашни бир лаҳза ҳам тўхтатмайди. Музаффарни ҳам тўхтатмайди, унинг иккиланишига йўл қўймайди. Кураш кундан-кунга авж олади. Ҳулкар буни билиб, ҳис этиб турибди. Бу курашнинг биринчи ва энг муҳим нуқтаси Музаффарнинг янглишганини ўзига англатмоғу бу янглишишни эртами-кечми ҳаётнинг ўзи тузатишига, бунинг учун бироз сабр этиш лозимлигига ишонтирмоқдан иборат. Ҳулкар кечакундуз айтавериб уни ишонтиради. Улар юзма-юз кўришганларида ҳам, телефонда сўзлашганларида ҳам фақат шу ҳақда гаплашадилар. Аниқроғи, Ҳулкар гапираверади, Музаффар тинглайверади. У гўё хотинининг бу сўзларини эшитиш учунгина уйга келади, шу сўзларни эшитиш учун унга қўнғиратади. Мана энди тўрт ойдан бери унинг зиммасидаги эрлик вазифаси фақат хотинининг насиҳатларини эшитишу унинг айтганларига ризолик билдиришдан иборат бўлиб қолди. Бора-бора у хотинининг бунақанги гапларини ёктира бошлади. Бу гаплар унинг жонига оро кирар эди. Ортиқча гапнинг ҳожати йўқ. Хотини унинг учун ҳам, ўзи учун ҳам сўзлайверади. Музаффар уни жимгина тинглайверади.

Музаффар дастлаб Ҳулкарни тушунмаган эди. Айёрлик билан ўзини соддадил, фаришта қилиб кўрсатаяпти, деб ўйларди. Ҳулкарнинг сўзлари самимий эканини билганидан сўнг кундалик ҳаётга боши билан шўнғиди.

Уларнинг турмуш қурганларига яқинда бир йил бўлади. Тўйдан сўнг Ҳулкарнинг онаси ўзининг бир хонали уйини қизи билан куёвига қолдириб, опасининг уйига кўчиб ўтди. Оила ҳаёти янги бошланган пайтда, ким бўлишидан қатъий назар, учинчи одам ортиқчалик қилади. Бу ортиқчалик оқибатида ҳали мустаҳкамланмаган оила бирданига бузилиб кетиши мумкин. Бордию ўша учинчи одам қайнона бўлса, янада тез бузилади. Ҳанифа опа бу ҳақиқатни бировлардан эшитган эмас, ўзининг шахсий қисматидан билади. У эри билан бор-йўғи бир неча ой яшади. Эри уни яхши кўрарди, у ҳам Акрамни жони-дили билан севарди. Аммо қайнонаси... Акрам бутунлай онасининг йўриғидан чиқмади, Ҳанифа лаш-лушини кўтариб отасиникига қайтди. У маҳалда ўзининг иккиқат эканини ҳам билмасди. Улар шу қўйича узилишиб кетдилар. Ҳулкар отасиз бўлиб ўсди. Отасиз ўсган бола дунёда ўзига берилган ҳақ-ҳуқуқнинг, бахтнинг ярмига эга бўлади. Ҳанифа буни биларди ва невараларининг отасиз қолишларидан жуда қўрқарди. Қизининг бемалол яшашига халақит бермаслик учун тўйнинг иккинчи куниёқ шаҳар чеккасида яшайдиган опасининг уйига кетди. Ишга қатнаши қийинроғу, лекин амаллаб бориб келаверса бўлади. Ҳовлилик уй, қатор-қатор хоналар. Опасининг болаларию невaралари уни хуш кўрадилар. Албатта, у ҳам қараб турмайди. Невараларга қарашда, уй-рўзғор ишларида ёрдами тегиб туради.

Хуллас, Ҳанифа опа қизининг қисматида ўзининг ёшликдаги хатоси такрорланишидан жуда қўрқар эди. Шу боисдан кетаётганида унга бир неча сўз айтишни лозим кўрди. Эҳтимол, унинг сўзлари қизининг ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнар. Ким билсин, ҳар ҳолда она ўгити зарар қилмас.

— Қизим,— дея зурёдини бағрига босди у,— мана сен мустақил яшаш йўлига қадам ташлаяпсан. Бу йўл ҳамма вақт текис ва равон бўлавермайди. Баъзан унинг тиканли сўқмоқлари, баъзан эса чақир-

чуқур ерлари бўлади. Аёл кишининг вазифаси — чидамли бўлиш. Чидамли, сабр-қаноатли аёл ҳақиқатан ҳам бахтли бўлади. Биринчи марта орага совуқлик тушгандаёқ ҳамма нарсани бузиб-ёриш ярамайди. Бунақа ишнинг охири пушаймонлик...— Ҳанифа опа йиғлаб юборди.— Агар мен ўша вақтда озгина қаноат қилганимда, раҳматли отанг биз билан бирга бўларди. Аммо мен қаноат этмадим. Оқибати, мана, сени ота марҳаматидан маҳрум қилдим. Шу иш сенинг ҳам бошингга тушмасин, жоним болам... Эркак одам келиб-кетувчи бўлади. Келадиям, кетадиям. Аёл эса, сабр билан чидамоғи керак.

Она-бола шу тарзда йиғлай-йиғлай хайрлашдилар. Ҳанифа опа қизининг уйига ҳафтада бир келиб кетади. Келганда ҳам бир нималар олиб, тўлиб-тошиб келади. Унинг катта халтасида болаларнинг бир ҳафта давомида еб-ичадиган нарсалари бўлади. Ҳанифа опа тортинибқимтинган кайфиятда халтасини бўшатади, бир жазва[1] қаҳва қайнатади, болалари билан ўтириб ичишади ва дарҳол уйига қайтади.

Ҳулкар билан Музаффар дастлабки вақтларда жуда яхши яшадилар. Сўнгра нимадир бўлди. Музаффарда ўзгариш сезила бошлади. Бир неча кунгача уйига кеч қайтди. Ора-сира келмайдиган одат чиқарди. Эрталаб барвақт ишга кетади-да, уйга эртасига кечқурун келади. Бу ҳол Ҳулкарнинг қалбини қанчалик ларзага солмасин, у буни Музаффарга сездирмади. Чунки у барибир бахтли эди. Музаффарнинг бундай қилиғи узоққа бормайди. Бу — тонг отганидан кейин қуёш чиқиши каби аниқ ҳақиқат эди.

Музаффарнинг гапларидан маълум бўлишича, у болалик бева хотин билан танишиб қолган эмиш. У хотин аллақаёқлардадир бир ўзи яшар эмиш.

— Мен унинг тузоғига илиндим,— деди Музаффар қайғули оҳангда.— Қанчалик бормайин десам ҳам бу ишнинг уддасидан чиқолмайман. Ишдан қайтатуриб... шундоқ бир кириб чиқаман дейману борганимдан сўнг қайта олмайман. Сен хафа бўлма, Ҳулкар, мен ўзимни қўлга оламан-да, у хотинникидан оёғимни тортаман. Мана кўрасан, бунга менинг иродам етади.

Музаффарнинг бу гаплари Ҳулкарни ўраб турган бахт ҳалқалари орасидан унинг қулоқларига бошқачароқ оҳангда эшитилди. Севимли ёри энди ундан ёрдам сўрамоқда, у адашди, билмайин янглиш йўлга кирди, ўша йўлдан қайтиб чиқиш чорасини топа олмаяпти. Мана энди Ҳулкардан мадад сўраяпти. Агар у энди ёрдам бермаса, Музаффар бутунлай тамом бўлади. Ҳулкар унга ёрдам бермоқ учун ҳамма нарсага тайёр. Унга қанчалик ёрдам керак бўлса, ҳаммасини беради. Ҳамда бу ишни у ўзи бажаради. Онасини ҳам, бошқаларни ҳам бу ишга аралаштирмайди. Бирор кимсага сирини ҳам айтмайди. Бирор кимсага бахтини бермайди. Қисқаси, Ҳулкар йўлдан озган эри Музаффарни тинчлантиришга киришди. Музаффар эса, аста-секин бунга кўникди. У уйга янада сийрак кела бошлади. Баъзан уч кунда бир марта келарди. Гоҳида эса, телефонда кўнғироғиш билан кифояланарди. Ҳулкар барибир бахтли эди. Ер юзида Музаффар бор экан, у ҳамиша бахтли бўлади. Фақат Музаффар уни тўғри тушунса ва ўзи қийналмаса бўлгани...

Музаффар барвақт уйғонди. Уй ичи ҳали қоронғу эди. Ошхона эшиги тирқишидан сариқ ипдеккина нозик нур тушиб турарди. У шошилмай ўрнидан туриб, кийинди. Девордаги соат чорак кам олтини кўрсатиб турарди. Ҳали эрта экан, деб ўйлади Музаффар. Ишга бормасдан аввал Сафойига кириб чиқса ҳам вақти етади. Сафойи! Уни ўйлаган заҳоти Музаффарнинг бадани исиб кетгандек бўлди, вужудида тушуниб бўлмайдиган ғайрат-шижоат сезди. Сафойи — бу бир мўъжиза. У бошқа бир дунё. Музаффар унинг уйида ҳақиқатан ҳам роҳатланади. Вужудини роҳатлантирувчи, тўлқинлантирувчи коньяклар. Коньяк одамга қувват беради, ҳам унинг бутун аъзоларидаги ҳорғинликни суғуриб олади. Музаффар, одати бўйича, эшикдан кирган заҳоти рангли телевизор қаршисидаги ғоят кенг ва юмшоқ креслога чўкади. Сафойи эса, устида шакли хилма-хил рангли шишалар турган ғилдиракли столчани аста-секин итариб, унинг ёнбошига келтиради. Улар биринчи қадаҳни тўқиштириб, бирга ичадилар. Сўнгра Сафойи ошхонага кетади, Музаффар бир жойда ўтирганча ҳам телевизор кўради, ҳам секин-секин ечинади, ҳам столча устидаги шишалардан коньяк қуйиб ичади. Замзама қурғурнинг ҳар ютуми оғзини, ичакларини ёндириб юборай дейди. Ҳарорат аста-секин бутун вужудига тарқалади, у ғилдиракли столчанинг пастидаги кичкина эшикчани очади, «форум» деган сигарета чиқаради, уни чиройли зажигалка билан ёндиради-да, креслога ясланган ҳолда сигарета чекади, унинг фикрлари хона ичкарисидаги паға-паға тутунлар билан биргаликда, юксакларга кўтарилади. Гоҳида у сигаретанинг кулини ташлаш учун пастга қараб қўяди. Унинг ўнг тарафида қўшҳовуч шаклида ясалган катта кулдон. Бу ҳовучлар — Сафойининг ҳовучлари. Унинг заргар акаси — Сафойининг ҳовучлари шаклини аввало лойга ботирган-да, сўнгра унинг устига суюқ маъдан қуйиб, кулдон ясаган.

Музаффар сигаретанинг кулини Сафойининг «ҳовучлари» ичига қоқиб туширади, кейин коньяк ҳўплайди, хурмо тишлайди, яна сигарета чекади. Ора-сира Сафойи кириб-чиқиб туради. Ниҳоят, Музаффарнинг олдига иккинчи стол қўйилади. Унинг устида ҳозиргина пиширилган таомлар. Улар бутун оқшом давомида еб-ичадилар, телевизор кўрадилар, бир-бирларини эркалайдилар.

Бундай пайтларда Музаффар бир нарсани тушунмайди. Ҳар хил маркали қиммат коньяклар, тансиқ овқатлар қаердан пайдо бўлаётир?.. Бунинг билан Музаффарнинг иши йўқ. Сафойи — тиш доктори. Унинг акаси Саттор — заргар. У бошқа нарсани билмайди ва билишни ҳам истамайди. Бу ерда ҳаётнинг мазмуни ҳақида ҳеч ким ҳеч нима демайди. Бу ерда унга бирор кимса севаман ёки севмайман демайди. Бу ерда улар бир-бирларини сўзсиз англайдилар. Бу уйнинг ичида таърифга сиғмас эркинлик бор.

Сафойининг уйидан Музаффар куч, ғайрат, шавқ олиб чиқади. Чарчоқлик ва тушкунликдан сўнг яна ўша ерга ошиқади. Нима, у Сафойига уйланмоқчими? Музаффар қай бир вақтларда ўзига шу саволни бериб кўрди. Йўқ, хоҳиши бўлмади. Чунки Сафойи ундан анча катта. Бундан ташқари, Музаффар Сафойининг ҳаётида бунақа эркакларнинг биринчиси ёки охиргиси эмас-да. Доимо севги талаб этган Сафойи ҳеч бир вақт конкрет шахсни сева олмайди ҳам, унга садоқат қила олмайди ҳам. Сафойига севги бўлса кифоя, уни ким севганининг аҳамияти йўқ. Бу севги уни қондирса бўлгани.

Музаффар буларнинг ҳаммасини яхши билади, бундай вазият кўп давом этмаслигини ҳам билади. Албатта эртами-кечми у оиласига, Ҳулкарига қайтиши керак. Аммо уйида зерикиб кетади. Уйида ҳамма нарса бир хил, хотини билан ўзининг маошларини бир ерга тўпласалар ҳам улар Сафойининг уйидагидек яшай олмайдилар. Сафойининг уйидаги каби ойнадек мебель, ярқираб турган гиламлар, қандиллар, ейиш-ичиш... бу уйда қачон шунақа бўлади? Қачон?! Музаффар кексайгандан кейинми? Йўқ, у ҳозир шундай бўлишини хоҳлайди. У ҳозир тўкин-фаровон яшашни истайди. Кексайганидан сўнг ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Пенсиясини олиб ўтираверади-да. Аммо энди унинг онги, вужуди тўла-тўкис яшашни хоҳлайди, исён кўтариш истайди. Мана ҳозир ҳам ишга бормасдан аввал Сафойига кириб-чиқиш мумкинлигини англагани сабабли қалбида қувончли жўшқинлик ҳис этаяпти.

Ҳулкар эрининг турганини сезиши ҳамоно кечаси билан пиширган, эрталабгача совуб қолган таомларини шоша-пиша иситди-да, ошхонадаги стол устига қатор қилиб қўйди. Музаффар ювинди, соқолини олди-да, стол ёнига келиб ўтирди. Ошхонада овқат ҳиди шу қадар кучли эдики, Музаффарнинг нафаси қайтгандек бўлди. Кўкиш тусли кўримсизгина стол устида бақлажон шўрва, картошка, помидор ва яна нималардир солиб қовурилган гўшт, бутунлигича пиширилган катта ва бесўнақай товуқ... Бу ерда қизил ва қора рангли икра йўқ, ингичка қилиб тўғралган оппоқ бўлкалар, қутичали шоколадлар, ичига коньяк қуйилган иссиқ бразилия қаҳваси йўқ... одамнинг кўзини яшнатувчи, иштаҳасини очувчи ва айни замонда фаровонлик, шўхлик туйғуларига чулғовчи, гўзалликка оид яна кўп нарсалар йўқ. Рўпарасида ўтирган Ҳулкарнинг ранги оқарган, кўзлари қизарган, умуман қиёфасида ва бутун уй ичида қандайдир алғов-далғовлик бор.

Музаффар Ҳулкар олдига қўйган шўрвани истамайгина ковлади. «Эрталабдан ким шўрва ичарди, эй товба!» деб ўйлади. Сўнгра шўрвадан бир-икки бор тотинди. Миясида қандайдир нарса у ёққа-бу ёққа юргандек туюлди. Боши оғримайдию, аммо ўша нарса безовта қилади. Ҳулкар қаҳва қайнатди. Қаҳва бемаза ва тахир эди. Оҳ, қани энди бир финжон коньякли қаҳва ва икки бўлак икрали бўлка бўлса! Бу нарсалар анови ерда бор. Музаффар ҳали замон ўша ерда бўлади.

Нонушта маҳали Ҳулкар тағин ўзининг эски насиҳатларини бошлади.«Жонгинам, сен беҳаловат бўлма, мен биламан, сен адашдинг, тезда буни ўзинг ҳам тушунарсан, бу кунлар ўтиб кетар. Сабр қил, жоним, бу кунлар ўтиб кетар. Сабр қил, жоним, сабр қил. Мен, қанча керак бўлса, шунча чидайман. Мени ўйлама. Ўзингни ўйла. Менда ҳамма нарса етарли. Мен бахтиёрман. Сенинг ҳам мен каби бахтли бўлишингни истайман...» — «Бундай бадбўй ва ифлос хонада, бундай стол ёнида ва бундай хотиннинг рўпарасида қандай қилиб бахтли бўлиш мумкин?» деб ўйлади Музаффар. Ўйладию ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. Албатта, у қачондир, яқин кунларда Сафойи билан алоқасини кескин узади-да, ўз уйига, ўз хотинига қайтади, сўнгра шу бир хиллик, оддийликка чидаб, индамай яшайди. Лекин ҳозир эмас, бугун эмас. У бутунлай қайтганидан сўнг хотини олдидаги бурчини тўлиғи билан ўтайди. Ҳозирги кайф-сафолари учун қийналиб, азоб чекиб бу уйда, шу хотини билан яшайди. Пешонасига нима ёзилган бўлса, шуни кўради. Аммо ҳозир, кетиш керак.

Музаффар дастурхон бошида одоб юзасидан бироз ўтирди ва ниҳоят ўрнидан турди. Стол четидаги сочиқни олиб, қўли-оғзини артди. Овқат ҳиди сочиққа ҳам урибди, бу ҳид димоғини ғиппа бўғди. У чуқур хўрсинди.

— Бўпти, Ҳулкар, мен кетишим керак. Бухгалтерияда бор-йўғи етти киши қолдик. Иш жуда кўп. Ҳисобот вақти ҳам яқинлашаяпти...— деди-да, негадир яна қўшиб қўйди.— Албатта, ўзинг биласанки...

Ҳулкар уни ўзининг одатий гаплари билан кузатди. Музаффар ташқарига чиққанидан сўнг кўксини тўлдириб нафас олди. Бутун оламда тоза ҳаво, унинг уйида эса... Эҳ, ҳозир бир донагина «форум» сигаретаси бўлса эди, мириқиб чекарди. Ҳечқиси йўқ, бироздан сўнг Сафойининг уйига етиб боради. У ерда ҳамма нарса бор... У бўсағада йиғламсираган ҳолатда турган, ўзига яхши тилаклар тилаган Ҳулкарни эслади. «Анойи хотин, аммо қалби пок,— унга раҳми келди.— Зарари йўқ, мен унга ўз садоқатимни ҳам, муҳаббатимни ҳам кўрсата оламан. Сафойидан қутулганимдан сўнг Ҳулкарга ҳеч маҳал хиёнат этмайман. Бутунлай уни севиб яшайман». Бундай фикрлар Музаффарнинг айбдорлик туйғусидан анчагина оғирлашган юрагига тасалли берди. У енгил одимлаб автобус бекатига келди. Узоқда, йўл бурилади-ган жойда автобус кўринди. Унинг қандай автобус эканлигини Музаффар дарҳол таниди. Вужуди ажиб ҳаяжонга чулғанди. Худди, ўша, ўзи кутган автобус эканига амин эди. Уни Сафойига олиб борадиган автобусларни у узоқдан танийди. У чап қўли билан шимининг чап чўнтагини астагина ушлаб қўйди. Бу чўнтакда Сафойининг эшигини очадиган калит туради. Калит жойида экан.

Музаффар эшикни ўз калити билан очди. Сафойи ҳали ҳам тўшакда экан. Кўрпа остидан бошини чиқариб, уйқули ва нозли кўзлари билан унга қаради. Музаффар йўл бўйи ана шундай дақиқани тасаввур этиб келаётган эди. Мана, тасаввури рўёбга чиқди. У севинч ва ҳаяжон ичра кенг хона ўртасида туриб шоша-пиша ечинди. Кўрпа остидан унга тикилиб ётган Сафойи ноз-карашма билан жилмаярди.

Музаффар бир тонгда икки марта тўшакдан турди ва икки марта нонушта қилди. Мана бунисини ҳақиқий нонушта эди. Дастурхонда икралар, нозик кесилиб, устига ёғ ва икра сурилган бўлкалар, коньякли қора қаҳва, «форум» сигаретаси, унинг кўзларини яшнатиб, иштаҳасини қитиқлаган яна кўп нарсалар бор эди. Ҳаммаси ўз ўрнини топган эди. Музаффар тоза ва тетик ҳолда ишга борди. Ғайрат билан, иштиёқ билан ишлади. Тушдан кейин Ҳулкар қўнғироқ қилди. Яна ўша бир маромдаги сўзлар. Индамай қўя қолса кошки эди. Ҳамон уни, Музаффарни тинчлантиради. Музаффар хотинининг сўзларини сабр билан тинглади.

— Музаффар, бугун оқшом менга қўнғиратасанми?— деб сўради Ҳулкар гапининг охирида. Демак, у Музаффарнинг бугун уйга келмаслигини билади. Демак, у бунга олдиндан розилик бераяпти. Музаффар енгил нафас олди. Шундай экан, хотинининг гапларига чидаш мумкин.

— Албатта, бугун оқшом сенга қўнғиратаман,— деди у.

— Соат нечада?

— Уф-ф, оббо, соат ўн атрофида қўнғиратсам бўладими?

— Албатта қўнғиратгин,— деди Ҳулкар.— Мен кутаман.

Оқшом соат ўнга яқинлашганда Ҳулкар телефоннинг ёнига келиб ўтирди. Умид ва ишонч билан телефонга тикилди. Телефон аппарати қандай чиройли. Оппоқ. У Ҳулкарни тушунади. У Ҳулкарни Музаффар билан боғлайди. Мана, ҳозир ҳам билиб турибди, гўё аппарат унга «бироз сабр қил» деяётгандай. Ҳулкар сабр-қаноатли. Сабр-қаноатда унга тенг келадигани йўқ.

Ҳулкар Музаффар ҳақида ажиб ўйларга толган пайтда телефон жиринглади. Ҳулкар гарчи бу овозни кутиб ўтирган бўлса-да, бирдан сесканди. Вужудидан совуқ тер чиқди. Юраги дукиллаб ура бошлади. «Менга нима бўлди?— деб ўйлади у.— Ахир, Музаффар ўзи айтган пайтда қўнғиратаяпти-ку». У бошини кўтариб, рўпарасига — деворда осилган соатга қаради. Соат роса ўн эди. Жиринглаётган телефон трубкасини нечундир қўрқа-писа кўтарди. Кўтардию, ўзини босиб олиш учун дарҳол сўзга киришди.

— Музаффар, тунинг хайрли бўлсин, қўнғироқнинг учун раҳмат, соғ бўл... Соғ бўл... Қалай, яхши етиб бордингми? Қандай?...— Ҳулкарнинг Музаффарга айтаман деган сўзларининг ҳаммаси эсидан чиқиб кетди.

— Сенинг ҳам тунинг хайрли бўлсин,— деди Музаффар бироз қуруқ ва дағал овозда.

— Музаффар, эрталаб кетаётганингда кайфиятинг бироз пастроқ кўринувди.— деди Ҳулкар.— Ҳозир қандайсан?

— Шукур, яхшиман,— деди қуруқ овоз.

— Музаффар!

— Нима.

— Музаффар, мен сенга бир нарсани айтавериб зериктирмадимми?

— Қандай нарсани?

— Мана шу, сенинг адашганинг масаласини.

— Қайси адашганим?

— Ахир, ҳозир сенинг шу Сафойи деган хотин билан яшаётганингни айтаяпман-да...

— Ҳа-а, уни айтаяпсанми? Албатта, бу — адашиш. Лекин, сен хафа бўлма, мен бу янглишувни тузатаман.

— Ташаккур сенга, суюкли эргинам!— деб қичқирди Ҳулкар.— Мен ҳам сенга шуни яна бир карра эслатмоқчи эдим. Энди ўзинг ҳам тушунибсан, офарин, ҳеч сиқилма! Мен биламан! Сенинг ироданг кучли, сен бу янглишишни енгасан! Сенинг бу енгишинг бизни яна бир-биримизга қовуштиради! Ўшанда сен ҳам бахтли бўласан!...

— Сен-чи?

— Мени ўйлама, мен ҳозир ҳам бахтлиман. Фақат сенинг аҳволингга юрагим ачинади. Онам ҳам, дарвоқе, ниманидир сезипти шекилли, у куни келганда йиғлади: «Айт, сен мендан бир нарсани яшираяпсан, Музаффар сени ташлаб кетдими?» деб сўради. Мен унга: «Музаффар командировкада, тез қайтади», дедим. Барибир шубҳаланади. «Музаффар командировкадан келган куни, менга қўнғират, кўбете[2] пиширib бораман», деди.

— О-о! Кўбете, бу яхши. Мен яхши кўраман.

— Музаффар!

— Нима.

— Мана шу бозор куни кела олмасмикинсан? Онамни телефонда чақирар эдик. Бечоранинг кўнгли тинчир эди.

— Шу бозор куними?.. Э, дарвоқе, байрам. Мен байрам куни уйда бўлишим керак.

— Мен ҳам сени уйга чақираяпман-да!

— Э-э, умуман, мен ўзи қайларда юрибман-а? Бу қанақа гап бўлаяпти ўзи?!

— Музаффар, овозингга нима бўлди?

— Нима бўпти?

— Ўзгариб қолди.

— Қанақа ўзгарган?

— Хиралашган, йўғонлашганга ўхшайди. Гапирганда, овозинг ҳамон кексаларникидек.

— Телефон бузуқдир, менга ҳам сенинг овозинг Брижит Бордонинг овозидек эшитилаяпти. Аҳамият берма. Гап овозда эмас.

— Хўш, бозор куни келасанми?

— Унгача яна қўнғиратаман. Ҳозир бир нарса дейиш қийин. Онангга айтмай тур, хўпми?

— Қандай айтмайман?— деди Ҳулкар.— Икки гапнинг бирида сени сўрайди. Умуман у сендан бўлак ҳеч ким ҳақида гапирмайди.

— Ҳар ҳолда, ўйлаб кўриш керак. Бўпти, соғ бўл.

— Саломат бўл, жонгинам,— деди Ҳулкар.

— Эй-эй, шошма!— дея қичқирди Музаффар.

— Нима.

— Сендан бир нарса сўрамоқчи эдим.

— Сўра.

— Мактабдалигингда сенинг лақабинг бормиди? Сени нима деб атардилар?

— Менинг лақабим йўқ эди. Сен буни яхши биласан,— деди Ҳулкар.— Ўн йил бир синфда ўқиб, буни сўраганинг нимаси?!

— Эй-эй, шошма, трубкани қўйма. Айтмоқчиманки, қизлар орасида сени нима деб чақирардилар? Мана мени, мисол учун ҳарбийда Трубачи деб чақирардилар. Труба чалганим учун.

— Сен труба чаласанми?— деб сўради Ҳулкар.

— Чаламан, тўғриси, чалар эдим... Умуман, фақат ҳарбийдалигимда чалдим... Ҳарбийдан қайтганимдан сўнг чалганим йўқ.

— Сен қачон ҳарбийга бординг?— деб сўради Ҳулкар ҳаяжонли товушда.

— Эй, ўша, анави... биласанми нима? Бизларни мактабда бир ойга ҳарбий таълимга олиб кетган эдилар-да...— Музаффар шошиб қолди чамаси.— Ҳар ҳолда, сенинг ҳам бизникидек, яъни мен билмаган яширин лақабинг йўқмиди, деб сўраяпман-да.

— Йўқ,— деди Ҳулкар тиниқ товушда.— Мени ҳамма Ҳулкар деб чақирарди. Рус қизлари, баъзан, Оля дер эдилар.

— Э-э, шундай дегин-а... Албатта шундай бўлгани яхши экан... Бўпти, Ҳулкар, хайрли кеч, яхши ухла, биз енгамиз... Мен яна қўнғироқ қилайми?

— Албатта.

— Қачон қўнғироқ қилай?

— Соат олтидан кейин.

— Яхши, Ҳулкар. Саломат бўл, Ҳулкар. Хайрли кеч!

— Сенга ҳам хайрли кеч, Трубачи!— деди Ҳулкар.

Ҳулкар бу узун ва пойма-пой сўзлашув охирлаётганида, телефондаги овоз: «Тўхта, трубкани қўйма», деганда кўнгли ҳамма нарсани сезди. Бунгача шубҳаландию, аммо бу сўзлардан кейин шубҳасининг тўғрилигига ишонди. Музаффар унга ҳеч маҳал: «Тўхта, трубкани қўйма» демайди. Аксинча, унинг қачон трубкани қўйишини кутиб, индамай туради. Телефонда сўзлашган одам Музаффар эмас эди. У одам бу телефонга тасодифан тушди. Музаффарни кутиб ўтирган Ҳулкар эса, дарҳол сўзлашаверди. Музаффар умрида труба тугур дойра ҳам чалган эмас, ҳарбий хизматга ҳам бормаган. Трубачи Ҳулкарга нима деб мурожаат этишни билмай унинг мактабдаги лақабини сўради. Ҳулкар телефондаги одамнинг Музаффар эмаслигини билса ҳам буни унга билдирмасликка ҳаракат қилди. Ғалати одам. Майли яна қўнғиратса қўнғираверсин. Энди Ҳулкар ҳеч нарсани айтмайди. Агар гапи бўлса, ўзи айтаверсин.

Ҳулкар телефон олдида анчагача индамай ўтирди. Фикрлари чувалашди, охирида кўзлари юмилиб кета бошлади. У жойини солиб, совуқ кўрпа остига кирди ва юракни титратувчи қоронғуликка боқмаслик учун дарҳол кўзларини юмди.

Иккинчи куни аввали оқшом телефон устма-уст жиринглади. Ҳулкар трубкани олиб:

— Алло!— деди.

— Алло! Ҳулкар! Бу сизмисиз?

— Албатта, менман, бошқа ким бўларди,— деди Ҳулкар оҳиста товушда.

Овоз такрорланди:

— Айтмоқчиманки, бу сенмисан?

— Менман,— деди Ҳулкар — Эшитаяпман.

Бу ўша Трубачи эди. Унинг довдирагани Ҳулкарга ёқиб тушди.

— Мен байрам куни уйга бора олмайман,— деди Трубачи.— Сен бир иложини қилиб онангга тушунтир. Илтимос қиламан, хафа бўлмасин. Нега у бунчалик беҳаловат бўлаверади-а?

— Ёшлигида онамни эри ташлаб кетган ёки буниси уни ташлаб кетган. Аниғини билмайман. Мен у борди-келдилардан кейин туғилганман. Ҳозир мени эрим ташлаб кетади, деб ўйлаб юраги ёрилади. Сенинг ҳар ёқларда дайдиб юрганингни сезади, шунинг учун доимо сени сўрайди.

— Онангга айт, сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман. Мен... яъни Музаффар мени жуда севади, де. Командировкадан ҳар куни қўнғиратиб турипти, де. Айт! Қўрқма!

— Яхши, айтаман,— деди Ҳулкар.

Трубачи ҳам, Ҳулкар ҳам жим қолдилар.

— Ҳулкар!— деди Трубачи бироз давом этган сукутдан сўнг.

— Ҳа,— деди Ҳулкар.

— Сен, ҳар ҳолда, трубкани қўйма, жим турсанг ҳам трубкани қўйма.

— Турганим йўқ, ўтирибман.

— Ундай бўлса, сенга яхши экан.

— Сен-чи?

— Мен телефон будкаси ичида қисилиб турибман.

— Сафойининг телефонига нима бўлган?

— Кимнинг-кимнинг?— деб сўради Трубачи, сўнгра бирдан масалани тушуниб давом этди.— Адойининг телефони бузилган.

— Адойининг эмас, Сафойининг.

— Мен ҳам ўшани айтаяпман-да, Сафойи деганим сенга Адойи бўлиб эшитилгандир.

Ҳулкар телефонда мутлақо нотаниш одам билан гаплашаркан, юрагини кемираётган, нафасини қисаётган фикрларни, вақтинча бўлса-да, унутди, руҳан бироз роҳатланди. Эй-эй, агар бу гапларни ҳозир унга ҳақиқий... Музаффар айтганда эди. У маҳалда Ҳулкар қанот пайдо қилиб учарди. Ўзи ҳам, Музаффар ҳам, бутун ҳаётини унга бағишлаган онажони ҳам — ҳамма ҳақиқатан бахтли бўларди. Ҳозир



Рассом Т. Саъдулла

эса, Ҳулкарнинг бахти фақат яхши фикрлару хаёллар билан, орзу-умидлар билан боғлиқ. Ҳаёт уни шунчалик барвақт синамоқда. У бу синовдан яхши ўтади. Ўзини ҳам, Музаффарни ҳам бахтли қилади. Бунинг учун қанча керак бўлса, шунча кутади.

Телефонда Трубачи лақабли одам ҳамон гапирарди. Қизиқ, ёш эканмикан? Овозидан ёшга ўхшайди. Буни қандай билса бўларкин? Бордию тўғридан-тўғри сўраса, Ҳулкар унинг Музаффар эмаслигини билганини сездириб қўяди. У муғомбирлик қилиб лақаб сўради. Ҳулкар ҳам шундай бир муғомбирлик ишлатишга қарор қилди.

— Эй, Музаффар,— деди у телефон трубкасига,— сен ҳақиқатан ҳам ҳарбий хизматни битириб келган эдинг, кечирасан, мен буни унутибман.

— Албатта, битириб яқинда келдим. Қандай қилиб сен буни эсингдан чиқардинг?

— Айт-чи, қандай хизмат қилдинг, у ерда қизлар билан ҳам ўйнаб-кулдингми?— деб кулди Ҳулкар.

— Ўйнаб-кулмадим. Аммо Трубачи бўлганим рост. Эҳ, агар билганингда эди, мен труба чалган дақиқаларимда яшайман!

— Бошқа пайтлар нима қиласан?— деб сўради Ҳулкар.

— Бошқа вақтларда шунчаки тайёрланаман.

— Нимага тайёрланасан?

— Труба чалишга.

— Еки мен билан сўзлашаётганингда ҳам труба чалишга тайёрланасанми?

— Йўқ,— деди Трубачи,— сен билан сўзлашаётганимда сени кўришга ошиқаман.

Кераксиз гаплар ғоят теранлашиб борарди. Шундай бўлса-да, тўрт девор ичида, ним қоронғу хонада ёлғиз ўтирган Ҳулкарнинг қалбига бироз ёруғлик киргандек бўлди.

Трубачи ҳар куни, гоҳида эса бир кунда бир неча марта қўнғироқ қилади. Кўп нарсалар ваъда қилувчи гаплар билан Ҳулкарнинг қоронғулик босиб ётган қалбини ярим-ёрти бўлса-да ёритади. Бу кунларда Музаффардан сас-садо эшитмади. Ҳулкар телефон билан уни иш жойидан ҳам топа олмади. Сафойининг телефонини эса, билмайди. Елғизлик ва ҳижрон ҳар ёқдан ўраб келган бундай иложсиз кунларда гапга чечан Трубачи унинг бирдан-бир халоскори эди. У яна унга Музаффар дейди, у эса, Музаффарнинг ким эканини ва нима сабабдан уйига келмаганини билганидан сўнг, Музаффар бўлиб сўзлашади: «Севимли хотингинам, яна бироз сабр қил, у янглишишни мен енгаману абадий сенга бораман,— дейди.— Борганимдан кейин сени ҳеч маҳал ранжитмайман ва ҳозир қилиб юрганимдек ҳаром ишларга ҳеч ҳам йўламайман... Бошингни кўтариб юравер, биз ҳали бахтли бўламиз...»

Майли, бу сўзлар ёлғон бўла қолсин. Аммо уларни эшитиш ёқимли эди. Қизиқиб кетган вақтларида Трубачининг овози самимий эшитилади. Гоҳида Ҳулкар бу сўзларга бир дақиқа бўлса-да ишонишни, эрини бекорга кутмаётганига ўзини ишонтиришни истайди. Аммо бунинг иложи йўқ. Шундай бўлса-да, Ҳулкар Трубачининг сафсаталарини истак билан тинглайди. Унинг гапига қараб гапиради. Улар ҳазил-мутойиба билан кулишиб оладилар.

Бозор куни Ҳулкарнинг онаси келди. Қўлидаги катта халта ичидан қизартириб пиширилган кўбете, тўрт шиша компот чиқарди. Бу орада телефон жиринглади. Трубкани Ҳулкарнинг онаси Ҳанифа опа кўтарди.

— Бу ким?— сўради Ҳанифа опа.

Ҳанифа опанинг овози Ҳулкарнинг овозига ўхшарди. Трубачи, мен билан Ҳулкар сўзлашаяпти, деб ўйлаб, бирданига жўшиб кетди:

— Салом алайкум, севимли хотингинам,— деб қичқирди трубкадан эркакча товуш.— Бу менман, сенинг севимли эринг Музаффар бўламан,— деди у.— Азоб чекаяпсан, жонгинам, мени соғингансан. Биламан. Мен ҳам сени соғиндим. Нима қилай ахир, мана бу ишларимни битирганим ҳамоно ёнингга учиб бораман, сўнгра абадий бирга бўламиз. Онангга айт, тушунтир, безовта бўлмасин. Мендек эри бор хотин, мендек куёви бор қайнона доимо бахтли бўлади.

— Вой, болагинам, Музаффар, бу сенмисан?!— деди Ҳанифа опа ҳаяжонли товушда. Овози бирдан ўзгарди.— Соғ бўл, бу мен, оналарингизман. Бугун сизларга атайлаб кўбете пиширибб келдим. Агар шу ерда бўлганингда бирга еярдиларинг, мени қувонтирардиларинг...

Ваннахонадан чиққан Ҳулкар онасининг телефонда йиғламсираган товушда гаплашаётганини кўриб қўрқди:

— Она, ким билан гаплашаяпсиз?— деб қичқирди.

Онаси билинар-билинмас кўз ёшлари орасидан унга қараб жилмайди. Бечоранинг юзи ачинарли аҳволда эди.

— Музаффар билан,— деди у бироз пасайган товушда. Сўнгра трубкага қараб сўзлади.— Соғ бўл, болагинам, худо бахтингни берсин, соғ бўл, менга сизларнинг болаларингизни қучоқлаб юриш насиб этсин. Бошқа нарса керакмас.

— Она, тўхтанг, трубкани менга беринг,— деди Ҳулкар.

Ҳанифа опа трубка устига эгилиб қичқирди:

— У ёгидан ҳеч хавотир олманглар. Бола туғилган куни мен ёнингизда бўламан, уни ўзим боқаман, сизларга ҳеч оғирлиги тушмайди!

Шошиб қолган Ҳулкар онасининг қўлидаги телефон трубкасини ола бошлади.

— Мана, телефонни Ҳулкарга бераяпман, мана, сен у шаҳарнинг отини мана дединг? Қозон?! Э, ундай бўлса, узоқда экансан. Қозон — қадимий ва гўзал шаҳар. Сен уни яхши айланиб кўргин. Қайтганингдан кейин бизга айтиб берарсан. Бўпти, болам, соғ бўл, хуш қол, мана, телефонни Ҳулкарга бераман.

Ҳулкар телефон трубкасини қулоғига тутаркан, Трубачининг ҳаяжонли овозини эшитди-да, нима гаплигини билди. Ҳазил билан бошланган телефондаги сўзлашув бунчалик жиддийлашар деб кимнинг ақлига кепти. Нима бўлса бўлди. Трубачи билан «Салом, Музаффар» деб саломлашди, кўбете ейишга таклиф қилди, Қозонда об-ҳаво қандайлигини сўради. Аммо ўзининг руҳи паст, юраги қайғуда эди.

Кўбете ейилаётган пайтда Ҳулкар индамай ўтирди. Ҳанифа опанинг эса, оғзи юмилмади. У муттасил Музаффарни мақтарди. Унинг гапига кўра, Музаффар камчиликсиз одам эди. Инсонларнинг подшоси десангиз ҳам арзийди!

Онаси кечга яқин кетди. Унинг қувончи шу даражада эдики, қизининг тушкунлигини сезмади ҳам. Музаффар келганидан сўнг янаям яхши кўбете пиширибб келтиришини айтиб хайрлашди.

Трубачи Ҳулкарнинг бир-бирига ўхшаган зерикарли кунларида жонига оро кирди. У тим қоронғуликда узоқдан милтиллаб кўринган нур мисоли эди. Трубачи тез-тез қўнғиратади, ҳар хил янгиликлар айтади. Кўп вақтлар мусиқа ҳақида, номдор созандалар, бастакорлар хусусида гапиради. Мусиқа санъати хусусида сўзлаганида овози жиддий ва самимий чиқади.

— Сен фалон бастакорнинг фалон сонатасини тингладингми, хотингинам?— деб сўради у бир марта.

— Йўқ,— деди Ҳулкар.— Тингламаганман.

— Албатта тинглагин. Ҳозир дўконларда пластинкалари сотилаяпти.

— Нима учун тинглашим керак? Мен барибир музикадан ҳеч нарса тушунмайман.

— Аммо уни тушунасан. Албатта тушунасан. Чунки уни тингласанг, қисмат қай тарзда эшигингни қоққанини эшитасан,— деди Трубачи.

— Кимнинг эшигини?— деб сўради Ҳулкар.

— Кимнинг бўларди, тинглаган одамнинг, яъни сенинг эшигингни-да.

Ҳулкар сесканиб кетди.

(Давоми кейинги сонда)


---

[1] Жазва — қаҳва қайнатадиган идиш.

[2] Кўбете — миллий таом, гўштли пирог.

ОЗОДЛИК ЖАРЧИСИ

БУЮК ФРАНЦУЗ ИНҚИЛОБИНИНГ 200 ЙИЛЛИГИГА



Ф. Рюд. «Марсельеза». 1836. Париждаги Триумфаль аркига қўйилган ҳайкал.

1789 йил, 14 июль куни қуролланган минглаб парижликлар қироллик қамоқхонаси — Бастилияни ҳужум билан қўлга олдилар. Асрлар бўйи Францияда ҳукмронлик қилиб келаётган феодализм тузуми илдизига шу тариқа болта урилди. Мамлакат бўйлаб инқилоб садоси янгради. Халқ ғалаба қилиб, мустабид монархия давлати ағдариб ташланди. Ҳокимиятни инқилобчи майда буржуазия демократлари — якобинчилар диктатураси қўлга олди.

Бироқ, 1792 йилнинг апрелида бу мамлакатдаги вазиятдан норози бўлган Европадаги кўпгина феодал давлатлар Францияга қарши юриш бошладилар. Қурол ушлашга қодир ҳур фикрли француз миллий гвардия сафларига жипслашиб ўзларини ҳимоя қилишга отландилар.

Ҳимоячилар сафида Страсбург шаҳридаги чегара қўшинлари қисмида хизмат қилаётган шоир ва бастакор Клод-Жозеф Руже де Лиль (1760—1835) ҳам бор эди. Инқилобчилар даъвати билан у 25 апрель кечаси халқни оёққа турғазувчи, уни душманга қарши жангга ундовчи инқилобий марш ёзди. Тонгга яқин қўшиқнинг шоир дилига тугилган мисралари билан вобаста куйи қоғозга тушди. Оламга машҳур «Марсельеза» қўшиғи шу тариқа дунёга келди. Руже де Лиль ўзига топширилган вазифани нечоғлик қойиллатиб уддалаганини, яратган қўшиғининг келгусида жаҳоний шуҳрат топишини ўшанда тасаввур ҳам қилмаган эди.

Зудлик билан қўшиқ нусхалари кўпайтирилиб шаҳар аҳолиси ва ҳарбий қисмларга тарқатилди. 29 апрелда эса у «Рейн армиясининг жанговор қўшиғи» номи билан илк бор шаҳар майдонидаги митингда ижро этилди. 1792 йилнинг 10 августида унинг жанговор садоси остида қўзғолончилар қирол саройи Тюильрини ишғол қилишди. «Марсельеза»нинг шуҳрати яна ҳам ошиб кетди. Шундай қилиб, «Марсельеза» 1789—1794 йилларда Францияни ларзага солган инқилобий ҳаракатнинг шонли ва жанговор маршига айланди.

1794 йилнинг августида аксилинқилобчи кучлар якобинчилар ҳокимияти устидан ғалаба қилдилар. Қон тўкиб қўлга киритилган буюк инқилоб мағлубиятга учради. Аммо орадан йиллар ўтса-да, французлар Руже де Лилнинг қўшиғини унутмадилар. «Марсельеза» 1830 ва 1848 йилги халқ қўзғолонларида янада баралла янгради. Қонга бўялган коммунарлар 1871 йил Париж коммунаси кунларида баррикадаларда уни куйлаб жон бердилар. «Марсельеза» садоси французлар қалбида абадий яшаб қолди. У республиканинг давлат гимни, жаҳон халқларининг ҳам энг севимли инқилобий қўшиқларидан бирига айланди.

1936 йили шоир Руже де Лиль вафотининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган митингда Франция коммунистик партиясининг секретари Морис Торез тўлқинланиб шундай деганди: «Марсельеза» — француз халқининг ифтихори, тинчлик ва озодлик йўлида порлаб турувчи ёруғ юлдуздир».

«Марсельеза» садоси XVIII асрнинг сўнгги йилларида Россияга ҳам етиб келди. Декабристлар бу қўшиқни ўзларининг гимнлари сифатида куйлаган эдилар. Кейинчалик Россияда «Марсельеза» оҳангида бошқа инқилобий қўшиқлар яратилди. Октябрь инқилоби кунларида «Марсельеза» халқаро пролетар гимни «Интернационал» билан қўшиб куйланди. Ана шу садолар остида Туркистон ўлкасида ҳам Октябрь инқилоби ғалаба қозонди. Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абулқосим Лоҳутий каби сўз усталари «Марсельеза» ва «Интернационал» таъсирида ўз инқилобий маршларини яратдилар.

Француз халқи бу йил буюк инқилобнинг 200 йиллигини кенг нишонлайдилар. Шу муносабат билан биз курашга чорловчи «Марсельеза»ни ўзбек тилига таржима қилиб журналхонларимизга ҳавола этаяпмиз.

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари номзоди



Саодат ПЎЛКАНОВА

МОМОМ

Умри меҳнатда ўтиб,
Қорни тўймаган момом.
Келин бўлиб қаторда,
Атлас киймаган момом.

Ери кетиб фронтга
Орзусига етолмай,
Нон ўрнига кўк ўт еб,
Очдан ўлмаган момом.

Буғдой ўрган, қўй боққан,
Эрлар ишин бажариб,
Ойлар ўтиб, адирдан
Уйга келмаган момом.

Ери қайтмай урушдан,
Аламин олиб ишдан,
Бир ўғил билан қолиб,
Зор-зор йиғлаган момом.

Келганда юртга тинчлик,
Шукур қилиб ўзига,
Халқларга омад тилаб,
Дуо айлаган момом.

Неваралар қошида,
Ҳозирги бахтдан сўйлаб,
Ўтмишини эртакдай,
Ёниб куйлаган момом.

БАХТИ БОР

Арманистон, гўзал ўлка
Фарҳод кезган Осиё,
Табиатнинг ўжарлиги
Олиб келди фожиа.
Бир дақиқа гумбурлади
Ер осмон, далалар.
Офат ичра гангиб қолди
Қанча она, болалар.
Шаҳар вайрон, қишлоқ текис,
Чор-атроф бир хароба.
Алам чекди кулфатаро
Қанча-қанча талаба.
Йўқ-йўқ, арман ёлғиз эмас,
Дўстлар уни қўллайди.
Юрагига малҳам бўлиб,
Жароҳатин эмлайди.
Қад тиклайди янги шаҳар,
Улкан, кўркам бинолар.
Дўст бағрида камол топар
Фарҳод каби болалар.

Арманистон бўлар обод,
Дўстлар шундай аҳди бор.
Она-Ватан қучоғида
Порлаб турган бахти бор.

БИЗНИНГ ҲАМЗА БОБОМИЗ

Октябрдан нур олиб,
Бахт ва иқболга қониб,
Курашда чиққан ғолиб,
Бизнинг Ҳамза бобомиз.

Уйғон, дея уйғотган,
Ишчиларни сўйлатган,
Диндорларни ўйлатган,
Бизнинг Ҳамза бобомиз.

Озодликни олқишлаб,
Эски турмушни муштлаб,
Борган олдинга бошлаб,
Бизнинг Ҳамза бобомиз.

Паранжини йўқ қилган,
Эшонларга дўқ қилган,
Бой кўзини лўқ қилган
Бизнинг Ҳамза бобомиз.

Мактаб очиб ҳар жойда,
Халққа келтириб фойда,
Сўзлари ўхшаб ойга,
Бизнинг Ҳамза бобомиз.

Хатирчи



КЛОД-ЖОЗЕФ РУЖЕ де ЛИЛЬ

МАРСЕЛЬЕЗА

Олға, ватан мард ўғлонлари!
Гал етмоқда қучмоқ учун шон.
Келар зулм қора кучлари
Қонли байроқ тутиб биз томон.
Сайхонликда ёвуз оломон,
Тингланг, наъра тортмоқда машъум.
Улар келар биз сари, маъсум
Болаларга солгали қирон.

Қуролланинг, асл ўғлонлар! Сафлан ҳарбий саф!
Олға, олға душман бўлсин ер билан яксон.

Сотқинлар ва қабиҳ қироллар
Разилона бириктирмиш тил.
Уларнинг шум нияти иснод
Келтирмоқдир ватанингга, бил.
Фарангийлар! Бу нечук таҳқир!
Иродангиз букилса наҳот?
Қуллик доғин навқирон авлод
Қони ила ювмоққа қодир!

Қуролланинг, асл ўғлонлар...
Наҳот ҳукм ўтказар кушод
Босқинчилар ўзга ўлкада?
Жиноятчи сотқинлар наҳот
Ғолиб келар муқаддас жангда?
Йўқ, бош тутиб бермасмиз сира
Ет ўлкалар сиртмоғига, бас,
Сотқинлик ҳам куяр қовжираб
Оташ юрак алангасида.

Қуролланинг, асл ўғлонлар...
Титра, зулм! Сен ҳам, эй, ватан
Сарҳадига бош суққан хоин —
Шум ниятлар пайғамбари лаън,
Титра, қасос шамшири қоим!
Қаҳрамонлик — биз учун қисмат.
Хато кетса қаторимиздан,
Юрт уйғонур қароримиздан,
Жасоратга чорлар ор, исмат.

Қуролланинг, асл ўғлонлар...

Фарангийлар! Жанггоҳлар аро
Мурувватли ҳам шафиқ бўлинг.
Сизга юриш қилган фуқаро
Ихтиёри ўздамас, билинг.
Зулм — мана, сизни не ўртар,
Қўл кўтариб ўз ватанига
Жароҳатлар солган танига
Қонхўр йўлбарс бу ўша муртад.

Қуролланинг, асл ўғлонлар...

Жаҳоний жанг ичра мукаррам
Бизни қўллар оталар ёди.
Фано сари юз тутсалар ҳам
Мерос эрур улар муроди.
Етимлик биз учун тамом ёт,
Кўпираркан томирларда қон
Енгамиз ё бўламиз қурбон —
Шудир бизга олий мукофот.

Қуролланинг, асл ўғлонлар...

Олға юринг елкама-елка!
Ватан ишқи муқаддас, ҳалол.
Олға бошла, қутлуғ озодлик,
Юракларга шавқ ўтини сол.
Борурмиз сен бошлаган издан
Даст кўтариб ол туғимизни.
Билар бутун Оврупа бизни
Эрта кунги ғалабамиздан!

Қуролланинг, асл ўғлонлар! Сафлан ҳарбий саф!
Олға, олға, душман бўлсин ер билан яксон!

Саъдулла ҲАКИМ таржимаси

Маҳбуба ҚОДИРОВА,
филология фанлари доктори.

НОДИРА ҲАЁТИДА ИЖТИМОИЙ САҲИФАЛАР

Кўп асрли ўзбек адабиёти тарихида Моҳлар ойим Нодира ўзига хос ўрин тутади. Ўз даври назм гулшанига тароват бахш этган санъаткор айни пайтда ўзининг маданият ва маърифатни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти билан замонасида «Нодираи даврон» бўлиб танилган эди.

Шоиранинг ўзбек ва форс-тожик тилларида Нодира ва Макнуна тахаллуслари билан ёзилган асарлари, жамланган девонлари уларнинг нашрлари орқали китобхонларга яхши маълум. Яқинда шоиранинг Комила тахаллуси билан ёзилган асарларидан иборат яна бир мўътабар девони аниқланди. Ушбу девон ва ундан ўрин олган асарлар ҳақида ушбу сатрлар муаллифи «Гулистон» журналининг 1989 йил 1-сонида босилган «Комила девони» мақоласида маълумот бериб ўтган эди. Шоира девонига ёзган дебочасида ҳаётдан жуда эрта кетган умр йўлдоши — Қўқон хони Умархоннинг бевақт вафотини куйиниш билан эслайди. Унинг шоирлик салоҳияти ҳақида бир қадар ҳиссиёт билан гапиради. Ҳоким сифатида олиб борган ишларига ортиқча мақтовлар билдиради. Шоира ўзининг дастлабки ижодий қадамлари, шеъриятга бўлган муҳаббати ҳақида гапиради. Ўз навбатида, ижтимоий фаолияти хусусида маълумот бериб, Умархон вафотидан кейин Қўқон хонлиги тахтига ўтирган ўн тўрт яшар ўғли Муҳаммад Алихонга кўмаклашиб, мамлакат ободонлиги, маданият ва маърифат соҳасига ҳомийлик қилиб, шахсан ўзи олиб борган ишларини қайд этиб ўтади. Дебочада бундай дейилади (насрий таржима): «Кундан-кун айрилиқ дарди ва муштоқлик алами ҳаддан оша бошлади. Сабру чидам этагини ҳар қанча ушласам ҳам охир қарорсизликдан девоналик қўли билан тоқатим ёқасини пора-пора этади. Гоҳо унинг хаёли билан кўнгил изтиробига тасалли бердим, гоҳо унинг ёдини қилиб дилнинг ҳаяжонли ҳолатига ором ва таскин етказдим. Саййидлар, шайху уламоларга ҳадялар, тортиқлар қилиб, дуоларини олдим. Барчасини унинг поки руҳига бағишладим. Фақирлар ва бечораларга инъом ва ҳадялар билан фойда келтирдим. Яхшилик ва мурувват қилиб, камбағал бечораларни хурсанд қилдим ва эҳтиёжсиз яшашини таъминлаш борасида марҳамат ва шафқатлар кўргуздим... Гул боғда ғайрат билан баланд тоқилик қилиб, ярим доира шаклида мустаҳкам гумбаз бино қилдим. Дўстларга дуогўй жой бўлди. Унинг ёнига турли илмлар ўқиладиган, дилни равшан қилувчи салобатли мадраса солдирдим. Савдогарлар ва саёҳатчилар учун катта меҳмонхоналар барпо қилдим. Астойдил киришиб қўшинларни тарқатиб, халқни тинчлантирдим. Мамлакатни обод ва бечоралар кўнглини шод қилдим. Дин аҳллари, уламоларга ёрдам бердим. Шариат ривож топди. Дунёдан воз кечувчи (дарвешлар)га ихлос ва ишонч билдирдим, дин ва миллат камол топди. Илм-ҳунар аҳлига шафқат ва марҳамат билан меҳрибончилик кўрсатдимки, улар фикран ижодий тараққий қилдилар. Муҳтожлар ва гадоларни талабларига етказиб, яхшилик эшигидан ноумид юбормадим». (Нодира девони, инв. № 313, сах. 6—7, Қўлёзмалар институти фонди).

Шоира дебочада яна Умархон вафотидан кейин саройдаги фозил аёллар, хаттотлар ёрдамида кўплаб китобларни кўчиртиргани, шу жумладан, ўзининг шеърларини ҳам жамлаб девон тузгани ҳақида маълумотлар беради. Нодиранинг илмга, маданият ва адабиёт ривожига ҳомийлик қилишини кузатиб борган замондош шоир ва фузалолар, тарихчилардан Хотиф, Нодир, Ҳакимхон ва унинг атрофида бўлган шоирларнинг асарларида Нодиранинг ўз девони дебочасида ёзилган воқеликлар яна бир карра қайд этилади ва тасдиқланади. Абдунаби Хотиф Нодирага бағишлаб ёзган асарида Умархон вафотидан сўнг мамлакат идораси Муҳаммад Алихон қўлига ўтган бўлса-да, унда Нодиранинг ҳам иштироки катта бўлганини айтиб қуйидагиларни ёзади (биз тожик тилидан мазмунини бердик): «Унинг ақлу фаросатига замон аҳли ҳайрон ва қойил қолар эди... Умархоннинг вафотидан сўнг бу иффат садафининг инжуси ёрининг мотамида гоҳ ҳасратдан гулдек ёқасини чок-чок қилар, гоҳ айриликдан кўксини лоладек доглар, кўзларидан марвариддек ёшлар тўкар эди. Ҳа, ёрнинг фироқи осон эмас, жонон ғами — жоннинг оташидир. Шу хилда бехуд ва бесабрлик билан уч йил умр ўтказди. Фироқ ва ҳасрат кечаларида рангин назмлар, ажойиб шеърларни ўзига ҳамдам қилиб, форсий ва туркий жонбахш ғазалларни ёзиш ва ўқиш билан машғул бўлар эди.

Уч йилдан кейин кўркам хислатли бу Комила инсон огоҳлик кўзини очиб, минг гулистондан ортиқ бўлган Чаҳор чаман боғига борди. Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳар халқ ҳунармандларини ўз хизматига чақириб, хайру эҳсон эшигини шундай очдики, ҳаммалари мамнун бўлиб таҳсин ва офарин дедилар...

Шундай қилиб, бу аёл ақлу дониш ва яхши фазилатлари билан ягонаи даврон ва Нодираи замона бўлиб танилди ва халқлар таҳсинига сазовор бўлди» (Нодира девони, инв. № 313, сах. 68, 69).

Нодира ўша девон дебочасида кўплаб китобларни кўчиртириб, девонларни жамлаганини ёзган эди. Бу ҳақда ҳам Хотиф шундай эслайди: «Бу кунларда яна китоблар ёздириш ва уларга зеби-зийнат беришга қарор қилиб, бир кутубхона бино этдирди. Бу кутубхонада ишловчи котиблар, наққошлар, хаттотлар ва рассомларга шундай карам ва эҳсонлар кўрсатдики, бунинг овозаси атроф оламга машҳур бўлди. Амударёнинг бу томонидан ёқут қалам котиблар, Мирали рақам роқимлар, наққошлар, халкорлар, Моний каби рассомлар бу ерга жам бўлдилар. Шу жамоадан Беҳзод хислатли домла Муҳаммадниёз ўз замонасининг ягонаси эди. Бу устозга яна бир қанча моҳир халкор наққош ҳунармандларни қўшиб, варақларга зеби-зийнат бериш учун тайинланди. Ҳарамхона хизматкорларидан Олима отин ташқаридаги давлат ходимлари ва улар орасидаги ишларни хонимга (Нодирага) маълум қилиш учун тайинланган эди» (ўша асар, сах. 71).

Нодира асарлар, девонларнинг чиройли ва хатосиз ёзилишини кўздан кечирганидан кейин унинг муқовасини безатишни ҳам шахсан кузатиб турар эди. У яхши ишлаган котиб ва хаттотларга тилла қалам, кумуш қаламдон бериб, уларни «Заррин қалам»лик мансабига кўтарган.

Шунингдек, «Мукаммал тарихи Фарғона» асарида Нодиранинг қабристони калондаги Мадрасаи Чалпак, тақагарчилик растасидаги «Моҳлар ойим» мадрасасини солдиргани, бир етимхона ва мусофирлар учун бир сарой барпо этдиргани ҳақида маълумот берилади.

Нодиранинг замондоши Беҳжад шоиранинг ташаббуси билан бино қилдирилган мадрасалардан бирини назарда тутиб: «У (Нодира) чиройли бир мадраса бино қилдики, унинг ҳар бир ҳужраси жаннатнинг қасрига ўхшаган, таълим асбоблари муҳайё қилинган дарсхона эди», деб ёзади.

Шоир Мушриф ҳам мадрасада ўқиган талабаларнинг овқат, кийим-кечак билан таъминланганлиги, мадраса токчаларида муҳим тарихий, илмий, адабий китоблар терилганлиги тўғрисида ёзади, мадраса атрофидаги ер-сув, боғлар, карвонсаройлар, бозор расталари, ҳаммом ва шу кабилар ҳаммаси мадрасага вақф қилинганлигини қайд этиб ўтади ва унга қуйидаги тарихни битади:

Ефтам ин мисраи ҳасбул маром
«Мадрасаи Хоними неку қадам».

Бу кейинги мисра абжад ҳисоби билан жам қилинганда ҳижрий 1240, мелодий 1824—25 йиллар келиб чиқади.

Шоир Атторнинг «Туҳфатут-таворих» асарида Нодира оқилларнинг нодираси, ғарибларнинг ғамхўри, соф қалб эгаси, фаҳм-фаросат, илм ва дониш, карам ва саховатда «юз эрдан зиёда», «Нодираи даврон» деб таърифланган. Аттор шундай ёзади: «Моҳлар ойим поклик ҳижласида парда остида ўтирган саҳийлик қўлини узатган, у даврда Ҳотамитойнинг номини Нодираи даврон (номи) енгиб чиққан, ҳамиша ҳадялар бағишлаб саҳо эшигини олимлар ва фозиллар, фақирлар ва ғариблар юзига очиб қўйган, ўз караминнинг дастурхонидан ҳаммани тамомила мамнун қилган эди. Ҳар бева ва бечораларнинг дилини шод этар эди. Сурат юзасидан тахт эгаси, бечорапарварликда жувонмард эди»[1].

Нодиранинг девони дебочасида ўз фаолияти ҳақида билдирган фикрларида, унинг

илм-маърифат ишларига ҳомийлиги ва инсонпарварлиги ҳақидаги қайдларда ҳақиқат билан бирга ўта муболағали таъкидлар ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Лекин ўша хонлик ҳаётининг тор доирасида туриб, аёл кишининг олиб борган хайрли ишлари киши диққатини тортади.

Нодира ижоди совет даврида ҳар томонлама чуқур ўрганила бошланди. Бу соҳада ўттизинчи йиллардан илмий кузатишлар юзага чиқа бошлади. Нодира ҳақида Лутфулла Олим ва Ўткир Рашид илк мақола ёзганлар. Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Азиз Қаюмов, Тўхтасин Жалолов ва бошқа олимларимиз Нодирага бағишланган илмий ишларида унинг шоиралиги билан бирга ижтимоий фаолияти ҳақида характерли фикрлар айтиб ўтдилар. Шоира ҳаёти ва ижтимоий фаолияти ҳақида ўзбек адабиёти тарихи, дарсликлар ва ўқув қуролларида ҳам қизиқарли фактлар ўрин олиб борди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Моҳлар ойим Нодирадек инсон ва унинг ҳаётига садоқатманд, маърифатпарвар тарихий шахсга баҳо берилганда унинг фақат шоиралигига назарда тутилмаслиги керак. Бу аёл шахсий ҳаёти ва шароит тақозоси билан ўлка ҳаётига ҳомийлик қилишдек характерли ишни ўз зиммасига олади ва ўзи илму дониш, заковати ва ўта тадбиркорлиги билан маданий-маърифий ишларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди.

«Гулистон» журналининг 1989 йилги 1-сонида тарих фанлари кандидати Ҳ. Бобобековнинг «Нодира ва замон» сарлавҳали мақоласини кўздан кечириб қолдим. Нодира ва унинг муҳити ҳақида яхшигина фикрлар билдирилган бу мақолада «Моҳлар ойим Нодира Муҳаммад Алихон даврида (1822—1841), Султон Маҳмудхон даврида (1841—1842) ҳам давлатни бошқаришда фаол иштирок этмаган», деб ёзади. Мақола муаллифи ўз фикрини исботлаш мақсадида қуйидаги шошилинч хулосани баён этади: «Қўқон хонлигига оид барча маълум бўлган қўлёзма, тарихий китоблар ва архив ҳужжатларида Нодиранинг давлатни бошқаришдаги иштироки ҳақида далилни учратмадик. Ҳаттоки, чор Россияси разведкаси тўплаган маълумотларда ҳам Нодиранинг давлатни бошқариши ҳақида биронта ҳам маълумот топа олмадик». У ҳолда шоиранинг замондошлари Хотиф, Нодир, Ҳакимхон ва бошқа тарихчиларнинг асарларида баён қилинган фикрлар ҳақида нима дейиш мумкин? Нодира ўз девони муқаддимасида хато фикрларни айтмагандир ахир. Хотиф асарларида «Бу аёл мамлакат низоми ва халқ эҳтиёжини тадбир ва адолат расмида камоли ақл ва фаросат билан шундай жойига келтирдики, тамоми умаро ва фузало барча халойиқ унинг давлатини янада зиёда бўлишини тилаб дуо қилдилар. (У) Мамлакат хирожларидан сарф қилиб, бир мадрасаи олий, нақшдор масжид, ҳаммом, карвонсарой бино қилдирди. Бу мадраса, масжид талабаларига бозор расталаридан ҳисобсиз вақфлар тайин этди», деб ёзганига шубҳа билан қарашга ҳақлимизми? Чор разведкаси бу асарларни ўқиб, мағзини чақолмагани ҳақиқат-ку. Нега Нодира ҳақида фикр юритмоқчи бўлган бугунги олим юқоридаги манбаларни эътиборга олмай, «қўлёзма тарихий китобларда Нодиранинг давлатни бошқаришдаги иштироки ҳақида далилни учратмадик», деб осонгина хулосага келади. Бу манбаларга юзаки қараш оқибати эмасмикин? Ҳар ҳолда, масалага адолатли ёндашув манбалар асосида фикр билдиришни талаб қилади.

Нодира ўзбек адабиёти ва маданияти тараққиётида муносиб из қолдирган сиймодир. Унинг серқирра фаолиятида давлат ишларидаги иштироки шубҳасиз.

Моҳлар ойим — шоира Нодиралигича, давлат ишларидаги ҳомийлигича қолади.

[1] Аттор. «Тухфатут — таворих». СССР ФА Осиё мамлакатлари институтининг Ленинград бўлими, инв. № 440, 229-варақ.

Редакция почтасидан

ТАШВИШЛИ ХАБАР!

МИНГЎРИК ҲАЛОК БЎЛМОҚДА

Тошкент шаҳрининг қоқ марказида — ўтмишнинг кичик бўлаги — тилсиз гувоҳ Мингўрик ёдгорлиги ҳалок бўлмоқда.

Олдинлари қадимий шаҳарча деворлар билан ўралган бўлиб, «Давлат томонидан қўриқланади», деган сўзлар ёзилган тахтача осиб қўйилганди. Аммо автомобиль эгалари деворларни қўпориб ташлаб, тахтачани ҳам юлқиб олишди. Бўшаган ерга ўша кунлёқ темир гаражларни қўйишди. Шунисн ажабланарлики, атиги юз метр узоқда жойлашган Ленин район ижроия комитети бу аҳволни кўриб кўрмасликка олаётгани ҳаммани ҳайратга солаяпти.

Эҳтимол, тарих ва маданиятнинг қадрига етмайдиган бу ўзбошимчаларга мана шу даргоҳнинг ўзи фатво бергандир. Ё алҳазар!!

ТИЛИМИ ТИЛНИ ЯРА ҚИЛАР

Ҳозир айни пишиқчилик. Бозор расталари дала неъматларига тўла. Айниқса, қовун-тарвузлар кўзни қувонтириб, иштаҳани қитиқлайди. Лекин нархи жуда баланд. Аммо барибир харид қиласиз. Ахир сара қовун дардга даво дейишади. Афсуски, бозорларда чошчош бўлиб уюлиб турган қовун-тарвузлар кўринишидан шундай, аслини уйингизга олиб келиб, таъмини тотганингизда биласиз. Шакар деб бозордаги деҳқондан заҳар сотиб олганингизга амин бўласиз. Сабаб: қовун таркибида кимёвий ўғит ҳаддан зиёд. Бундай қовунни есангиз, ўз пулингизга саломатлигингизни йўқотишингиз ҳеч гап эмас. Тўғриси, кейинги йилларда кимёвий ўғит солинмаган қовунни ейиш фақат орзуга айланиб қолаётир. Олдинлари бирор жойга сафар қилгудек бўлсак, энг ширин неъмат сифатида совғага қовун олиб бориларди. Эндиликда бирорта танишингизникига қовун кўтариб боргудек бўлсангиз, уни ҳадиксираб қабул қилади. Бозорларимизни маза-матрасиз, тошбосар қовунлар босиб кетаётир. Сабаби айрим сохта деҳқонларимизнинг пулга ружу қўйганликлари бўлса, қолганлари план тўлдириш, орттириб бирор сўмга эга бўлиш билан боғлиқ. Планда белгиланган маҳсулотни етиштириш учун шундай қилиш керак. Чунки план миқдори катта қилиб белгиланган. Деҳқон уни бажариши ҳамда ундан орттириб бозорга олиб чиқиши учун ҳаракат қилади ва ҳоказо.

Шуни айтиш керакки, Сурхон воҳаси ерлари ҳамон ширин-шакар қовунлар етиштириб беришга қодир. Чунки, қовун қаттиқ, сувсиз бўз ерларни хуш кўради. Бунга оддий мисол қилиб, Шеробод районининг Таллашкон даштларида Ҳуррам Тангиров бошлиқ бригада аъзолари етиштирган қовунлар, «Таллимарон» совхозида Хўжамберди Бакиров, Ҳуррам Жовлиев, Шоди Эргашев, Холли Иброҳимовлар ҳамон ота-боболаримиз удумини тутиб, ширин-шакар қовунлар етиштиришаётганлигини мамнуният билан таъкидлаш мумкин. Бироқ, улар етиштирган қовунлар бозор юзини кўрмайди. Мижозлар полизнинг ўзиданоқ ташиб кетишади.

Ўлкамизнинг вилоятларида қовуннинг чўгари-басати, босволди, обиноввот, қўтир, амири, кўкча, шакарпалак, ичқизил, оққовун каби ёзги ва қўйбош, умрбоқи, аркони каби кузги ҳамда қариқиз, қорапўчоқ, гулоби сингари қишки навлари экилади. Хоразм воҳасида эса, гурвак, у бизнинг воҳамизда кўккалапўш номи билан аталадиган қовун кўп тарқалган. Шунингдек, ҳандалакнинг ҳам жуда кўп навлари мавжуд.

Қовун шу пайтгача Сурхон воҳаси одамларининг фахри бўлиб келган. Илгари бозорларимиз ширин-шакар қовун-тарвузлари билан машҳур бўлган бўлса, полизларимиз бутун мавсум давомида шодиёнага айланарди. Хушбўй ҳид ҳаммаёқни тутиб кетар, катта-катта қозонларда шинни қайнарди. Қовунқоқилар тайёрланарди. Эндиликда эса одамлар қовун деса, юзларини тескари бурадиган бўлиб қолганлар. Сабаби ўзингизга аён: планни дўндириш, зиммадаги мажбуриятларни тезроқ бажариб, раҳбарлар дашномидан қутулиш...

Ҳозирги пайтда партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати ҳақида куйинчаклик билан тадбирлар белгилаяптилар. Шундай экан, бу қовунчилик соҳасига ҳам тааллуқлидир. Эндиликда, давлатга топшириш олдидан махсус тафтишчилар маҳсулот сифатини полиз бошидаёқ аниқласалар, айни муддао бўлар эди. Бордию, маҳсулот таркибида инсон саломатлигига путур етказадиган моддалар кўплиги аниқланса, полизчидан маҳсулот етиштириш учун кетган барча харажатлар ундириб олиниб, тағин устига жарима солинса, бу ҳол такрорланмагудек бўлса, қовунфурушни жиноий ёки моддий живобгарликка тортиш қонун билан белгиланса, албатта бундай кўнгилсиз ҳодисаларга барҳам берилар эди. Ана шундагина, эл-юрт дастурхони тўкин бўлиб, қовунларимиз шуҳрати қайта тикланарди.

Холмўмин ХУДОЙҚУЛОВ

Термиз

ТИБЕТ ТАБОБАТИ СИРЛАРИ

— Ҳамма дарднинг бошланишига энг аввало — нодонлик, қўполлик сабаб бўлади, — дейди 27 ёшли бурят Дамба-лама.— Қандай ва нима билан овқатланишни билиш, парҳезга риоя қилиш саломатлигимизнинг гаровидир. Беморнинг аҳволини томирнинг қон уришидан аниқлаймиз, кейин касаллик сабабларини излаймиз. Ахир ҳамма оғир касал енгилидан келиб чиқади-ку!

Тибет табобатининг даволаш усуллари хилма-хил: бунга гиёҳлар, игна санчиш, куйдириш ҳамда таъсир этиш киради. Даволашнинг баъзи бир турларига икки минг йилдан ошиб кетган. Унинг сирлари анъанага кўра устоздан шогирдга ўтади. Тибет табобатининг мактаби ҳамон яшашда давом этмоқда.



Суратда: Дамба-лама қабулида.



Ғофур ҚУРБОНОВ

ШАРҚНИНГ АЁЛИ

Садоқатли аёл,
Эътиқодли аёл.
Дили пок, тили бол,
Ҳур отли аёл.
Барчино-ю, Нодирадек
Зўр зотли аёл.
Кундузнинг қуёши, туннинг ҳилоли —
Ўзингсан мунисим — Шарқнинг аёли.

Паранжи кийдириб ситам қилдилар,
Сотишиб, чўрию қул ҳам қилдилар.
Муқаддаслигингни охир билдилар,
Ғурур, ор-номуснинг содиқ посбони
Ўзингсан мунисим — Шарқнинг аёли.

Севган ва билганинг ҳур қўшиқ алла,
Сенинг кўрган бахтинг бир этак бола.
Ҳам бахтинг, ҳам тахтинг бир этак бола,
Сен боис порлаган ҳаёт чироғи,
Ўзингсан мунисим — Шарқнинг аёли.

Онадан онанинг ками бўлмайди,
Ўзга боққанлардан кўнглим тўлмайди.
«Болам» деб сендайин ҳар зот куймайди.
Гўдагин юраги, дунё иқболи,
Ўзингсан мунисим — Шарқнинг аёли.

Беруний, Синонинг боғбони ўзинг.
Алишернинг ўлмас забони ўзинг.
Имонли дунёнинг имони ўзинг,
Қалби-осмон, меҳри-уммон инсон
Ўзингсан мунисим — Шарқнинг аёли.

* * *

Юракни куйдирар армонлар чўғдек,
Бир қудрат излайман ўзга тинимсиз.
Тўлқинлар урилар қирғоққа ўқдек,
Емирилиб бораркан қирғоқлар сўзсиз,
Сен менга исённи ўргатдинг, денгиз.

Тош бўлиб урса ҳам шамол ва бўрон,
Оҳ қандай бардошли бу мағрур тоғлар!
Нолишни билмаган тоғлар ҳеч замон
Бошида мангуга қолса ҳам зоғлар.
Менга бардошни ўргатинг, тоғлар.

Ҳар дилга боқмасман сендек баробар,
Ҳаммага бир кўзда қараган офтоб.
Фақат офтоб, сенинг бошингда тун йўқ.
Булутлар домингга беролмайди тоб,
Сен менга ўлгунча меҳр бер, офтоб,
Сен менга ўлгунча қаҳр бер, офтоб.

ТЎНҒИЧ ИНСОН

Кўзларимда йитмаган из кўп,
Ичимдадир абадий гулхан.
Мен тарихман, хотирам тўп-тўп,
Бор ўтмишим ичимда ётган.
Мендан кичик қуёшнинг ёши,
Наҳрларнинг кўзин очганман.
Бу заминнинг шўр эди боши,
Уни тараб, уруғ сочганман.
Бу оламда йўқ эди душман.
Олов эди ўчоқ ҳокими.
Яхлит эди, ер шари — Ватан
Бу башарнинг бир эди жони,
Менинг тўнғич авлодим эрур,
У Алпомиш, Рустам, Спартак.
Ҳар бир қўлим девдан эди зўр,
Бил хотиржам эмасдир эртак.
Сув эмасди, бу оби ҳаёт
Нон, туз қадрин ҳамма биларди.
Ростин айтсам, сенга эй авлод,
Тилим билан дилим куяди.
Сенда меҳр қуёши сўнган
Ҳам чириган имон дарахти.
Сени «дўстинг» йўлингдан урган
Душманларинг йўқ бўлган пайти.
Ким деб сўрма, бу ёнаётган
Мен ўшаман-бутун имонман.
Борлиқ аро бир пайт яралган,
Бунёдкоринг — тўнғич инсонман.

* * *

Ҳамма гуноҳ бизларда,
Еру кўкда гуноҳ йўқ.
Энди ҳайрон боқамиз,
Бизлар каби гумроҳ йўқ.

Аму, Сирда гуноҳ йўқ,
Ўлар бўлса ҳам Орол —
Чўлни чаман қилай деб,
Ўзимиз қилдик беҳол.
Бугун-ку мадад сўрар
Қадимий ёдгорликлар,
Эрта Оролдек сўлар,
Тилло рангли қуббалар.
Сўлаётган дил эмас,
Сўлаётган умрдир.
Ўлаётган тил эмас,
Ўлаётган сабрдир.
Тупроқни заҳарладик,
Фалакка сочдик заҳар.
Энди бундоқ ўйласак,
Юрак зирқираб кетар.
Имон, виждон, савобдан,
Эътиқоддан юз бурдик.
Ҳалол дилга тош отиб,
Ҳаромларга йўл бердик.
Ҳамма гуноҳ бизларда,
Еру кўкда гуноҳ йўқ.
Энди ҳайрон боқамиз,
Бизлар каби гумроҳ йўқ.

* * *

Тупроқ йиғлаганда,
Қотганда осмон,
Ёвга қул бўлганда ночор оломон.
Торобийдек зотлар этишиб исён,
Бу юртнинг эрлари ерга айланди.

Майдонда йиқилиб қолганда эрлар,
Қонга беланганда номус, ғурурлар.
Муқанналар белга боғлашиб камар,
Бу юртнинг қизлари эрга айланди.

Ўроз ҲАЙДАРОВ

ҚУТҚАЗИШ

Лоқайдлик тумани босди қалбимиз,
Идрок кўзгусига чанг солди Ғафлат.
Ҳудбинлик майидан хира таъбимиз,
Ўгайми, тунд боқур гўё Табиат.

Нима бўлди бизга?!
Қадам бунча суст?
Ҳеч нени кўрмаймиз, сўқирдан баттар.
Йиқилган кимсага айтмаймиз бир сўз,
Наҳот, ўзимиздан ўзимиз бадар.

Гиёҳванд нашадан ўқчиган каби,
Худбинлик елидан айланар бошим.
Қаерга борамиз, одамлар, тўхтанг,
Тўхтанг!
Тўхтанг!!
Тўхтанг!!!
Тугар бардошим.
Алдов оғусидан соб бўлди Виждон,
Инсоний лафз ёниб битадигандай.
Оёғим остида гўё шу замон
Ер ўқ мисол учиб кетадигандай.

Табиат сўнса гар, диёнат увол,
Дунё жон асрайди токай қафасда.
Меҳрсизлик қурбони — Балхаш ва Орол
Нажот тилаётир мажруҳ нафасда.

Қутқаринг! Қутқаринг, адам баҳрига
Диёнат кемаси чўкмасин — таққир.
Ўзни қутқазайлик Ғафлат наҳридан,
Ватан ижарага берилмас, ахир.

УЛУҒБЕК

Кесилган бош каби думалайди ой,
Салладек чувалган Сомон йўли ҳам.
Тун чакмони узра рангпар гуллардай
Юлдузлар сочилган. Мунаввар олам.

Сокин кўл соҳили узра ўлтириб
Еруғ хотиралар қўйнига чўмдим.
Тош отдим осмонни қучган кўлга хўп,
Осмон синиғидан жаранглади Тун.

Беш аср фалакнинг шу кор-ҳолидан
Кўксимга тош отар ўч ларзалари.
Е раббий! Фалакда мангу акс этган
Мунажжим қисматин манзаралари.

ТАНБУР

Ғамгин оҳанг сочилиб Тунга
Бўшлиқларда ғариб сузади.
Етказгунча кечани Кунга
Бедорликни кўздан узади.

Зил оҳангдан судралар шамол
Ҳорғин нафас олар дақиқа.
Эзгин куйлар,
куйлар далалар
Йиғлаётган аёл ҳақида.

Чироқчи

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Сарчашма соҳибаси

Собир ҲУНАРОВ

Сара ўқитувчи-мураббийлар ҳақида суҳбат кетганида, бир шоир уларни «илм дарёчалари» деб таърифлаган эди. Жуда мос ташбеҳ. Шу сабаб Марям опани Тўрткўлнинг илм шарбати билан тўлган дарёчаси деб атагим келади.

«Қут билгуси билиг — Билим саодатга элтгувчидир». (Юсуф Хос Ҳожиб). Билимнинг қадрини ҳам билимли киши кўпроқ ҳис қилади. Юқоридаги ҳикмат Марям опанинг кўкайидан тушмайди. Андак эътибор берсангиз, аксар адабиётчилар бошқалардан хиёл фарқ қиладилар: кўпинча кўнгилчандирлар. Марям опа ҳам тез таъсирланадиган, мунис аёл. Опанинг таржимаи ҳоли билан қизиқиб қолдим. Аксар зиёли ўзбек аёллари сингари у ҳам колхозчи оиласида камол топган. 1938 йилда туғилган. Ўрта мактабни тугатиб, 1956 йили Тўрткўл педагогика билим юртига ўқишга кирган. Уни тамомлагач, 1958 йилдан бошлаб шу ердаги А. С. Пушкин номидаги мактабда бошланғич синфларга дарс бера бошлади. Кейин Тўрткўлга келин бўлиб тушди. 1967 йили Нукус Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига сиртдан ўқишга кириб, назарий билимини оширди.

Опа адабиётнинг тарбиявий аҳамиятига астойдил ишонади, уни ахлоқсизликдан муҳофаза қилувчи қурол деб ҳисоблайди. Сабоқ бериш усули ҳам халқчил — ҳурмат, иззат, ибо ҳақидаги тушунчаларни ўқувчиларига англатишдан иборат. «Қутадғу билиг», «Қобуснома», ўзбек достонларию эртаклари, хусусан, Навоий ҳикматлари — мураббийнинг маънавий хазинаси. Марям опа Сафарова Тўрткўл шаҳар Ю. А. Гагарин номидаги санаторий мактаб-интернатида ўзбек тили ва адабиётидан сабоқ беради. Бу ердаги ўқувчилар мактабда ҳам даволаниши, ҳам тарбияланиши билан бошқа мактаблардан фарқ қилади. Опа билан учрашганимизда у муаллимлар саройи Абдулла Авлонийнинг ушбу ўгитини ўқиб берди:

«Боланинг саломат ва саодати учун яхши тарбия қилмоқ, танини пок тутмоқ ёки вақтида маслакни тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардин асраб ўсдурмак лозим. Тарбия қилувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан беруб катта қилмоғи лозимдур. Зероки, амри шарифи узри хулқимизни тузатмакға амр ўлингонмиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур».

Марям опа китобни ёпар экан:

— Бу жумлаларнинг мағзини чуқурроқ англашимиз, уни йўриқ ҳисоблашимиз керак, — деди. — Хоҳлаймизми, йўқми, бир ҳақиқатни тан олишга мажбурмиз: фақат ўқувчиларнинг эмас, ёшларнинг аҳлоқ-одоби ҳақида бугун илиқ сўзлар айтишга истиҳола қиласан киши. Бунинг учун фақат уларни айбдор демайман. Чунки, табиий, ёшлар катталардан андоза олади. Тарбияли фарзандлар ўстирмоқ учун аввал ўзимиз яхши тарбия беришга муносиб бўлишимиз лозим. Оиладан бошланади ҳамма нарса. Ҳурматиззат, шарм-ҳаёни бола мактабга бормасдан олдин, оилада ўзлаштиради. Бу нарса ота-она томонидан қонунга айлантирилса, мактабда аҳлоқи шаклланади. Мактабни битирганида эса, ўқувчи маълум тайёргарликка эга бўлади. Кейин ота-она бўлади. Қуш уясида кўрганини қилади, деганидек, кейинроқ турмушда ҳам оиласидан олган тажриба асос бўлиб қолаверади.

Марям опа аввало — фарзандларидан, уй бекаси сифатида турмуш ўртоғи Сапарбой акадан кўнгли тўқ. Дарвоқе, Сапарбой ака ҳам зиёкор — ана шу санаторий мактаб-интернатда 22 йилдан буён сабоқ беради. Катта қизи Зуҳра ота-она касбини танлаган. Ҳозир райондаги «Совет Узбекистони» номли мактабда ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси, Зулфия бухгалтер, Улуғбек армия хизматида, Зайнаб ишчи, Давронбек қишлоқ хўжалик техникуми талабаси.

— Шукурки, уларни яхши ўстирдик, — дейди Марям опа.

Бахт меҳнатни севганга ёндошади. Марям опа ўттиз йилдан бери ишлаб неки мартабага эришган, неки обрў топган бўлса — ўзининг ҳалол меҳнати орқасидан.

Ўз ишини сидқидилдан бажаргани ҳамда жамоат ишларида фаоллик кўрсатгани учун Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи, район маорифи бўлимининг мақтов қоғозлари билан тақдирланди. «Тўққизинчи беш йиллик зарбдори», «В. И. Ленининг 100 йиллиги» медали... Булар — ҳукуматнинг Марям опага берган совғалари. Асосий туҳфалари эса, ундан таълим олган сон-саноқсиз ўқувчилар меҳру-муҳаббатидир...

«Олим беамал бўлмағай. Илмни яхши ўрганғил. Билғон илмингни яхши иборалар била баён қилғил, то бемаъни даъво била хижолатманд бўлмағайсан. Ваъз ва пандни хавф ва ижо била айтғил...» (Кайковус. «Қобуснома»). Адабиёт ғоявий қарашлар, эътиқодларни тарбиялайди. Дунёни, тирикликни севиш, ёмонликка нафрат туйғусини уйғотади. Шунингдек, у халққа муҳаббат қўйишни ўргатади. Халққа меҳр қўя олган киши ифтихорли бўлади. Биз адабиёт деб ўқиган фан худди шундай вазифани бажариши керак. Марям опа... ўзбек адабиёти дарсликларининг чалалигидан нолиди. У киши матбуотда адабиёт тўғрисидаги мунозараларни кузатаркан: «Ёзувчи Аҳмад Аъзам таъкидлаганидек, дарсликларимиз ҳақиқатан ҳам бирёқлама йўналишдадир, бизнинг адабиёт дарсликларимиздаги шарҳлар чиндан ҳам алмисоқдан қолган ва ўқувчини фикрлашга ундамайди», деб куйинди у. Дарсликларни қанча ўқиманг, ҳаттоки Алишер Навоий даври ҳақида ҳам юзаки билим олаверамиз. Феодал-клерикал, диний-мистик адабиёт вакилларидан биронтасининг ижодини, жиллақурса ўқитувчи бўлганимиз учун яхшироқ билсак, шуларнинг ҳам ибратли томонларини ўқувчиларимизга кўрсата олсак кошки эди! У ҳам майли, ўқувчиларимиз совет даври ўзбек ёзувчиларини ҳам тузук ўқий олмайдилар. Ўқи, десак, хрестоматияни ўқийди. Уни ўқиди нимаю ўқимади нима?! Айтаманки, манбаларнинг ўзи кам бизда. Ҳаммаси чала. Назаримда, болалар шунинг учун ҳам мустақил фикрлай олмаслар; шунинг учун ҳам тузуклаб иншо ёзолмасалар керак. Эркин темада ёзишга, айниқса нўноқлик қиладилар.

— Марям опа, улар равон жумлалар туза олмайдиларми ё имло хатоларини айтмоқчимидингиз?

— Икковиниям. Имло хатоларини-ку қўяверинг. Уларга ўзбек тили норма ва қоидаларини ўргатишга масъулмиз, аммо тил назариямиздаям камчиликлар кўп.

— Масалан?

— Масалан, биргина пунктуация қисмини олайлик. Ҳар дарсликда ҳар хил ўргатилади. Ҳатто, эътибор берганмисиз, матбуотдаям ҳар хил қоида қўллашади. Ҳайрон қоласан одам... Бу менингча барча тил муаллимларининг дарди бўлса керак.


— Марям опа, ўқувчининг мустақил фикрлаши ҳақида куйиниб сўзладингиз. Ўзингиз айтинг-чи, уларни эркин, ўз фикрини дадил айта оладиган қилиб тарбиялаш учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?

— Бу ҳақда мен ўз фикримни айтишим мумкин. Аввало, боланинг яхши маънодаги интилишларининг рўёбга чиқишига тўсқинлик қилмаслик керак. Яхши истакларига ҳалал бермасак, бизнинг унга кўрсатган биринчи ёрдамимиз — шу бўлади. Ёмон хислатлар учун ота ва она жавобгар, буни такрор ва такрор айтаман. Қўлимиздан келадигани шуки, биз ўқитувчилар болаларни иложи борича билимли қилишга ҳаракат қиламиз.

Шогирдларимнинг кўпчилиги фарзандларимдай бўлиб қолган. Саъдулло Ўрозимбетов — кимёгар олим, Москвада аспирантурада ўқиётир. Ражаб Қурбонов, Хадича Муллобоевалар врач, Гулчеҳра Раҳимова шоира... Улар билан фахрланмай бўладими.

* * *

Марям опанинг яхши шогирдлари кўп. Шуларнинг бири кўнглимга чунон яқин. Саватдай сочларини ёйиб юрувчи, маъюс боқувчи, овози мушфиқликдан бўлак нарса эслатмовчи. Унинг исмини Марям опага ҳам, сизга ҳам айтганим йўқ. У ўз кундалигига Марям опа ҳақида «кўп ва хўб» ҳурмат билан ёзган. Мени Марям опа сари етаклаган нарса ҳам шу аслида.



Эски ўзбек алифбосини ўрганиш машғулотида.

М. Болтабоев фотоси.

Чақир-чиқанак

ҚАЙСАР БУЛУТЛАР

(Ҳазил)

Ҳавода сузиб бораётган қора булут иккинчи булутга деди:

— Бугун эрталаб радио орқали берилган об-ҳаво ҳақидаги хабарни эшитдингми? Ўша қизнинг айтишича, бугун фақат Самарқанд билан Бухородагина ёмғир ёғармиш. Тошкентда ҳаво булутли бўлса ҳам ёмғир ёғмасмиш.

Иккинчи булут гулдираб кулиб юборди:

— Об-ҳаво бюросидаги ўртоқлар кўп янглишадилар. Лекин юзлари қаттиқ шекилли, тап тортмай бошқа ёлғонни ҳам тўқиб ташлайверадилар. Бу сафар ҳам улар «ёмғайди» деганининг аксини қилиб, бир жала қуймаймизми?

— Бўпти.

Зум ўтмай шаҳар устида жала бошланди.

Т. ҒОИИПОВ

ЭЧКИГА ЖОН ҚАЙҒУ

ҲАЖВИЯ

— Алло, бу ер оловдан муҳофаза қилиш жамиятими?

— Бунча сувсаган сигирдай бўкирасиз. Сиз излаган жой. Ярим соат ўпкангизни қўлтиқлаб туринг. Нақ жар рўпарасида турибман-у, яна сизнинг ғовғангиз ошиқча.

«Шаҳ» деган овоз, кейин пишиллаган жавоб эшитилади:

— Шахмат ўйнаяпмиз, акаси, ҳозир бир-у икки. Қолсам кафанни бичаверинг.

— Алло, ошхонамга ўт тушди. Тез келмасангизлар, уйга ҳам ўтадиганга ўхшайди.

— Қассобга ёғ, эчкига жон қайғуси, деганлар. Халал берманг, ие, ие, отни олишди-ку! Вақт топганини қара-я, ўт уйингизга кейинроқ тушса бўлмасмиди?

— Уй эмас, ҳозирча ошхонам ёнаяпти.

— Э, бало бўлмайдими? Бошимни қотирманг. Қолсам биласизми?..

— Нима бўлади?

— Э, дард бўлади! Ошга тушаман-а?

— Менчи? Мен! Алло...

— Эй, уйингизга қўшилиб ўзингиз ҳам ёнинг. Бошни қотирмаганингизда боплаб қолдирардим. Энди начора... қолдик. Эссиз яримта, ош...

— Эссиз уйим!

— Уй ёнаяптими?

— Ҳа, ёнғин уйга ҳам ўтди. Ўзим ҳам ёниб кетмасам...

Навбатчи ўрнидан туриб кериши эснади. Кейин эса ёнаётган жой адресини сўраб олмагани эсига тушиб, ўртада қоққан қозикдай туриб қолди.

М. БОБОРАҲИМОВ
Ленинобод области



— Яхламаган эмиш-а!



Лаганбардор Кунгабоқаров.

И. Зоиров расмлари

ЛАТИФАЛАР

Афандининг пенсия ёшига бориб қолган қўшниси шикоят қилди:

— Мулла Насриддин, овқатдан ўзимни тийсам ҳам семириб кетяпман, нима қилсам экан?

— Мен пенсия ҳужжатларини расмийлаштираман, деб югураюгура бир ойда чўпдай озиб кетганман, сиз ҳам шундай қилинг, — деб маслаҳат берди Афанди.


* * *

Пойабзал магазинининг мудири ажабланиб деди:

— Тавба, магазинга тушган ўғри ҳеч нарсага тегмай чиқиб кетибди!

— Ўғри брак пойабзални бошига урадими! — деб кулди Афанди.

А. Исомиддинов



КРОССВОРД

ЭНИГА: 5. Қозоғистон ССРнинг Чимкент областидаги қадимий шаҳар. 8. Самарқанддаги меъморлик ёдгорлиги. 9. Бухородаги меъморлик ансамбли. 11. Яйловда боқиладиган қўйлар подаси. 12. Пўстлоғи зиравор ва доривор сифатида ишлатиладиган жануб ўсимлиги. 13. Ғоят катта, улкан. 16 Ўзбек халқ куйи. 17. Бўстонлиқ районидаги оромгоҳ маскан. 20. Бозорларда бир турдаги маҳсулот билан савдо қиладиган дўконлар қатори. 21. Ўзбекистондаги қадимий хароба шаҳар. 22. Резавор ва полиз экинлари мажмуи. 23. Ҳашаматли катта бино. 24. Ўзбек халқ достони. 26. Кўҳна савдо йўлларидаги манзил, карвонсарой. 30. Шишадан тайёрланган бинокорлик ашёси. 32. Украин совет ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 33. Адо этилиши зарур бўлган мажбурият. 34. Республикамиз жанубидаги қадимий шаҳар. 35. Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган, Ер куррасидаги энг катта ярим орол. 36. Самарқанддаги меъморлик ансамбли.

БЎЙИГА: 1. Юқори навли тиниқ оқ шишадан ясалган буюм. 2. Ўзбекистондаги XIV асрга мансуб мақбара. 3. Бухоро яқинидаги меъморлик обидаси. 4. Бирор бинога қўшиб ёки алоҳида қурилган баланд иншоот. 6. Кўп торли қадимий чолғу асбоби. 7. Куй, оҳанг. 10. Бинокорлик материали. 14. Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири. 15. Еввойи, кўл қуши. 18. Ярим шар шаклидаги гумбаз. 19. Жонивор ва ўсимлик дунёси таркибидаги энг муҳим органик модда. 23. Нарса сиртига берилган жило, пардоз. 25. Жануби-шарқий Осиёдаги давлат. 27. От зоти. 28. Шаҳрисабздаги обида. 29. Жийдасимонларга мансуб меваси шифобахш бута. 31. Осиёнинг жануби-ғарбидаги давлат пойтахти. 33. Темирчилик асбоби.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

6-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: 3. Муродов (Жўрабек). 8. Шифокор. 9. Қорачой. 11. Зеби. 12. Ақиқ. 14. Қозон. 16. Биосфера. 18. Акварель. 20. Касаначилик. 23. Катманду. 26. Обгардон. 28. Канал. 29. Қиём. 30. Рейн. 31. Форобий. 32. Инженер. 33. Икромов (Акмал).

БЎЙИГА: 1. Мусобақа. 2. Болохона. 4. Витебск. 5. Кошице. 6. Катаев (Валентин). 7. Колибри. 10. Нозимахоним. 13. Зигирак. 15. Алифмой. 17. Расад. 19. Қўлоб. 21. Имтиҳон. 22. Драйзер. 24. Номзод. 25. Украинка (Леся). 26. Олтинтоғ. 27. Герцен.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталаридан фойдаланилди.

Босмахонага туширилди 18.04.1989 й. Босишга рухсат этилди 23.06.1989 й. Р-14588. Қоғоз формати 70×108 1/8. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Тиражи 143049. Буюртма № 750. А—127. Баҳоси 35 т.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.



Рассом А. Маматованинг

«Ҳосил» асари.



Қорабайир уюри яйловда. Д. Юсупов фотоси

Баҳоси 35 тийин.
Индекс 75233.

